

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Саҳифаловчи

Д.Х.Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй,

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр.-ҳисоб табағи 9,5. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Академия ноширлик маркази» давлат унитар корхонасида чоп этилди. 100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй. Тел.: 265-17-50

Босишга рухсат этилди 07. 06. 2010.

Буюртма № 61.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНING АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2010 йил, 2-сон

МУНДАРИЖА

2010 йил — Баркамол авлод йили

2010 год — Год гармонично развитого поколения

Рўзиназаров Ш.Н.

Болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари.....3

Фойибназаров Ш.Ф.

Глобаллашув жараёнида ёшларни мафкуравий таҳдидлардан асрашнинг долзарб муаммолари.....8

Исмаилов И.

Баркамол авлоднинг ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш муаммолари.....12

Саидов Б. А.

Маънавий баркамол авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари.....19

Раҳимов Ф. Х.

Ҳуқуқий тарбия — ёш авлод камолотининг муҳим омили.....30

Юридик фанни ривожлантириш**Развитие юридической науки***Исхакова Л. Ф., Иргашев Р. Р.*

Проблемы взаимодействия национального и международного права (на примере сотрудничества Республики Узбекистан с конвенционными органами ООН по правам человека).....34

Нарбуттаев Э. Х., Хўжақулов С. Б.

Ҳимоячи томонидан қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатларнинг амалга ошириш механизми тўғрисида.....41

Пўлатов Б. Ҳ., Ражабов Б. А.

Хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунларида гувоҳлантириш ва уни ўтказишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши.....46

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия

Т.Р.Саитбаев (ответственный редактор),
Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Э.Х.Нар-
бутаев, Ш.Р.Кабилов, А.А.Таджиев,
С.А.Раззаков, Н.Т.Исмоилов, Р.Р.Тум-
паров

Редакторы номера

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

Верстка

Д.Х.Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агент-
ством по печати и информации 18 июня
2009 г.

Свидетельство о регистрации средства мас-
совой информации № 0568

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет подготовлен в редак-
ционно-издательском отделе Академии
МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым
способом полностью или частично ссылка на
на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точ-
кой зрения авторов публикаций. Ответствен-
ность за содержание публикаций и досто-
верность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами
писем, рукописи не рецензируются и не
возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 9,5. Печать
офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в
государственном унитарном предприятии
«Издательский центр Академия». 100197,
г. Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: 265-17-50.

Подписано в печать 07. 06. 2010.

Заказ № 61.

© Академия МВД Республики Узбекистан,
2010.*Миразов Д. М.*

Формирование судебного контроля за применением мер принуждения в отношении несовершеннолетних.....50

Кабулов Р., Қаландаров М.М.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари бўйича илмий тадқиқот-ларнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати.....55

Отажонов А. А.

Жиноятга дахлдорлик институтининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалалари.....64

Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг долзарб муаммолари**Актуальные проблемы борьбы с преступностью и профилактики правонарушений***Хамдамов А. А.*

Роль теории и практики оперативно-розыскной деятельности в решении задач уголовной политики и уголовного права.....72

Рахимов Д. Ф.

Международный терроризм как международное преступление.....76

Тураббаев Ҳ. А.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари-ни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш....81

Қулахметов А. Б., Расулев У. Э.

Реабилитация жертв торговли людьми.....86

Матчанов А. А.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар бўйича қидирувни амалга оширишда улар ҳуқуқларини таъминлашнинг айрим жиҳатлари.....89

Мухторов Ж. С.

Вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш....92

Танқид ва библиография**Критика и библиография***Қ.Р.Абдурасулова*Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Дарслик / И. Исмаилов,
М. Ш. Юлдашев, И. Мирзараимов95**Илмий ҳаёт****Научная жизнь**

Баркамолликка эришишнинг ҳуқуқий омили («Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» мавзудаги илмий-амалий конференция ҳақида ахборот)96

*Ш. Н. Рўзиназаров**

БОЛАЛАР ҲАМДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида болалар ҳамда ёшларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш нафақат илмий-назарий, балки амалий аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида болалар ва ёшларга оид қонунчилик асослари яратилиб, уларнинг ижроси бўйича бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Миллий қонунчилик тизимида болалар ва ёшларга оид қонун ҳужжатларини шартли равишда умумий ва махсус аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин. Умумий аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ёшларга оид давлат сиёсатининг умумий асосларини белгилайди. Махсус аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатлари бевосита болалар ҳуқуқлари кафолати ва ёшларга оид давлат сиёсатини ўзида мужассамлаштирган нормалар тизимидан иборат бўлиб, улар унификация қилинган тегишли кодекс, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир»¹.

Болалар ва ёшларга оид қонун ҳужжатлари ёшларга оид умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган идоравий норматив ҳужжатлардан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, аввало, болалар ва ёшларга оид қонун ҳужжатларини қайд этилган асосларга кўра туркумлаштириш улар мазмун-моҳиятини тушуниб олишга, миллий қонунчилик тизимида уларнинг роли ва ўрнини аниқлаб олишга ёрдам беради. Бинобарин, болалар ва ёшларга оид қонунчиликни устувор ривожлантиришга эътибор берилаётганлиги жамиятда шахс омилининг улуғланаётганлигидан далолат беради. Миллий, умуминсоний қадриятлар ва ривожланган давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида болалар ва ёшларга оид норматив-ҳуқуқий базанинг ривожланаётганлиги ижтимоий ва демократик тараққиётнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 6 дек.

Маълумки, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётда татбиқ этилмоқда. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь) қонун, «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»¹, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиш ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2008 йил 31 декабрь), «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги (2009 йил 13 апрель)² қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги (1996 йил 16 декабрь), «Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги (2009 йил 19 март)³ қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2008—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-таadbирлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь) фармони; «2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»⁴ги, «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги (2008 йил 8 июль) қарорлари ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги бола ҳуқуқларига оид нормалар 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциянинг мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келади. Мазкур Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган. Унга кўра, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир шахс, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонунга

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — 14—15-сон. — 87-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2009. — 16-сон. — 199-м.

³ Ўша манба. — 13-сон. — 141-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — 6-сон. — 329-м.

кўра у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади. Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шугулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъи назар, боланинг манфаатларини яхшироқ таъминлашга биринчи даражали эътибор берилади. Иштирокчи давлатлар болаларга гамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган органлар, муассасалар ва хизматлар ваколатли органлар томонидан белгилаб қўйилган меъёрларга, яъни хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида иш олиб бораётган ходимлар сони ва уларнинг ишга яроқлилиги, улар устидан тегишли назорат олиб бориш нуқтаи назаридан белгиланган меъёрларга жавоб беришларини таъминлайди. Оилавий гамхўрликдан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки бундай гамхўрликда қола олмайдиган болалар давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланиб, унга кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар (63—66-м.).

«Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»¹ ги 1991 йил 20 ноябрь қонунининг 1-моддасига кўра, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтисодий жамият манфаатлари йўлида имкони боришга тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати: миллати, irqи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар ёшлар тўғрисида гамхўрлик қилиш; ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси; ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; ёшлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлаб олишларига кафолат бериш; жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши; ҳуқуқ ва бурчларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги қоидаларига асосланади. Маълумки, 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»² ги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига кўра,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992. — 2-сон. — 80-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — 1—2-сон. — 1-м.

бола деганда ўн саккиз ёшга тўлгунига (вояга етгунга) қадар бўлган шахс тушуни-лиши назарда тутилган ҳамда бола ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланган. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимида болалар ва ёшларга оид қонунчилик шаклланаётганлиги уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни талаб этади. Болалар ва ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари деганда, улар ҳуқуқий мақомининг кафолатларини белгилайдиган нормалар йиғиндиси тушунилади. Кези келганда айтиш керакки, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига оид бир қатор соҳалар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинишини инобатга олиб, уларга нафақат умумий жиҳатлардан, балки ҳар бир ҳуқуқий фаннинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методидан келиб чиқиб ёндашиш зарур. Қолаверса, болалар ва ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясига оид қонун ҳужжатларини тизимлаштирган ҳолда уни такомиллаштиришни зарур қилиб қўяди. Бизнинг фикримизча, нафақат болалар, балки ёшлар ҳуқуқлари кафолатларига оид нормаларни унификация қилиш лозим. Юридик фанларнинг ихтисослаштириш йўналишлари бўйича болалар ва ёшларга оид тадқиқот ишларини тизимли амалга ошириш тақозо этилади. Шунингдек, бола ва ёшлар ҳуқуқлари кафолатларини ўқув-услугий таъминлаш мақсадида, «Баркамол авлод давлат дастури» замирида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тегишли ҳуқуқ соҳалари бўйича тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмун-моҳиятига сингдириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Айниқса, бунда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва ривожланган давлатлар қонунчилиги тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, таълим муассасаларида болалар ва ёшларга оид миллий қонун ҳужжатлари ва ривожланган давлатларнинг қонунчилик асосларини тизимли таҳлил этиб, уларни ҳам таълим жараёнига жорий этиш ишларини ташкил этиш зарур.

Бундан ташқари, ёшларга оид миллий қонунчиликнинг амалиётда қўллаш ҳолатини ўрганиш мақсадида суд, прокуратура, ички ишлар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг бу борадаги фаолият йўналишларидан жамоатчиликни мунтазам хабардор этиб боришнинг аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатимизда болалар ва ёшларга оид ҳуқуқий нормаларнинг тадрижий ривожланиши бўйича мунтазам мониторинг амалиётини йўлга қўйиш тақозо этилади. Айниқса, болалар ва ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш баробарида унинг самарадорлигига эришиш, бу ҳақда турли хил оммабоп қўлланма, шарҳлар тайёрлаш, яъни унинг устувор вазифаларини белгилаб, амалиётда татбиқ этиш зарурияти вужудга келмоқда. Боз устига, болалар ва ёшларнинг соғлигини сақлаш, таълим олишга бўлган ҳуқуқлари, жисмоний тарбияси ва болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг, айниқса маҳалланинг болалар ва ёшлар тарбияси бўйича фаоллигини кучайтириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг шахс сифатида хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ислоҳот-

ларнинг устувор йўналиши бўлиши баробарида, қонун ижодкорлиги фаолиятининг ҳам ўзагини ташкил этиши лозим.

Бинобарин, фуқаролик ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим муассасаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми, оила ҳуқуқи бўйича ҳомийлик ва васийликни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини ўрганиш зарур. Айти пайтда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, ёшларга оид Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари, ёшлар ўртасида алкоғолли ичимликлар ичиш ва тамаки чекишнинг тарқалишини чеклашнинг ҳуқуқий асослари, болалар ва ёшларнинг ахборот ресурс марказлари ва кутубхоналардан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиб ўрганиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ёшларни иш билан банд этиш энг долзарб муаммо ҳисобланади. Шу сабабли, ёшлар учун иш ўринлари яратиш, айтиқса уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг устувор вазифаларидан саналади.

Юртбошимиз Ислон Каримов эътироф этганидек, «ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур»¹. Мазкур 2010 йил мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг биринчи бандида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъерий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъерий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш вазифаси белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ва ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий асосларининг босқичма-босқич такомиллаштирилиши уларнинг жамият ва давлат тараққиётида муносиб ҳисса кўшишида, қолаверса, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 6 дек.

*Ш.Ф. Фойибназаров**

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИ МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

XXI асрда инсоният ҳаётида янги глобаллашув даври бошланди. У шиддат билан турмушнинг ҳамма соҳаларни қамраб олди. Айниқса, юксак технологияларга асосланган ялпи ахборотлашув инсоннинг онги, шуури ва менталитетига, давлатнинг сиёсий тузумига, барқарорлигига бениҳоя қудратли куч сифатида ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги аниқ бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов: «Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта кузатиши муқаррар»,¹ — деб таъкидлайди.

Дастлаб АҚШ олимлари томонидан ҳарбий мақсадлар учун кашф этилган Интернет тизими ҳозирги кунга қадар қарийб 160 давлатни қамраб олиб, бор-йўғи учта «WWW», яъни «World Wide Web» — «бутун жаҳон тармоғи» тўрлари орқали ёйилиб кетди. 2012 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг 30 фоизи Интернетга уланади. Инсоният бу буюк кашфиётнинг ижобий афзалликларидан кенг баҳраманд бўлмоқда. Айниқса, ёшлар ўз қизиқувчанликларига кўра бу тармоқни тезда ўзлаштириб, исталган олисликдаги, хоҳлаган мамлакатдаги тенгдошлари билан мулоқот қилиш, танлаган ихтисосликлари бўйича масофавий таълим олиш, электрон кутубхоналардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Президент Ислон Каримов бу хусусда қуйидаги фикрларни билдирди: «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бунга кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсадларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»².

Давлатимиз томонидан энг олис қишлоқ мактаблари ҳам компьютер синфлари билан таъминланиб, Интернет тизимига уланиш дастурлари изчиллик билан амалга оширилмоқда, ҳатто ногирон, жисмоний заиф ёшларнинг уйларида ишлаш учун шахсий

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси профессори, сиёсий фанлар доктори, профессор.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.— Т., 2009. — 113-б.

² Ўша жойда. — 114-б.

компьютерлар ажратиб берилмоқда, уларни электрон адабиётлар билан таъминлаш ишлари бошланган.

Юксак ахборот технологияларининг ривожланиши, афсуски, инсоният учун энг хатарли таҳдид бўлган халқаро терроризмнинг янги тури — кибертерроризмни ҳам келтириб чиқарди.

Ёвуз кучлар Интернетдан ўзларининг ғаразли мақсадлари учун фойдалана бошладилар, яъни биологик, кимёвий, ҳатто, ядровий қурол ишлаб чиқариш технологияларини олишга уринмоқдалар, сайтларни бузиб, махфий ахборотни қўлга киритишга, ўз молиявий манбаларини кўпайтиришга интиломоқдалар, давлат ташкилотларига хуружлар қилмоқдалар. Масалан, 2000 йил 1 май куни Интернет орқали тезликда юборилган «I love you» вируси асосан, Осиё мамлакатларидаги ҳукумат ташкилотлари ва йирик корпорациялар ишини издан чиқарди. У беш кун мобайнида 6,7 миллиард доллар миқдорида моддий зарар етказди. АҚШ ва Филиппин махсус хизматлари ушбу вирус муаллифини аниқлашга муваффақ бўлдилар. У бир террорчилик гуруҳининг аъзоси бўлиб чиқди.

Шунингдек, халқаро террорчи марказлар Интернетдан ўз режаларини муҳокама қилишда, тарғибот юритиш ва янги аъзоларни ёллашда, террорчилик ҳодисаларини содир этишда фойдаланяптилар. Масалан, Жаҳон савдо марказини портлатиб юборган террорчи Рамзи Юсуф бевосита ўз лэптопи орқали шифрланган йўлланмалар олиб турган ва ҳоказо.

Халқаро террорчи ташкилотлар «1998 йилда 20 га яқин веб-сайтга эга бўлган бўлсалар»¹, «2009 йил апрелга қадар 10 минг сайт экстремизм ва терроризм мафқурасини тарқатди»². Ҳақиқатан ҳам, кейинги террорчилик хуружларини содир этишда Интернет имкониятларидан кенг фойдаланилган.

Энди табиий савол туғилади. Террорчи ва экстремистик гуруҳлар сайтларига қарши сайтлар миқдори қанча? Афсуски, бундай сайтлар жуда кам ва унга масъул ҳодимлар бу ҳолатни араб тили ва ислом терминларини мукамал биладиган мутахассисларнинг озлиги билан изоҳлаяптилар.

Бизнинг фикримизча, махсус ахборот маркази ташкил этиб, тилшунослар ва бошқа тегишли мутахассисларнинг ушбу сайтларни мунтазам кузатиб боришларини таъминлаш, шунингдек, «аксилтеррор», «аксилэкстремистик» сайтлар очиб, ҳақиқий ислом ҳақида ахборотлар бериш билан яратилажак муқобил сайтлар орқали жуда нозик мафқуравий тарғибот олиб бораётган экстремистик сайтларга қарши курашиш зарур. Ҳозирги кунда Интернет террорчиларнинг трансмиллий асосда ҳаракат қилишларига мисол бўла олади. Кибербўшлиқдан террорчилик мақсадларида фойдаланишни мақсад қилганлар дунёнинг ҳар қандай бурчагидан туриб бундай разил мақсадларини амалга оширишлари мумкин. Террорчилар ўз манзилларини тез-тез ўзгартириб, Интернетни ўзига хос «макон»га айлантириб олганлар. Ушбу муаммо БМТ ва унинг тегишли ташкилотларини ҳам жиддий ташвишга солиб қўйган.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1624 (2005) Резолюциясида Интернет орқали террористик хуружлар қилишга даъватларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган³.

¹ Интерпол против терроризма: Сб. международных документов. — М., 2008. — С. 18.

² Московский комсомолец. — 2009. — 16 апр.

³ Интерпол против терроризма: Сб. международных документов. — М., 2008. — С. 19.

Ушбу Резолюциянинг бажарилиши юзасидан барча аъзо давлатлар Аксилтеррорчилик қўмитасига мунтазам равишда докладлар тақдим этиб келмоқдалар. Ўз навбатида, БМТ давлатларга тегишли қонунчиликни ишлаб чиқишларида техник ёрдам кўрсатиш ҳамда террорчилар томонидан Интернетдан фойдаланишга қарши чоралар кўриш бўйича ҳамкорликни уюштиришни зиммасига олган.

Ўз навбатида, барча давлатлар халқаро терроризмга қарши курашда Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари зарур, чунки террорчилик мафкуриси тарқалишига, биринчи навбатда унинг ёшлар онги ва дунёқарабини бузишга қаратилган мақсадларини фож этишда Интернетнинг ўзидан қудратли қурол сифатида фойдаланиш мумкин.

Зеро, Президент Ислом Каримов: «Мен ҳаётда қўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур»¹, — деб ҳақли равишда таъкидлайди.

Ахборот хуружи ва ахборот хавфсизлиги муаммолари қонунчилик соҳасига ҳам муайян ўзгартириш киритилишига олиб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят кодексининг «Ахборотлаштириш қоидаларининг бузилиши» моддаси ўрнига «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» боби киритилди. Ушбу бобга— «Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш», (278¹-м), «Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» (278²-м), «Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни тайёрлаш ёхуд сотиш ва тарқатиш» (278³-м), «Компьютер ахборотини модификация қилиш» (278⁴-м), «Компьютер саботаж» (275⁶-м), «Зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш» (278⁶-м), каби янги моддалар билан тўлдирилди. Шунингдек, Олий Мажлис қўмиталари томонидан мавзуга оид қонун лойиҳалари устида қизгин иш олиб борилмоқда.

Барча соҳаларда нанотехнология даври бошланиб, инсонлар ҳаёти, фаолияти учун қулайлик ва афзалликлар янада кўпая бошлади.

Яқиндагина аксарият одамлар орзу қилган мобил телефонлар ёки Интернет хизмати кун сайин такомиллашиб, янги функцияларни бажаришда ҳаммани ҳайратга солмоқда, ҳатто, кишининг фикрини ўқий оладиган компьютерларнинг пайдо бўлаётганлиги инсон ақл-заковати чексизлигидан далолатдир.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2009 йилда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони кескин кўпайди. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тизими 2,3 баробар, миллий «uz» доменидаги веб-сайтлар 134 фоиз, электрон рақамли имзодан фойдаланувчилар сони 2,8 баробар, вазирлик ва идоралар веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони 2,8 баробарга ошди. Интернет хизматлари провайдер ва операторлари 2006 йилда 425тани ташкил қилган бўлса, бугунга келиб улар 1000 дан ошиб кетди. 2010 йил охирига қадар Интернетдан фойдаланувчилар сони 3,4 млн.га етади².

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2009. — 115-б.

² Правда Востока. — 2010. — 21 апр.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу соҳадаги ишлар янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилишини таъкидладилар. «Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзликимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани табиийдир» — дедилар Юртбошимиз фикрларини давом эттириб. — Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур»¹. Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги қарори бўйича қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам ўз инъикосини топди. Хусусан, қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши курашга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси белгиланиб, уни амалга ошириш жадвали Давлат дастурига киритилди. Унга кўра вазирликлар, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, ижодий уюшмаларга маданий-маърифий фаолиятга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, ёшларда миллий анъаналарга, қадриятларга ҳурмат ва муҳаббатни, ёт ғоялар таъсирларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «бу борадаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини айнан ана шу асосда аниқлаб олиши зарур»².

¹ «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. — Т., 2010. — 7-б.

² Ўша жойда. — 126-б.

И.Исмаилов*

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Халқаро ҳамжамият ва тарққий топган мамлакатлар қаторига қўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради¹.

Шундай экан аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган Ўзбекистон учун баркамол авлодни тарбиялаш қанчалик долзарб эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «баркамол» иборасига: а) жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга эришган, вояга етган; б) етукликка эришган, камол топган, бекаму кўст, мукамал деб изоҳ берилган. «Баркамоллик» эса етуклик, мукамаллик ҳолати; камолат чўққиси деб изоҳланган².

Жамият ривожланишининг бугунги босқичида баркамол авлодни шакллантириш ёшларни нафақат жисмоний ва ақлий, балки маънавий, сиёсий, руҳий, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан ҳам камолотга эришишини талаб қилади. Чунки «ҳозирги муракаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир»³.

Ёшлар онги ва қалбини эгаллашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини озиқлантириш ва кучайтиришга ҳаракат қилади. Шу боис бугунги кунда ёшларни ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- 1) криминоген хусусиятга эга бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий ва бошқа омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш;
- 2) носоғлом турмуш тарзидан ҳимоялаш;
- 3) салбий мазмундаги ва ёлғон ахборотлар хуружидан асраш;
- 4) экстремистик, айирмачилик, диний-фундаментал, террорчилик ғоялари таъсиридан муҳофаза қилиш;

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 6 дек.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Т., 2006. — 168-169-б.

³ *Каримов И.А.* Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 6 дек.

5) гиёҳвандлик, заҳарвандлик, ичкиликбозлик ва тубан «оммавий маданият» хуружидан асраш;

6) жиноий, гайриижтимоий норасмий тузилмалар (гурухлар) фаолиятида учрайдиган жиноят олами қоидалари, урф-одатлари, ҳаёт тарзи ва салбий ижтимоий-руҳий омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш;

7) давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ва адолатсиз ҳаракатлари ҳамда қарорларидан ҳимояланишга ўргатиш;

8) уларга нисбатан содир этиладиган жиноий қилмишлардан асраш.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш⁵ учун энг аввало уларда маънавий, ақлий, интеллектуал, руҳий, сиёсий, ҳуқуқий, жисмоний баркамолликни шакллантиришимиз зарур. Шу боис бугунги кунда баркамоллик ўзида қуйидаги омилларни мужассамлаштиради: 1) маънавий; 2) ақлий; 3) руҳий; 4) сиёсий; 5) ҳуқуқий; 6) жисмоний.

Ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви ва жадаллашуви кучайиб бораётган, ёвуз ва гаразли мақсадларни амалга ошириш учун ёшлар онгини заҳарлашга ва эгаллашга ҳаракат қилаётган кучлар ва таҳдидлар кўпайиб бораётган бугунги кунда ёшларда баркамолликнинг барча жиҳатларини шакллантириш ўта мураккаб таълим-тарбия жараёни бўлиб, у узлуксиз, тизимли ва мақсадли комплекс чора-тадбирларни мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширишни талаб қилади.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий баркамоллигига эришиш нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки ҳаётнинг барча йўналишларида уларнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш орқали амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий маданият тушунчасига таъриф беришда ягона фикр йўқ. Бу албатта табиий, чунки ҳуқуқий маданият бир-бири билан диалектик алоқада бўлган бир нечта таркибий қисмларни ўз ичига олган жуда кенг ва ўта мураккаб тушунчадир. Ушбу таркибий қисмлар: *биринчидан*, ҳуқуқий маданиятнинг негизи ҳисобланган «ҳуқуқ»; *иккинчидан*, ҳуқуқни шахс онги ва ижтимоий онгда намоён қилувчи «ҳуқуқий онг»; *учинчидан*, ўзининг амалий фаолиятида ҳуқуқий маданиятни намоён қилувчи «юридик муассасалар»: *тўртинчидан*, ҳуқуқий маданиятнинг амалда намоён бўлишини кўрсатувчи «ҳуқуқий муносабатлар»; ва ниҳоят, *бешинчидан*, ҳуқуқий маданиятнинг қандай даражадалигини кўрсатувчи «ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлар»нинг биридаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар, албатта бошқаларида ҳам ўзгаришлар юз беришини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бевосита унинг барча таркибий қисмларини бир вақтда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида 1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури», 1997 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш,

¹ Ўша манба.


жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони, 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши, 2006 йил 3 апрелда «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, биз бугунги кунда жамият ҳуқуқий маданиятининг барча таркибий қисмлари мукамал ва бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар бизни қаноатлантиради, деб айта олмаймиз.

Фикримизча, ҳуқуқий тарбия орқали ёшларда ҳуқуқий баркамолликка олиб келадиган қуйидаги хусусиятлар шакллантирилиши керак:

- ҳуқуқий нормалар мазмунини мукамал билиш;
- қонун ва ҳуқуқий талабларга чуқур ҳурматда бўлиш;
- ҳуқуқий воқелик ва институтларни тўғри англаш ҳамда тушуниш;
- юксак ижтимоий ҳуқуқий фаоллик;
- ҳуқуқни ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофаза этувчи восита (қадрият) сифатида баҳолаш ва унга амал қилиш;
- ҳуқуқий меъёрлар талабига ихтиёрий тарзда, ички эътиқод амри билан риоя этиш ва бошқалар.

Шахснинг ҳуқуқий маданиятини тавсифловчи барча хислатлар эса тўғридан-тўғри жамият ҳуқуқий маданиятининг барча таркибий қисмлари таъсири остида шаклланади. Ушбу жараённи қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Айтиш жоизки, жамият ҳуқуқий маданиятининг юқорида кўрсатилган таркибий қисмларидаги барча ижобий, шу билан бир қаторда салбий ҳолатлар келажак авлод ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши ва ўзгаришига албатта ўзи таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш аввало жамият ҳуқуқий маданиятининг ҳар бир таркибий қисмини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шундай экан, биз жамият ҳуқуқий маданиятининг ҳар бир таркибий қисмида мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаб ҳал этиш ҳамда уларни янада такомиллаштириш борасида мунтазам иш олиб боришимиз зарур.

Бугунги кунда келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришнинг муаммоларга бой таркибий қисми ҳуқуқий онг ва уни янада юқори даражага кўтариш ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳисобланади, десак хато қилмаймиз.

Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2005 йилда ўтказилган тадқиқотлар жараёнида сўровга жалб этилган Ўзбекистон ёшлари ўз ҳуқуқий саводхонликларини 2 фоизи юқори, 19,2 фоизи яхши, 54,3 фоизи ўртача, 14,9 фоизи паст, 6 фоизи умуман йўқ деб баҳолашган бўлса, 2007 йилдаги тадқиқотларда эса мос равишда қуйидаги: 2,5; 26,4; 43,1; 18,6; 4,1; 5,3 кўрсаткичлар қайд этилган. Ушбу тадқиқот натижалари таҳлили ёшлар ҳуқуқий саводхонлиги сўнгги икки йил ичида кам бўлсада, ўсиб борганлигини кўрсатади. Лекин кўпгина ёшларнинг амалдаги айрим қонунлар билан умуман таниш эмасликлари, бизни албатта ташвишлантиради. Юқорида эътироф этилган марказ томонидан 2007 йилда ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг: 45,4 фоизи «Таълим тўғрисида»ги қонун билан умуман таниш эмаслиги, 45,9 фоизи қисман танишлиги; 56,1 фоизи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан умуман таниш эмаслиги, 34,4 фоизи қисман танишлиги; 50,8 фоизи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан умуман таниш эмаслиги; 39,1 фоизи қисман танишлиги; 53,7 фоизи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан умуман таниш эмаслиги; 35,8 фоизи қисман танишлигини кўрсатган¹. Ушбу маълумотлар ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш ва юксалтириш борасида ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар анча кўп эканлигини кўрсатади.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ўстириш ва юксалтиришни биз шартли равишда қуйидаги уч босқичга ажратган ҳолда ўргандик.

Биринчиси — шахс онгида илк ҳуқуқий тушунчаларнинг шаклланиш босқичи. Маълумки, шахс онгидаги илк ҳуқуқий тушунчалар биринчи навбатда, оилада ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари, мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар, мактабдан ташқари маданият муассасаларида эса у ерда ижод қилаётган театр актёрлари, санъаткорлар, парк ва боғлардаги турли кўرғазмали воситалар таъсири остида шаклланади.

Иккинчиси — шахс онгида ҳуқуқий билимларнинг шаклланиш ва бойиб бориш босқичи. Шахс ҳуқуқий билими асосан узлуксиз таълим тизимининг бошланғич, ўрта таълим мактабларида, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида билим олиш жараёнида, шунингдек жамоат тузилмалари ҳамда милиция таянч пунктлари негизида фаолият олиб боровчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот таъсирида шаклланади ва бойиб боради.

¹ *Убайдуллаева Р.А.* Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий мавқеи // Мустақил Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий мавқе ва келажакка назар: Илмий-амалий семинар материаллари. — Т., 2008. — 27-б.

Учинчиси — шахс ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш босқичи. Шахс ҳуқуқий саводхонлиги унинг фаолият олиб борувчи меҳнат жамоаларидаги, фаолияти амалдаги қонунлар билан тақиқланмаган норасмий гуруҳлардаги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот таъсирида ошиб боради.

Тадқиқотлар ва кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, ёшлар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ўзгариб бориши 3-6 ёшларда ўйин шакллари ва тарбия олиш; 7-16 ёшларда таълим-тарбия олиш; 17-25 ёшларда таълим-тарбия олиш; мустақил тайёргарлик, амалий фаолият; 25 ва ундан юқори ёшларда эса малака ошириш, мустақил тайёргарлик, амалий фаолият жараёнида амалга ошади. Таъкидлаш жоизки, шахс ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ўзгариши (ижобий ёки салбий томонга), *биринчидан*, келажак авлод ўсиб улғаяётган макро ва микро муҳитдаги менталитетга хос этнопсихология, урф-одат, турмуш тарзи, одоб-ахлоқ, қадриятлар, таълим-тарбия мазмунининг таъсири: *иккинчидан*, уларнинг ҳаёт, ундаги ҳодиса, воқеа, жараён ва муносабатларни мустақил кузатиши, қабул қилиши ва англаши орқали юз беради.

Ёшлар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ўзгариб бориши шундай мураккабки, бир томондан, юқорида кўрсатилган ҳар икки жараёнлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, биридаги ижобий ёки салбий омиллар албатта иккинчисида шундай ижобий ёки салбий омилларнинг вужудга келишини тақозо этса, иккинчи томондан, у бевосита ҳар икки жараён таъсири остида юз беради.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, онги ва маданияти ҳам ўқувчиларнинг турли фан асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжи, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат кўникмалари, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш ҳамда кўникмалари касб танлаш ўрта таълимда шаклланади. Амалдаги таълим давлат дастурлари асосида ёшларга ҳуқуқий билим бериш, ўрта мактабнинг 1, 2, 3 ва 4-синфларида «Конституция алифбоси» (10 соат), 5, 6 ва 7-синфларда «Конституция оламига саёҳат» (17 соат), 8 ва 9-синфларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари», академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида «Конституция» (40 соат), «Ҳуқуқшунослик» фанлари (40 соат)ни ўрганиш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрнини топиши, давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштирок этиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун ҳуқуқий билимга бўлган эҳтиёжи кундан-кун ошиб бормоқда.

2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда Ўзбекистонда ҳар бир бола: яшаш; эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига; индивидуаллик ва уни сақлаб қолиш; оилавий муҳит; ҳимояланиш; ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқига; ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш; фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига; ахборот олиш; турар жойга бўлган ҳуқуққа; хусусий мулкка; дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа; меҳнат қилиш; билим олиш ҳуқуқига; соғлигини сақлаш ҳуқуқига эгалиги ва уларнинг давлат томонидан кафолатланиши мустақамлаб қўйилган. Фикримизча, ўрта мактабни тамомлаётган ҳар бир бола нафақат бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунни шунчаки билиши, шу билан бирга ундаги ушбу ҳуқуқларнинг қандай тартибда ва кимлар томонидан таъминланиши, агар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида тўсиқлар,

қийинчиликлар ёки қаршиликлар вужудга келса, кимларга мурожаат қилиши ва ҳоказолар ҳақида керакли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда уларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ва амалга оширишларига кўмаклашиш билан бир қаторда конституциявий, касбий, инсоний бурчлари ҳақида таълим бериш ва уни оғишмай амалга ошириш борасида зурур кўникмаларни шакллантириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшларда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган: Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга (48-м.); Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга (49-м.); атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга (50-м.); қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга (51-м.); Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга (52-м.); ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга (66-м.) доир мажбуриятларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаган ҳолда уларни ихтиёрий равишда бажариш кўникмаларини шакллантириш давр талабидир. Ёшлар камолотга эришиш босқичида аввало ўзлари ўсган муҳитда, мактабгача таълим муассасаси ва мактабда ўрнатилган тартиб-интизом, катталарга ҳурмат, одоб-ахлоқ, юриш-туриш қоидаларига риоя қилиш; тоза ва озода юриш; ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, фуқаролик бурчини ҳис этиш; касбга садоқатли бўлиш; келажак учун масъуллиқни ҳис этиш каби ахлоқий, маданий, маънавий фазилатлар асосида шаклланадилар.

Тадқиқотлар ва кузатишлар натижасига кўра, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан кўпгина ҳуқуқбузарликлар (шу жумладан жиноятлар) уларнинг ушбу қилмишларни жазо таҳдиди остида қонунлар билан тақиқланганлигини билмаганлиги ва англамаганлиги туфайли содир этилади. Шу боис ҳаётда вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан кўпроқ содир этиладиган ҳақорат қилиш; енгил тан жароҳати етказиш; чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш; қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш; ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа қоидаларини бузиш; экинзорларни пайҳон қилиш; қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш; кўчатларга шикаст етказиш; ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш; бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши; пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қоидаларини бузиши; транспортда чиптасиз юриш; видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видеомуассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш; майда безорилик; жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш; маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш; милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар; шунингдек, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш; ўғрилик, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, безорилик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш; қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш; номусга тегиш ва шу каби бошқа жиноятлар ҳақида керакли билимлар берилса, бу каби жиноятларнинг муайян бир қисми содир этилишининг олди олинган бўлар эди.

Юқоридаги барча ҳолатлар ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси қанчалик мураккаб ва узлуксиз жараён бўлиб, унинг барча босқичларида фаолият олиб борувчи субъектларнинг масъулияти юқори эканлигини кўрсатади.

Таҳлиллар ва кузатишлар натижасига кўра, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини шартли равишда қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— ёшлар ўсиб-улғаяётган барча босқичларда ҳуқуқий тарбияни амалга оширувчи субъектларнинг ушбу соҳада фаолият олиб боришга доир тайёргарлигини махсус дастурлар асосида ташкил этиш;

— ёшлар таълим-тарбия олаётган барча тизимларда, шу жумладан уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун масъул бўлган масканларда ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш жараёнини методик таъминлаш: бунда *биринчидан*, ёшларни амалдаги ва янги қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларини мустақил равишда ўрганиш бўйича махсус дастурлар тайёрлаш; *иккинчидан*, ҳуқуқ тармоқларини, уларнинг асосий манбалари ҳисобланган қонун ва қонун ости ҳужжатларини ўрганиш бўйича электрон ўқув қўлланмалар яратиш;

— ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик технологиялар ва интерфаол улуларни кенг кўламда жорий этиш;

— ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда халқимизнинг миллий, тарихий қадриятларидан кенг фойдаланиш;

— ҳуқуқий тарбия жараёнининг моддий-техник таъминотини такомиллаштириш.

Жамият ривожланишининг бугунги босқичида баркамол авлодни шакллантириш ёшларни нафақат жисмоний ва ақлий, балки маънавий, сиёсий, руҳий, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан ҳам камолотга эришиши учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Айниқса, ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви ва жадаллашуви кучайиб бораётган, ёвуз ва гаразли мақсадларни амалга ошириш учун ёшлар онгини заҳарлаш ва эгаллашга ҳаракат қилаётган кучлар ва таҳдидлар кўпайиб бораётган бугунги кунда уларнинг ҳуқуқий тарбияси, айниқса ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда самарали натижаларга эришиш таълим-тарбия жараёнида янги имкониятларни излаб топишни тақозо этади.

Шундай имкониятлардан бири — замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда ёшларнинг ўз ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланиш, электрон ўқув қўлланмалари яратиш ва етказиб беришдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқитишининг замонавий интерфаол усуллари қўллаш, ёшларнинг билим олишини нафақат яхшилаш, балки уларда маънавий ва касбий хислатларни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Б. А. Саидов*

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Баркамол авлодни тарбиялаш, униб-ўсиб келаётган ёшларга доимий ғамхўрлик қилиш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсатнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган улкан ишлар, 2008 йилнинг мамлакатимизда «Ёшлар йили», 2010 йилни эса «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳам комил инсонни вояга етказиш масаласи том маънода умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифага айланиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ёшлари бугунги кунда нафақат республика, балки дунё миқёсида ўзининг ақл-заковати, шижоати, интеллектуал салоҳияти, келажакка интилувчанлиги билан эътибор қозонмоқда. Улар таълим-тарбия, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳуқуқий тарғибот, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш соҳаларидаги кўплаб йўналишларда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Улардан янгидан-янги муҳим ва таҳсинга лойиқ ташаббуслар чиқмоқда, ёшлар эркин фикрлаш, ижодий ва ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган лойиҳаларда фаол қатнашиб, давлат аҳамиятига молик учрашув ва дебатлар ташкил этмоқдалар.

Ёшлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, турли ўқув муассасаларида билим олиш билан бир қаторда, ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларида муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу боис уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш мақсадида республикаимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда, ёшларнинг билим олишлари, дам олишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичнинг ўзи ҳам Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлигини билдиради. Айниқса, кўплаб давлатларда қарияларга нисбатан ёшлар сони бир неча марта камайиб бораётган бир даврда дунё давлатлари мамлакатимиз ёшларига ҳавас билан қарамоқда.

Мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик тизими яратилди ва унинг ижросини таъминлаш ҳамда янада мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Истиқлол йиллари ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида мамлакатимизда 100 га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 10 га яқин қонунлар, Президентимизнинг 30 дан ортиқ фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан зиёд қарорлари қабул қилинди. Жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»нинг МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ратификация қилиниши; «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги қонуннинг мустақилликка эришганимиздан кейинги биринчи қонун сифатида қабул қилиниши, шунингдек «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги қонунларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2010 йил 27 январь қарорида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни ҳар томонлама камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган.

Юртбошимизнинг баркамол авлодга бўлган муносабати ва ғамхўрлигининг амалдаги исботини Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофида маблағ ажратилганидан ҳам кўриш мумкин.

Ҳар томонлама етук ёш баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди. Чунки «юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Ушбу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, таълим-тарбиянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида ётиши даркор.

Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим»¹.

Юртбошимизнинг маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишлари ўзликимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бугун мамлакатимиз ёшлари барча соҳаларда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, тараққий топган мамлакатлар ёшлари қаторидан ўрин олмоқда.

Президентимизнинг маънавият ва маърифат соҳаларида олиб борилаётган ишларни ривожлантириш мақсадида «Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 1994 йил 23 апрель Фармони, ушбу масала бўйича «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида навбатдаги 1996 йил 9 сентябрь Фармонининг эълон қилиниши бу борада белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишнинг амалий ифодаси бўлди, дейиш мумкин.

Тарихдан яхши маълумки, бундай ёруғ истиқболга эришиш биз учун осон ва енгил кечган эмас. Президентимиз ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, тўсиқ-говларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоен этиб, оғир курашлар туфайли эришганимизни ўз асарларида тез-тез таъкидлайди.

«Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш гоёси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

Биз ёш авлодни болалар боғчасига қатнаётган даврдан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз лозим»².

¹ Каримов И.А. Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — 361—362-б.

² Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. — Т., 1996. — 280-б.

«Бундай тарбия асосида авлодлар ворислиги ётмоғи керак. Бизнинг онгу шууримизга катталарга ҳурмат, ишда, одамлар билан муомала-муносабатда ота-онамиздан ўрнатилиш, ота-боболаримиз бошлаган ишни давом эттиришдек олижаноб туйғулар сингдирилган. Халқимизнинг бу анъанасини ҳар томонлама ўстиришимиз ва мустаҳкамлашимиз зарур»¹.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» деган даъвати, ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда амалга оширилаётган, маданий ва маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишларнинг таъсири ва самарасини кучайтириш масаласида муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур ғояни ҳаётга татбиқ этиш таълим-тарбия ҳамда маънавий-маърифий соҳанинг ҳам устувор вазифасига айланмоқда. Сир эмас, собиқ тузум маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўқув юрти битирувчиларининг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тузуми ва унинг сохта ғояларига садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўрин эгаллар эди.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида ёшларга тарбия бериш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бундай ислоҳотлар бошланган дастлабки йилларданок жаҳон тажрибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, бу мақсадлар босқичма-босқич изчил амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида барпо этилаётган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоен этаётган ёш кадрлар мисолида ана шундай орзу-интилишлар бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

«Биз ўз олдимизга буюк мақсадларни қўйган эканмиз, шу марраларга етиб бориш, шу даражага кўтарилиш учун нима қилишимиз, қандай шартни бажаришимиз кераклигини ҳам тўғри англаб олишимиз лозим. Албатта, янги-янги шаҳар ва қишлоқлар, замонавий корхоналар, чиройли ва кўркем биноларни қуришимиз мумкин, лекин ҳамма ҳавас қиладиган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбияламай туриб, кўзланган мақсадга эришолмаймиз»².

«Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз...

Маънавият ва маърифат жамиятимиз, халқимиз камолотининг бош омилларидан экан, биз бу соҳага давлат миқёсида ғамхўрлик қилишимиз, шароит туғдиришимиз шарт.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим»³.

¹ Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. — Т., 1996. — 309—311-б.

² Каримов И.А. Жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш — бош мақсадимиз // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. — Т., 2004. — 135-б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — 42-б.

Маънавий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш — фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала, кўп миллатли Ўзбекистон заминида тугилиб ўсган, томир ёйган барча қардош халқлар учун бирдай эзгу мақсаддир. Бу нуқтада миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги удумлари бирлашади ва у тарбиянинг қудратли омилига айланади.

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг баркамол ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Республикаимиз Президенти мустақиллик қўлга киритилгандан кейин демократик жамият қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қуриш миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолда бўлиши кераклигини илмий асослаб берди. Давлат раҳбари: биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз, дейди.

Юртбошимиз мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттириши жиҳатидан мукамал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳадаги стратегик вазибаларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмий асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўз тажассумини топди ва жамиятимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб, инсонпарварликнинг миллатга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътибор қаратади. Жумладан, «инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир» деган ғояни илгари суради.

Бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, собиқ шўролар даврида ёшлар маънавиятини ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралган, шу боис асарда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқироз сабаблари кўрсатиб берилган. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмай, баркамол авлоднинг маънавий-руҳиятини шакллантирмай туриб, жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслиги эътироф этилган.

Президент илгари сурган яна бир муҳим концептуал ғоя — маънавият баркамол авлодни вояга етказишнинг энг муҳим мезони ва уни камолотга элтувчи, ўзини ўзи англаувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи улкан омил эканлигининг илмий асослаганлигидир.

Ушбу ҳаётбахш асарларда илгари сурилган ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

— ёшларда маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўзини ўзи англашига эришиш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

— мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда унинг ёшларимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

— таълим тизимини ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни тарбиялаш, Соғлом авлод дастурини амалга ошириш

асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни шакллантириш;

— миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва маънавият, маърифат, фан ва техника ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

— ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

— инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулки бўлган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш.

Президентимизнинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир», деган ғояларида ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиши зарурлиги миллий-маънавий юксалишнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилган.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий-маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратиб, жумладан, «Миллий мафкура воситасида эл-юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади», деб таъкидлайди ва «... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»лигини бевосита таъкидлайди.

Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукмронлигидан озод бўлиб, демократик жамият қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамиятнинг бир тузумдан иккинчисига ўтиши, боз устига, зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли, инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиши осон кечмайди. Чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб қолади ва ўз умрини узайтириш учун жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатади, янги жамият эса қисқа муддатда қурилмайди, балки муайян вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, уларнинг дунёқарашида янги жамият тафаккурини шакллантириш давлат сиёсатида энг муҳим даражага кўтарилади.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруриятининг илмий асосланганлигини билдиради. Чунки «фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади».

Башарият олдидаги муаммоларни ҳал этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлаш, ҳар бир халқнинг маънавий ва маданий қадрият ҳамда анъаналарини ҳурмат қилиш, демократик қадриятлар ҳамда демократик маданият асосида фаолият юритиш, бошқача айтганда, инсон маънавий баркамоллигига эришиш энг муҳим восита бўлиб қолмоқда.

Халқимизнинг маънавий илдизлари Ватанимиз, шу кўҳна заминнинг ҳароратли қуёши, ҳавоси, поёнсиз кенгликлари, тоғу-тошлари, дарёларига руҳий ришталар билан боғланган. Бу ришталар худди она вужудидан куч олувчи гўдак сингари она заминга туташган. Шу боис шууримизда миллат, унинг обрў ва истиқболи учун хизмат қилиш ҳисси жўшиб, бонг урсагина шу миллат фарзанди ўз ўтмишини, ўзлигини, урф-одатларини унутмайди.

Маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида ўрганиш фақат мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейингина бошланди. Уни

бу шаклда ўрганишни ҳеч муболағасиз мустақиллик шароитида миллий тафаккур тараққиётидаги янги йўналиш деса бўлади. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва унинг концептуал гояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Ўзбекистон Президенти номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисола ва маърузаларида «маънавият» тушунчасининг моҳияти тўлиқ очиб берилган. Бу эса маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки илгари сурилаётган ҳар қандай гоянинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиёти, миллат ва шахс камолотидаги ўрнини белгилаш мумкин эмас.

Чунки «ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг».

Ўзбек халқи 150 йил давомида мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлган ўша замонда унинг миллий-маънавий мероси поймол этилди, тарихи сохталаштирилди, илмий, маданий, маънавий меросига нигилистик қараш ҳукм суриб, чеклаб қўйилди. Халқимизнинг ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка бўлган норозиликлари шафқатсиз қаршиликка, қатағонга учради. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан фойдаланиш имкониятидан буткул маҳрум бўлди. Аммо энг муҳими, ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамай, халқимиз ўзлигини йўқотмади. Тили ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Чунки «баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бироқ дунё халқларининг барчаси ҳам бу ҳақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари — энг мўътабар зиёлилари, ҳукмдорлари ҳисобланганлар».

Фақат мустақиллик шарофати туфайли маънавий меросимизни, кўҳна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият қуришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Қисқа вақт давомида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик таъминланди, бозор муносабатларига ўтилмоқда, маънавий покланиш ва тикланишнинг мураккаб вазифалари вазминлик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар давомида маънавий меросимизни бойитишда улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг номлари тикланди, асарлари чоп этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк боболаримизнинг таваллуд топган кунлари кенг нишонланди. Мустақиллик йиллари Қуръони карим ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп минг нусхада чоп этилди. Унинг кўплаб шарҳлари чоп этилганлиги ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигига гувоҳимиз. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадислар тўпламини чоп этиш тугалланди. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» тўплами нашр этилди.

Ийди Рамазон ва Қурбон ҳайити диний қадриятларимиз сифатида ҳар йили кенг нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Ўтган давр мобайнида кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз курашчилари Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқаларнинг

номлари тикланди, асарлари чоп этилди, уларнинг таваллуд топган кунлари умуммиллий байрам сифатида нишонланади. Халқимизнинг қатагон йиллари қурбон бўлган ана шу севикли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шаҳидлар хотираси майдони барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббусига асосан бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда Юртбошимиз таъкидлаганидек, «чуқур ички маънога эга, кўзимизга қадрдон бўлиб кўринадиган бу салобатли ҳайкалнинг сиймосига назар ташлар эканмиз, аввало, эл-юртимизнинг содиқ фарзанди, ёшларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан етук ва мард тимсолини яққол кўришимиз, юрак-юракдан ҳис қилишимиз табиийдир.

Маълумки, ориятни, гурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун ҳарбий қасамёд — бу шунчаки расмий тadbир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир».

Ҳақиқатан ҳам «Ватанга қасамёд» ҳайкалида ифода этилган баҳодир эр йигитнинг қадди-қомати, мардона қиёфасига қараб, ёшларнинг қалбида «Мен ҳам шу жасур акам сингари ҳарбий бўламан, ўз уйимни, ўз юртимни, ота-онам, ўз қадрдонларимни ҳимоя қиламан», деган қатъий қарор пайдо бўлиши табиий.

Узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра маънавиятимиздан гувоҳлик берувчи Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон шаҳарларининг юбилей тантаналари кенг нишонланди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳри Ислом маданияти маркази сифатида эътироф этилди.

«Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани»¹.

Шу боис ҳозирги вақтда республикамызда *миллий ғоя, миллий мафкура* негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод Ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолияти ташкил этилди. Республикамыз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 август қарори Ватанимиз мустақиллиги ҳамда маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса баркамол авлод қалби — онгига, она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини шакллантиришга замин яратиб, ўзлимизни, тарихимизни авайлаб-асрашга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолияти такомиллаштирилди, ҳозирги вақтда уларнинг имкониятидан фойдаланилмоқда. Бу ташкилотлар ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар тўғрисида, холисона, ҳаққоний хулосалар бермоқда. Жамиятни эски асоратлардан халос этиш, ёшларнинг дунёқарashi, маънавияти ва мафкурасини юқори босқичга кўтариш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — 39-б.

йўллари пухта ишлаб чиқиб тегишли идораларга тавсия этиб келмоқдалар. Бу ишга тарихчилар, файласуфлар кенгашлари, маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотлари жалб этилган.

Вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита қўмагида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг жойлардаги бўлимлари қошида маърифий тарғибот кенгашлари тузилган. Бу кенгашлар таркиби эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан ташкил топган.

Шу билан бирга, мактаб, лицей ва коллежларда бевосита ёшлар тарбияси, маънавияти масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимлари жорий этилган. Уларда ёшларнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли тўғарақлар тузилган.

Мамлакатимиз ёшларининг миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбия топиши, уларнинг умумбашарий тараққиёт ютуқлари, замонавий билимларни ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ёшларни ўз мустақил фикрига эга бўлган, барча соҳаларда дунёдаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муносиб давомчилари, мард ва жасур, комил инсонлар қилиб тарбиялаш ва бунинг натижасида ўзбек халқининг қадимий шуҳратини қайта тиклаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашга эришишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларнинг асосий шarti ва мезонига айланмоқда.

Ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, балки, муҳим сиёсий аҳамият касб этмоқда.

Болалар билан мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишга, кишилар, энг аввало, ёш авлодда юқори маданият ва маълумотни, меҳр-оқибат ва ҳалолликни, ахлоқий покликни шакллантириши лозим бўлган ижтимоий-маданий муассасалар — кутубхоналар, театрлар, музейлар, кўргазма заллари ва бошқаларнинг моддий базаси мустаҳкамланди ва уларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Маданиятнинг, томоша-кўнгилочар манзиллар комплексини бутунлай тижорат билан боғлаб қўйилишига йўл қўйилмади. Бу билан ёшларда бозор муносабатлари, ҳаёт қадриятлари, муваффақиятлар, уларга эришиш йўллари ва усуллари ҳақида нотўғри, бузуқ таассуротлар, тасаввурлар шаклланишининг олди олинди.

Баркамол авлодни тарбиялашда санъатнинг муҳим рол ўйнаши, бу борада тушунчаси бор ҳар қандай шахсга яхши маълум. Шу боис бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда санъатнинг барча турлари, айниқса телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бормоқда. Кичкинтойлар учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадий ва видеофильмлар яратилмоқда. Бугунги Ўзбекистон ёшлари ўзбек халқ эртақларини, миллий қаҳрамонларимизни таниб — билмоқда, улар билан ҳақли равишда фахрланмоқда.

Ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда тарихий ёдгорликлар, миллий меросимизнинг роли катта. Шу боис ҳам мустақилликни қўлга киритиш арафасида Юртбошимиз, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтаришдек ниҳоятда муҳим, хайрли, шу билан бирга ўша давр учун хатарли ҳисобланган вазифани мақсад қилиб қўйди. Бугунги кунга қадар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган, аммо тарихнинг турли даврларида бошқа давлатлар томонидан талон-тарож қилинган миллий бойликларимиз ўзимизга қайтарилди. Уларни бундан буён кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш чоралари кўрилди.

Дунёда бир аён ҳақиқат мавжуд ва ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Яъни, юксак маънавиятли ота-онагина ўз фарзандини инсонпарвар, Ватанга садоқатли, ахлоқий жиҳатдан пок, билимли, камтар, олижаноб қилиб тарбиялайди. Маънавият эса илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар, дин ва бошқа кўплаб тарихий, амалий ва замонавий қадриятлар таъсирида шаклланади. Айнан шу қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги оила аъзолари таъсирида ҳосил бўлади. Бу эса марақкаб жараён бўлганлиги боис ҳар бир ота-онага юксак масъулият юклайди.

Таълим-тарбиянинг мураккаблиги ҳақида соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз тузуқларида: «Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан кўра чуқурроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим», — деб таъкидлайди.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оилада қарор топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

«Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айтилган муддао бўлур эди. Бу ҳақда гапирганда, мен мумтоз ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганига ишонч ҳосил қиламан.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ҳам юртимизда ана шундай гўзал ахлоқ мезонлари билан яшаб келаётган, ўғил-қизларини шу руҳда тарбиялаётган кўплаб ибратли оилалар барчамизда ҳавас уйғотиши табиийдир»¹.

¹ Каримов И.А. Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир // Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т., 2008. — 55-б.

Азалий, боқий ва муқаддас қадриятларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Оиладаги муҳитни янада яхшилаш ва инсон ҳуқуқларига кенгроқ йўл очиб бериш борасида талайгина ишлар амалга оширилди.

Оилада яхши муҳитни яратиш мақсадида маҳалланинг таъсирчан кучга эга бўлиши муҳимдир. Шу боис ҳам ёшлар тарбиясига бевосита дахлдор бўлган маҳалла тизими жорий этилди ва унинг зиммасидаги масъулиятни янада ошириш чоралари кўрилмоқда.

Баркамол авлод тарбияси соҳасидаги ислоҳотлар бугунги энг долзарб, келажак тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланиб бораётганлиги туфайли бу борада амалга оширилиши режалаштирилаётган кенг кўламли ишларга қаратилган лойиҳалар жамоатчилик диққат-эътиборига ҳавола этилмоқда. Ёшларни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллалар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ноёб тузилмани ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ёш йигит ва қизларнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин топишида муҳим роль ўйнамоқда.

«...Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир⁸.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатлари, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, соғлом оилани қарор топтиришни тарғиб қилишга йўналтирилган «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда «Биз — гиёҳвандликка қаршимиз» ёшлар фестивалини ўтказиш, «Соғлом турмуш тарзи — ёшларни уйғун камол топтириш гарови» махсус таълим маърифат сайтини ташкил этиш, шунингдек, ёшлар ўртасида тамаки чекиш, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизликнинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги энг яхши роликлар ва плакатлар учун танловлар ташкил этиш, ҳатто бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголли ичимликлар ва тамаки тарқатилиши ҳамда 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекишни чеклаш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгилаб қўйилиши ҳам мамлакатимизда ёшлар

⁸ Каримов И.А. Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир // Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т., 2008. —56-б.

тарбиясига, уларнинг келажагига берилаётган эътиборнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

Президент Ислом Каримовнинг баркамол авлодни тарбиялашга оид сиёсати, бу борадаги ноёб фикрлари, Ўзбекистон ёшлари, уларнинг келажак истиқболи ҳақида билдирилган мулоҳазалари, шунингдек, ушбу буюк мақсад йўлида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самараси бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда. Шу боис ёшлар сиёсатига оид ўзига хос ва мос мактабга, МДХ ва бошқа чет элларда ҳам катта қизиқиш билан қараб, мазкур тажрибани ўрганишга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, ёшлар орасида ҳамон бузғунчи ғояларга эргашиб, адашган юртдошларимиз учрайди ва уларни бу йўлдан қайтариш, уларнинг диний ақидапарастликка берилиб кетишининг олдини олиш мақсадида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, улар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш давр талабидир. Ёшлар онгини заҳарлаш, турли зарарли оқимлар исканжасига олиш каби жирканч ниятларни мақсад қилган айрим хорижлик «мафкурачилар», миссионерларга ҳар қандай вазиятда муносиб сўзимизни айта олишга қодир бўлишимиз зарур. Чунки мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уриши, улардан бизни бутунлай узиб ташлашга уринишдек ёвуз мақсадларни кўзда тутишини ёшларимиз энди яхши тушунадилар.

Биз ўзлимизни англашимиз, қадим тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимиз меросини чуқурроқ ўрганишимиз, бугунги шиддат билан ўзгараётган ҳодисаларга инсонийлик нуқтаи назаридан мустақил баҳо беришимиз ҳамда жамиятдаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур. Ана шундай ноёб инсоний фазилатлар, юксак маънавиятга эга бўлган тақдиримиздагина Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмаймиз» ва албатта ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга етамиз.

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уни амалга оширувчи асосий куч эканлигимизни англаган ҳолда Президентимиз орзу қилганидек, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун бел боғлаган эканмиз, бунинг учун энг замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимига оид билимларни мукамал эгаллашимиз шарт. Нафақат спорт ва маданий-маърифий соҳаларда, балки жамиятнинг бошқа барча йўналишларида ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат фарзандлари эканимизни амалда исботлашимиз зарур.

Куч ва имкониятимизга таяниб, шахсий манфаатлардан мамлакат ва халқ манфаатини устун қўя олишимиз, жаҳон майдонида юз бераётган ақл-заковат ва истеъдод мусобақаларида улкан беллашувга қодир бўлишимиз, илм-фанда юқори кўрсаткичларга эришишимиз, бу борада энг ривожланган давлатлар билан беллашиб, мамлакатимизнинг нуфузини янада юқори кўтаришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда биз, Президентимизнинг «Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат» деган фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишимиз, Ватанимизнинг порлоқ келажаги, нурли эртаси, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, энг аввало, бизнинг қандай камол топишимиз, ҳаётга қай йўсинда кириб боришимизга боғлиқлигини яхши англашимиз ва буни ҳеч қачон эслан чиқармаслигимиз даркор.

Ф. Х. Раҳимов*

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишлари, дунёвий билимларни эгаллашлари ҳамда бошқа илғор мамлакатлар ёшлари даражасига етишиб, янада юксакроқ марраларга эришишлари учун кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ёшларни камол топтиришда барча давлат органлари, мансабдор шахслар, бутун жамият жалб этилган, бу ишга давлат сиёсати даражасидаги фаолият сифатида қаралмоқда.

Республикамиз Президенти бу масаланинг ўта муҳимлигини таъкидлаб, «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»¹, дея давлатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб беради.

Юртимизда ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстириш нафақат бир оиланинг, балки бутун жамиятнинг улғу вазифасига айланди. Бугун ёш авлодни соғлом, баркамол, етук инсон бўлиб етиши учун барча чораларнинг кўрилиши ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз ёшлари чет давлатларда ўз билимларини ошириш билан бирга, ўзбек халқининг маданияти, урф-одати, унинг улкан тарихий илмий салоҳияти мавжудлигини ҳам жаҳонга танитмоқдалар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида, соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср — интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2010 йилни Ўзбекистон Республикасида «Баркамол авлод йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён ушбу эътирофга мамлакат сиёсатининг асоси, унинг тараққиёти, ривожланиш жараёнларининг ўзаги сифатида қаралмоқда.

Мустақил юртни етук, баркамол, соғлом авлодлар кўлига топшириш, халқ манфаати, эл тинчлиги учун уларни бугунги қилинаётган ишларнинг қадрига етадиган фарзандлар этиб тарбиялаш вазифаси олдимизда турибди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасида давлат орденлари ичида биринчи бўлиб, 1993 йил 7 майда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам бежиз эмас. Бу юксак мукофат оналик ва

* Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари жиноятчиликка қарши курашиш ҳақидаги қонунлар ижроси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т., 2008. — 176-б.

болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашда алоҳида хизмат кўрсатганларга берилади. Ҳозир ушбу орден соҳиблари Республикамизда анчагина, улар ёшларни ҳар томонлама ривожланишига ўзларининг бор кучларини аямай сидқидилдан хизмат қилмоқдалар, жамиятимизга етук, билимли кадрларни тайёрламоқдалар. Республикамиз тараққиёти ва ривож учун бу саъй-ҳаракатларнинг самараси беқиёсдир. Баркамол авлодни шакллантириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган бу сиёсатнинг узлуксиз, тизимли тарзда амалга оширилиши билан аҳамияти янада кучаймоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар асосида амалга оширилаётган ишлар кўламини кўпгина ривожланган давлатларнинг вакиллари, чет эллик мутахассислар, давлат арбоблари эътироф этмоқдалар. Таълим тизимидаги ислохотлар йўналишида ёшларнинг юқори билимга эга бўлиши, замонавий фан асосларини эгаллаши, касб-ҳунар ўрганишлари учун ҳар томонлама шароит яратилиб, бунинг учун катта иқтисодий маблағлар ажратилмоқда.

Бунинг исботи сифатида ҳозир юзлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари, болалар спорти объектлари янгидан барпо этилди, кўплаб шундай иншоотлар қайтадан таъмирланди, янги ўқув жихозлари билан таъминланди. Мамлакатда таълим тизимига эътибор кучайиб, унга ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши давлатнинг баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги сиёсатининг мантиқий давоми деса бўлади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурилан келиб чиқиб юртбошимиз Ислон Каримов ўз маърузаларида ёшлар билан боғлиқ ўта муҳим масалаларни таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида биринчи навбатда, ёшлар, уларнинг муҳофазасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишларида пешқадам бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз ёшлар тарбиясига катта аҳамият бериш билан бир қаторда уларни турли ярамас таъсирлардан ҳимоя қилиш вазифасини ҳам кун тартибига қўйди. Шу боис мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, уларни турли ғайриинсоний таъсирлардан ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунгача амалга оширилган ислохотлар, уларнинг самараси бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистон давлат раҳбарининг аҳолининг ижтимоий ҳимояси, унинг тинчлиги, барқарор ҳаётини таъминлашга қаратилган барча саъй-ҳаракатлари, энг аввало, халқимиз турмуш даражасини кўтариш, уларнинг фаровон яшаши, фарзандларининг соғлом ва баркамол ўсиши, билим олишларига шароит яратишга қаратилганлигини эътироф этмоқ жоиз.

Бунда давлатнинг бош ислохотчилик ўрни, бошқарув тизимларининг такомиллашуви, бошланган режа ва тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиниши юқори натижаларга эришишга замин бўлмоқда. Олиб борилаётган барча ишларимиз энг аввало ёш авлоднинг баркамол ўсиши, дунёвий билимлар эгаси бўлиши, юрт равнақи, ривож учун фидойи инсонлар бўлиб етишишларига қаратилган.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги (1991 йил 20 ноябрь) қонуннинг қабул қилиниши, мамлакат тараққиёти, ривожланиш йўли айнан ёшлар билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Қонунда ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, жамият манфаати

йўлида уларнинг муҳим ўрин тутиши таъкидланади, ёшларнинг камол топиши учун уларга ижодий имкониятлар яратиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шароитлар муҳайё қилиниши ва бунга кафолатлар берилиши назарда тутилади.

Ҳозир эса бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар жумласига ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиёт тармоқларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни таъминлаш, ёшларни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллигини ошириш аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун «ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир»¹.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатда қабул қилинган қонунлар халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келиши билан бирга, уларда халқимизнинг фарзандларига бўлган меҳрибонлиги, улар тарбиясига алоҳида муноабатига доир қадимий анаъналар ҳисобга олинганини эътироф этмоқ жоиз. Ўзбекистон Республикасида фақат ёшларга оид ўнлаб қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар ижроси ўз вақтида таъминланмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида барча органлар, шу жумладан, жамиятнинг ўта муҳим вазифаларидан бири бу — вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этишдан иборат. Бу йўлда ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилиб, улар ўз самараларини бермоқда.

Мамлакат миқёсида ёшлар ўртасида олиб борилаётган комплекс, тизимли тадбирлар аксарият вилоятларда жинойтчиликнинг камайишига олиб келди. Шу туфайли вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойтлар сони республикада рўйхатга олинган умумий жинойтлар улушида жуда ҳам кам. Ёшлар тарбияси, уларнинг дунёвий билимларни эгаллашга интилиши, соғлом ўсишига шароит яратилишига катта эътибор қаратилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олиши учун аввало, фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида улар ўртасида қабул қилинаётган қонунлар тарғиботини кучайтириш лозим. Бинобарин, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва ўз масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳотлар, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»². Демак, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳаётимизнинг тинч ва фаровон бўлиши, фуқаролар, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан боғлиқдир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т., 1996. — 49-б.

² Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999. — 245-б.

Айниқса, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун таълим-тарбия муассасаларида уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва қонунлар тарғиботини кучайтириш лозим. Чунки, ҳуқуқий тарбия шахснинг онги, ҳис-туйғуси ва хулқ-атворида таъсир кўрсатишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Шу боис, шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга энг аввало, шахснинг ҳуқуқий билимини ошириш орқали эришилади. Сўнгги йилларда миллий мафкурамизнинг ажралмас таркибий қисми бўлган аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия самардорлигини оширишга жиддий эътибор берилаётганлиги бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотида оид ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эътиборга лойиқ ишларнинг амалга оширилаётгани халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Жумладан, ЮНИСЕФ томонидан 410 миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Марказий ва Ғарбий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқ-бўйи давлатларидан иборат жами 27 та мамлакатнинг ривожланишини ўз қамровига олган ҳуқуқий мониторинг ҳужжатларида инсон тараққиётининг танлаб олинган 20 та кўрсаткичидан 9 тасида Ўзбекистонда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилаётганлиги қайд этилган¹.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар бизнинг келажагимиз, азалий орзу-интилишларни рўёбга чиқарадиган буюк кучдир. Шу боис ҳали руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай туриб, жиноят йўлига кирган ёшларни жамиятга қайтариш - аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасидаги асосий вазифадир.

¹ Қаранг: *Норбоев А., Баратов А.* Ёшларга эътибор — келажакка эътибор // Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Илмий-назарий конференция материаллари тўплами. — Т., 2008. — 175-б.

Нашрга тайёрланди:

Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Ҳ.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмоилов, З. Бабакалонов ва бошқ.; профессорлар Ҳ. Т. Одилқориев ва Б.Э Қосимовнинг умумий таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 640-б.

Дарсликда маъмурий ҳуқуқ фанининг ҳозирги замон сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ривожланиш босқичларида туган ўрни, маъмурий ҳуқуқ назарияси ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ равишда ёритиб берилган. Сўнгги йилларда давлат бошқаруви соҳасида ўтказилган ҳуқуқий ислоҳотлар шароитида республика давлат бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, маъмурий қонунчиликда бўлган ислоҳий ўзгаришлар ҳисобга олинган.

Кабулов Р., Сотгиев И.А., Отажонов А.А. ва бошқ. Жиноятларни квалификация қилиш: Маърузалар курси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 312-б.

Ушбу маърузалар курсида жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси, турлари, босқичлари ҳамда уларни квалификация қилишнинг умумий, хусусий ва ягона қоидалари, шунингдек, алоҳида турдаги жиноятларни квалификация қилишнинг хусусиятлари таҳлил этилади.

Ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар, юридик олий таълим муассасаларининг докторант, талаба ва аспирантлари, ИИВ Академиясининг адъюнктлари, тингловчи ва курсантларига мўлжалланган.

*Л. Ф. Исхакова***Р. Р. Иргашев***

**ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО И
МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА
(НА ПРИМЕРЕ СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С
КОНВЕНЦИОННЫМИ ОРГАНАМИ ООН ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА)**

Способность норм современного международного права выполнять регулятивные функции, на которые ориентированы нормы внутригосударственного права, используется в правовой системе Узбекистана в целях их согласованного, совместного применения. В национальном законодательстве содержится немало предписаний, согласно которым тот или иной порядок деятельности определяется, те или иные отношения регулируются, а государственные органы руководствуются, с одной стороны, Конституцией, законами и иными актами органов Республики Узбекистан, с другой — международными договорами Республики Узбекистан.

В ряде законодательных и нормативно-правовых актов имеются специальные статьи, посвященные правовым основам деятельности того или иного ведомства и называющие в связи с этим не только национальные законы, но и международные договоры (законы «О прокуратуре», «Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмане)», Положение о Министерстве иностранных дел и др.).

В перечень государственных органов, в деятельности которых присутствует применение норм международных договоров, пожалуй, могут войти все органы государства.

Взаимодействие национального законодательства и международного права проявляется в согласованном регулировании отношений, относящихся к совмещенному предмету регулирования.

В определении места и роли организационной формы процесса реализации норм международного права многое зависит от уровня и сферы сотрудничества, количества участников, заинтересованных в рассмотрении конкретного вопроса, срочности, сложности и характера вопросов и других обстоятельств.

Осознавая огромную важность проблем прав человека в мире и их связь с другими глобальными проблемами человечества, мировым сообществом создана целая система органов ООН, занимающихся данными вопросами. Остановимся более подробно на конвенционном механизме реализации международно-правовых норм и участия Республики Узбекистан в этом механизме.

Реализация норм международного права — это их воплощение в поведении и деятельности государства и других субъектов, это практическое осуществление нормативных предписаний. Положения международных договоров по правам человека,

*Доцент кафедры теории и практики прав человека Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

** Преподаватель кафедры теории государства и права и международного права юридического факультета Национального университета Узбекистана.

ратифицированных Узбекистаном, предполагают конкретные обязательства, сопряженные с активными действиями. Так, ст. 21 Международного пакта о гражданских и политических правах гласит: «Каждое участвующее в настоящем Пакте государство обязуется уважать и обеспечивать всем находящимся в пределах его территории и под его юрисдикцией лицам права, признаваемые в настоящем Пакте».

Помимо правовой базы для реализации международного права необходима соответствующая ей структура органов.

В современном мире очевидна потребность постоянного развития и совершенствования реализации (имплементации) норм международного права, специфических правовых и институциональных средств их обеспечения. В этом контексте Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека может рассматриваться как один из внутригосударственных элементов (структур) механизма реализации норм международного права.

Конвенционный механизм реализации норм международного права в сфере прав человека — достаточно новое явление для современного международного права, породившее, в свою очередь, новые тенденции в развитии международного права, а именно — взаимодействие и согласование между международным и внутригосударственным правом.

Международный конвенционный механизм реализации включает правообеспечительное нормотворчество, толкование, международный контроль и правоприменение¹.

Конвенционные (договорные) комитеты по правам человека, созданные согласно международным договорам ООН по правам человека, осуществляют контрольную функцию путем составления информации о деятельности государства в соответствии с требованиями норм международного права. В основе данного метода контроля лежит сбор и оценка информации.

Сбор информации конвенционными органами — это получение сведений о реализации международных правовых норм по правам человека всеми законными средствами: путем обмена информацией, подготовки специальных докладов, участием в работе совещаний, обращением к информации СМИ, неправительственных организаций и т.д.

Оценка информации — это сопоставление деятельности государства с требованиями международных норм по правам человека.

Контроль может осуществляться либо с помощью национальных средств, либо совместно, посредством международных органов и организаций.

Международные договоры по правам человека не только содержат положение о контроле деятельности государств в области реализации обязательств, но и правила-процедуры конвенционных органов (того или иного Комитета), их функции и полномочия. Так, ст. 17 Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, предусматривающая создание Комитета против пыток, определяет также выборность членов Комитета.

Усиление контроля за добросовестным выполнением государствами международных договоров является закономерностью, поскольку решение глобальных проблем

¹ См.: Международное право: Учебник для вузов / Отв. ред. Г.В. Игнатенко и проф. О.И. Тиунов. — М., 1998. — С. 178.

человечества требует укрепления между странами согласия и расширения сотрудничества, что невозможно без надлежащих мер проверки.

Процесс регулярного представления докладов в международные органы стал восприниматься как конструктивное и потенциально важное средство, с помощью которого правительства могут достигать разнообразных целей.

Подготовка и представление национальных докладов Республики Узбекистан о соблюдении прав человека в международные органы содействуют:

— совершенствованию национального законодательства и практики его применения с целью обеспечения его соответствия обязательствам, содержащимся в международных договорах;

— анализу ситуации в сфере обеспечения прав человека, созданию системы наблюдения за их соблюдением на регулярной основе;

— выявлению и последующему устранению любых проблем в области прав человека, получению четкой картины применительно не только к стране в целом, но и к различным регионам, группам населения;

— выработке долгосрочной государственной политики по обеспечению международных договорных обязательств;

— расширению подотчетности правительства о соблюдении прав человека не только перед международными органами, но и собственными гражданами;

— оценке достигнутого прогресса или его отсутствия в сфере прав человека;

— обмену информацией о типичных проблемах прав человека, возникающих в различных государствах.

Следует подчеркнуть, что представление докладов в наблюдательные договорные органы является в принципе юридической обязанностью, возлагаемой на правительства государств-участников. Правительство предоставляет органам, отвечающим за подготовку национального доклада, время, полномочия и материальные ресурсы, которые необходимы для выполнения вышеназванной юридической обязанности. Задача подготовки качественного национального доклада решается при условии создания системы, которая вовлекала бы в подготовку доклада совокупность экспертов во всех компетентных государственных и негосударственных структурах. В целом ряде государств подготовка докладов осуществляется коллективным усилием различных государственных органов, находящихся в большинстве своем под контролем Министерства иностранных дел (например, в Колумбии, Египте, Финляндии, Индии, Иране, Ямайке, Сенегале, Румынии, России)¹. В других государствах подготовкой занимается Министерство юстиции (например, в Австралии (Attorney-General's Department)).

Во многих странах можно наблюдать повышенную тенденцию к координации в процессе подготовки докладов. Так, межведомственные организации в целях составления докладов были созданы в Республике Чехия (Совет по правам человека), Египте (Постоянная комиссия по правам человека), Мексике (Межведомственная комиссия), Филиппинах (Комитет по координации прав человека), Сенегале (Межведомственный комитет), Южной Африке (Национальный консультационный форум по правам человека)².

¹ См.: *Heyns C. et Viljoen F. The Impact of the United Nations Human Rights Treaties on the Domestic Level. HRQ. Vol.1. 2001. P.505.*

² См.: Там же.

В Республике Узбекистан органом, в полномочия которого входит подготовка национальных докладов по всем международным договорам по правам человека, является Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. Этот орган, входящий в систему исполнительной ветви власти и состоящий из специалистов в сфере международного права, ученых-юристов, является национальным институтом, действующим на основе Парижских принципов.

Национальные доклады обычно содержат информацию о положении в стране касательно того или иного права или комплекса прав, защищаемых соответствующей конвенцией. Они включают также подробные сведения относительно того, как государство, представляющее доклад, выполняет свои международные обязательства. Каждый конвенционный комитет в этих целях имеет свои руководящие принципы по подготовке и представлению докладов по соответствующему договору.

Информация, содержащаяся в докладе, не ограничивается лишь списком законов, действующих в стране. Учитывая, что члены конвенционных комитетов являются представителями различных правовых систем мира, законы и другие административные акты обычно сопровождаются анализом их локального применения и, по мере возможности, судебными решениями. Доклад также может содержать различные статистические данные, сопровождаемые комментариями государства и сравнением с прежними годами, чтобы члены комитетов имели возможность оценить динамику процесса. В целях освещения прогресса государства в области защиты прав человека информация, касающаяся различных программ и проектов, также включается в доклад. Несмотря на то, что согласно существующей практике договорные комитеты рассматривают доклады лишь по «фактам», что означает принятие информации об уже предпринятых действиях, информация о проектах правительства также является важной для того, чтобы показать усилия государства в сфере защиты прав человека.

После написания доклад обычно рассылается в государственные органы и неправительственные организации в целях обеспечения полноты и конкретности представленной в нем информации. Несмотря на то, что данный процесс занимает много времени, он способствует большей осведомленности общества в отношении обязательств правительства по докладам и его ответственности в сфере прав человека. Точный, подробный и правильно составленный доклад позволяет представившему его государству извлекать максимальную пользу из знаний и опыта членов комитетов.

Необходимо отметить, что с 2007 г. изменились правила представления национальных докладов по выполнению положений международных договоров по правам человека. Они зафиксированы в Компильции руководящих принципов в отношении формы и содержания докладов, представляемых государствами — участниками международных договоров по правам человека. В соответствии с этими требованиями национальный доклад должен состоять из двух частей: общая базовая информация о государстве и информация о выполнении конкретных положений договора. Указанные изменения следует воспринимать как попытки реформирования системы отчетности в конвенционных органах ООН и оптимизации их деятельности. Однако практика показала, что в результате сам национальный доклад становится объемнее, в него включается более подробная и детализированная информация об обеспечении прав человека в стране.

Национальные доклады Республики Узбекистан, подготавливаемые и представляемые в конвенционные органы ООН, являются результатом контрольной деятельности как самого государства, так и конвенционного органа, поскольку они исследуются и изучаются данным органом. Материалы национального доклада могут породить вопросы членов Комитета перед процедурой заслушивания, и на эти вопросы государство также заблаговременно готовит письменный ответ.

Каждый Комитет состоит из экспертов, изучающих представляемые государством доклады, заслушивает представителей государства и выносит конкретные или общие рекомендации относительно возможности реализации прав на национальном уровне. Порядок заслушивания (рассмотрения) национального доклада — это сложная процедура, имеющая свои нюансы в каждом конвенционном Комитете.

Процедура рассмотрения национальных докладов подразумевает собой диалог между независимыми экспертами, представленными от различных регионов и правовых систем мира, и государством-участником. Такая процедура, лишенная обвинительного характера, позволяет международному сообществу прямо влиять на принятие законов, правил для имплементации международных норм в национальное законодательство. Государственные делегации, вступая в процесс открытого, честного диалога с Комитетом, также имеют возможность получить мнение коллег и экспертов, не связанных с общественной и государственной деятельностью. Многие ученые сожалеют о недостаточном внимании средств массовой информации к ходу обсуждения проблем, поднимаемых во время рассмотрения национальных докладов¹.

Само рассмотрение доклада начинается с вопросов, задаваемых членами Комитета представителям государства. Обычно вопросы начинают задавать члены Комитета — представители от того же географического региона, что и государство-участник. Также вошло в практику, что члены Комитета, являющиеся гражданами государства-участника, доклад которого рассматривается, не задают вопросов и не делают комментариев.

Представителям государства-участника предоставляется время для подготовки ответов на вопросы (ответы могут быть представлены на следующий день).

Ответы на дополнительные вопросы Комитета к национальному докладу представляют собой достаточно объемную информацию о положении дел в стране в виде таблиц, статистики, аналитической информации. Делегация также имеет время на консультирование со своим правительством и запрос соответствующей информации для подготовки ответов на вопросы. Если представители государства не укладываются в отведенное время, чтобы ответить на все вопросы, в этом случае может быть запрошен дополнительный доклад.

Несмотря на то, что «конструктивный диалог» считается наилучшим методом рассмотрения национальных докладов, существует мнение, что «реальный диалог» не всегда имеет место. Виной тому может быть как поведение делегации, так и самих членов Комитета. В связи с этим весьма важен вопрос состава делегации государства,

¹ См.: *Tistounet E. Amelioration des procedures conventionnelles des Nations Unies en matiere de droits de l'homme.* RUDH. 1993. P. 147; *G. Alfredsson et autres (ed.) International Human Rights Monitoring. Mechanisms: essays in honour of Jakob Th. Muller.* P. 196; *Ph. Alston, J. Crawford, (ed.) The Future of UN Human Rights Treaty Monitoring.* Cambridge University Press. 2000. P. 505.

представляющего доклад. Необходимо, чтобы она состояла из высокопоставленных должностных лиц — членов правительства, специалистов, принимавших участие в подготовке доклада и обладающих соответствующей информацией, а также дипломатов.

Контрольная деятельность конвенционного комитета по заслушиванию национального доклада завершается с принятием решения Комитета — заключительных замечаний Комитета по итогам рассмотрения очередного национального доклада страны по выполнению положений международного договора.

Заключительные замечания имеют две функции: с одной стороны, обратить внимание широкой публики на недостатки по обязательствам, и с другой — наметить направления деятельности и специфические программы для улучшения дел по исполнению обязательств. Успех исполнения заключительных замечаний зависит от следующих элементов — их точности, а также их функциональности, рассматриваемой как развитие в перспективе позитивных аспектов¹.

Заключительные замечания комитетов как акты международного органа носят рекомендательный характер и предусматривают меры содействия в реализации норм международного права: оказание помощи в разработке национального законодательства, предложения и рекомендации по совершению правореализационного процесса. Однако это не означает, что заключительные замечания лишены юридической силы. Они используются для интерпретации договора и позволяют оценить обязательства государств-участников. Как заметил бывший член Комитета по правам человека В. Димитриjevич, «полномочия авторитетного органа, исполняющего важные наблюдательные функции, не могут оставаться без последствий»².

Заключительные замечания после их принятия публикуются на официальном сайте Верховного комиссара ООН по правам человека.

В Узбекистане сложилась практика принятия национальных планов действий по заключительным замечаниям конвенционных органов, которые разрабатываются совместно всеми заинтересованными органами. Для этой цели создана Межведомственная рабочая группа, возглавляемая министром юстиции Республики Узбекистан, которая утверждает такие национальные планы и следит за ходом их выполнения. В этом случае ни одна рекомендация Комитета не остается без внимания и принимается комплекс мер по их реализации, вплоть до законодательных. Так, исходя из рекомендации Комитета по правам ребенка был разработан и принят Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка».

Отмечая положительный опыт, накопленный государством в сфере содействия выполнению международных обязательств в сфере прав человека, представляется важным остановиться на проблемах, с которыми сталкиваются государственные органы

¹ Единственным случаем, когда не было отмечено позитивных аспектов, было заключение по рассмотрению специального доклада, представленного Федеративной Республикой Югославией (Сербия и Черногория). См.: *Boerefijn I. Towards a strong system of supervision: The Human Rights Committee's Role in Reforming the Reporting Procedure under the Article 40 of the Covenant on Civil and Political Rights. HRQ. Vol.17. 1995. P.788—789.*

² *Dimitrijevic V. «State Reports» in Alfredsson and others «International Human Rights Monitoring Mechanisms: essays in honour of Jakob Th. Muller». Martinus Nijhoff Publishers. The Hague/Boston/London. 2001. P.198.*

и учреждения Узбекистана при подготовке национальных докладов. Их можно подразделить на внутренние и внешние.

К внешним относятся проблемы, касающиеся самой работы комитетов. Несмотря на то, что принадлежность к конвенционному органу базируется, в первую очередь, на опыте и признанной компетенции, она также продиктована дипломатическими усмотрениями и зачастую зависит от лоббирования государствами-участниками и группами голосов в Комитете. Значительная часть членов Комитета состоит из бывших или действующих дипломатов. Данный факт вызывает обеспокоенность, так как в этом случае возникает вопрос об их беспристрастности. Существует опасность применения «двойных стандартов» членами Комитета по отношению к различным государствам.

Окончание «холодной войны» не положило конец применению «двойных стандартов». В ходе рассмотрения докладов некоторых государств тон обвинений в нарушении прав человека открыто менее жесткий, а в отдельных случаях Комитет предпочитает вовсе не поднимать вопрос о таких нарушениях¹. В отношении же других государств (в особенности развивающихся) можно наблюдать заранее негативный настрой членов Комитета, несмотря на положительные усилия, предпринимаемые ими. Так, содержание некоторых вопросов докладчиков комитетов ООН, устных вопросов членам делегации часто свидетельствует о поверхностном изучении отдельными членами комитетов ООН содержания текста национального доклада, нежелании видеть прогрессивных изменений, происходящих в стране, спекулировании на проблемах, с которыми сталкивается то или иное государство.

Кроме того, заключительные замечания, принимаемые по итогам рассмотрения доклада, зачастую основываются лишь на информации неправительственных организаций, а не на официальной информации государства. Несомненно, Комитет имеет право использовать любую имеющуюся у него информацию, однако основным источником все же должен быть национальный доклад страны.

К внутренним проблемам можно отнести следующее:

— недостаточная осведомленность государственных органов, несущих ответственность за обеспечение прав человека, о требованиях конвенционных органов к составлению национальных докладов, что приводит к тому, что информация, направляемая ими в Национальный центр по правам человека, не всегда может быть использована в достаточной степени;

— отсутствие в Законе «О международных договорах» положений об ответственности министерств и ведомств Республики Узбекистан в сфере выполнения международных обязательств по правам человека, их обязанностях по предоставлению в Национальный центр по правам человека информации для подготовки национальных докладов о выполнении Конвенций о правах человека препятствует эффективной реализации координационной роли Национального центра по правам человека в данной сфере.

¹ См.: *Mavrommatis A.* «The First Ten Years of the Human Rights Committee» in Alfredsson and others (ed.). *International Human Rights Monitoring Mechanisms: essays in honour of Jakob Th. Muller.* P. 152.

Э. Х. Нарбутаев*
С. Б. Хўжақулов**

ҲИМОЯЧИ ТОМОНИДАН ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда қонунчилигимизда ҳимоячи билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Буни мустақилликдан сўнг суд-ҳуқуқ ислоҳатларининг жадаллашиши ва адвокатларнинг мавқеи тубдан шакллантирилиб, жиноят иши дастлабки тергов ва судда ҳимоя ва айблов тарафнинг «тортишуви» асосида амалга оширилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Бироқ, айтилиши мумкин, қонун чиқарувчи нуқтаи назаридан *бир томондан*, ҳимоячи ҳуқуқи кенгайтирилиб, айблов ва ҳимоя имкониятларининг тенглаштирилаётганлиги, *иккинчи томондан эса*, гарчи ҳимоячига берилаётган ваколатлар бир қатор қонун ҳужжатлари билан белгиланган бўлса-да, аммо уларни амалга ошириш механизми, яъни ҳимоячи ҳаракатларининг қай тарзда процессуаллаштирилиши эътибордан четда қолаётганлиги ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларга деклоративлик туси берилмоқда, деб идрок этишни тақозо этади.

Жумладан, ЖПКнинг 43, 44, 46, 53, 55, 57, 59, 63-моддаларида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг далилларни тақдим қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилганлигига қарамай, ЖПКнинг 86-моддасида уларни исбот қилишни амалга оширувчи субъектлар қаторида эмас, балки исбот қилиш жараёнида белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда иштирок этувчилар сифатида кўрсатиб ўтилган. Модомики, қонунда «...гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари далилларни тақдим қилиш ҳуқуқига эга» дейилган экан, унда мазкур тушунчани *биринчидан*, келтириб ўтилган иштирокчилар ЖПКнинг 87-моддасида кўрсатиб ўтилган 14 та процессуал ҳаракатни кодексда белгиланган тартибда амалга ошириш ва процессуал жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда *иккинчидан*, ҳимоячи параллел равишда «адвокатлик терговини олиб бориш» ҳуқуқига эга деб тушуниш керак бўлади. Зеро назарда тутилган иштирокчилар тергов ва судга тақдим этиш учун далилларни бошқача йўл билан тўплаш олмайдди. Сабаби, далиллар қачонки ЖПКнинг 82-моддасида қайд этилганидек, тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш натижасида тўплансагина, далил сифатида баҳоланади. Манتيқан ушбу процесс иштирокчилари тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширмасдан далилларни йиғиш ва тақдим этиш

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси.

имкониятига эга бўлмайди, бу эса, уларнинг қонунда белгиланган далилларни йиғиш ва тақдим этиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш зарурлигини кучайтиради.

Адабиётда ҳимоячининг далилларни тўплаш жараёнида тутган ўрнига нисбатан бири-бирига зид турли ёндашувлар мавжуд, Қонун чиқарувчининг ушбу масалага аниқлик киритишга шошилмаганлиги илмий муаммони яна ҳам долзарблаштиради.

Дастлабки тергов фаолиятининг социологиясини ўрганган А.Раҳмонқуловнинг назарида, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнида процессуал функциялар, яъни айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш ҳамда баҳолаш учун далилларни судга тақдим этишдаги тенг ҳуқуқийликни таъминлаш зарурати илмий мушоҳадага сабаб масаладир¹. Биз томондан сўровга жалб этилган олимларнинг 56% ҳимоячининг ваколат доирасини кенгайтиришга ва уни исботлаш жараёнида иштирок этишга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш тарафдори эканликларини билдирганлар. Аммо 61% терговчи ва прокурорлар ҳимоячиларга далилларни тўплаш ҳуқуқининг берилиши жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини бажаришга, шунингдек айбдор шахсни жавобгарликка тортиш ва унга жазо тайинлаш муқаррарлиги принципини амалга оширишга тўсқинлик қилади деб ҳисоблайдилар.

С.Дадонов ҳимоячининг ишни судга қадар юритишдаги иштироки тўғрисида сўз юритиб, мазкур босқичга «параллел тергов» олиб бориш институти хос эканлигини, шу боис адвокатни тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқи билан таъминлаш мантиқан тўғри бўлмайди деган хулосага келган². Лекин Б.Саломов, Ғ.Абдумажидов ва М.Ҳ.Рустамбаевнинг фикрича, ҳимоячини ЖПКнинг 53-моддасида кўрсатиб ўтилган ваколатларни амалга ошириши учун қўшимча гувоҳларни чақириш, муассаса, корхона ва ташкилотлардан сўраб олинган ҳужжат ва нарсаларни жиноят ишига қўшиб қўйиш, экспертлар таркибига қўшимча мутахассисларни жалб қилиш мақсадида у томонидан берилган илтимосномани суриштирувчи ва терговчи томонидан бажарилишининг мажбурийлигини модданинг ўзидаёқ эътироф этиш, шунингдек, жиноят ишининг алоҳида ҳолатларини текшириш учун ҳимоячини кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш ҳуқуқи билан таъминлаш лозим. Чунки, жиноят-процессуал қонун нормалари шундай тартибга солинганки, дастлабки тергов мобайнида айблов томони далилларни тўплаш имкониятига етарли даражада эга, ҳимоянинг имкониятлари эса, далилларни тақдим этиш билан чекланган. Муаллифларнинг таъкидлашича, ушбу ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартишлар киритибгина тўғирласа бўлади. Хусусан, ҳимоячи исботлаш жараёнининг мустақил субъекти бўлганлиги туфайли далилларни тўплаш, яъни содир этилган ҳодиса шохидлари билан учрашиш, уларни сўроқ қилиш учун чақиришни талаб қилиш, воқеа жойини кўздан кечириш, схема ва киносёмкаларни амалга ошириш ваколатини қонун нормаларида мустақамлаб қўйилиши керак³. Айтиш жоизки, айблов

¹ Қаранг: Раҳмонқулов А. Дастлабки тергов фаолиятининг социологияси // Ҳуқуқ–Право–Law. — 2004. — №2. — 54–6.

² Қаранг: Дадонов С. Уголовное преследование фактически заподозренных лиц на досудебном производстве // Следователь. — 2002. — №7. — С.22–23.

³ Қаранг: Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан / Под ред. М.Х.Рустамбаева и Л.Б.Хвана. Т.2. — Т., 2007. — С. 308–310.

ва ҳимоя томонларининг далилларни тўплаш ҳуқуқларини тенглаштириш концепцияси кўпчилик олимлар томонидан маъқулланмоқда.

Олимларнинг фикрларидан шуни хулоса қилиш жоизки, уларнинг баъзилари (С.Дадонов ва бошқалар) қонунда берилган нормаларни талқин этиб, мавжуд нормаларни аксиома сифатида тан олишади ва ҳимоячининг ваколатини маълумотлар тақдим этиш билан чегаралайдилар, баъзилари (Б.Саломов, Ф.Абдумажидов, М.Ҳ.Рустамбаев ва бошқалар) эса, бугунги кун суд-ҳуқуқ ислоҳотлари йўналишларини ва қонундаги мантиқийликни эътиборга олиб, ҳимоячи ҳам далиллар йиғиши ва бунинг учун процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлигини, ушбу ҳолатни қонунчиликнинг ўзи тан олаётганлигини ва фақатгина мазкур механизмни процессуаллаштириш лозимлигини эътироф этадилар. Бироқ мазкур ҳолатлар ҳимоячининг ҳаракатларини процессуал шакл талабларига жавоб бермайди деган хулоса қилишга монелик қилади, зеро ҳимоячи ЖПК 53-моддасининг талабларига кўра далилларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 17 ноябрдаги «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги 16-сонли қарорининг 19-бандида «ЖПК 243-моддасининг ўнинчи қисмига кўра, тўпланган материаллар етарли бўлмаган тақдирда, суд *«тарафлар»* қўшимча далиллар тақдим этишлари учун уларнинг илтимосномасига асосан ушлаб туриш муддатларини қирқ саккиз соатгача узайтириши мумкин.

Агар белгиланган муддатда *«тарафлар»* томонидан қамоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чорасини қўллаш асослилиги ёки асоссизлигига доир қўшимча далиллар тақдим этилмаса, суд мавжуд материалларга асосланган ҳолда қарор қабул қилади»¹ деб ифодаланган. Бошқача айтганда, мазкур қарорда айблов ва ҳимоя томонидан қамоққа олиш тўғрисидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарорнинг асосли ёки асоссизлигига доир қўшимча далилларни тақдим этиш ҳуқуқининг мавжудлиги назарда тутилган. Аммо ушбу қарорда ҳам ЖПКдаги сингари ҳимоя тараф далил ёки маълумотни қай тартибда амалга оширилган ҳаракат ёки расмийлаштирилган ҳужжат орқали тўплаб тақдим этиши эътиборга олинмаган. Шунга ўхшаш ҳолатни Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилган «Адвокатура тўғрисида»ги қонунида ҳам, 1998 йил 29 декабрда қабул қилган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунида ҳам кузатилади. Бироқ «Адвокатура тўғрисида»ги қонун 6-моддасининг 1-қисмида ЖПКдан фарқли ўлароқ «юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини мижознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиши» белгиланган, лекин афсуски, бу тушунчага амалиётда ёт тушунча сифатида қаралади. Шу сабабли ҳимоячи Х.Нурмухаммедова томонидан мижознинг розилиги билан экспертиза хулосасини бериш ҳақида билдирилган сўровнома Х. Сулаймонова номли республика криминалистик илмий-текширув маркази томонидан *мазкур тартиб Жиноят-процессуал кодексда қайд*

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли Қарори // Куч адолатда. — 2007. — 14 нояб.

этилмаганлигини ваэ қилиб кўрсатиб қаноатлантирмай қолдирилган. Натижада ҳимоячи ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожат қилган ва оқибатда Конституциявий суд 2000 йил 5 июль кундаги қарориди ҳимоячиларнинг мазкур ҳуқуқларини таъминланишини қатъий белгилаб берган. Бу каби ҳолатлар адвокатларнинг ҳаракатларига процессуал мақом беришни ва уларни Жиноят-процессуал кодексда акс эттириш эҳтиёжини янада кучайтиради. Ушбу эҳтиёж қонуний тарзда қондириладиган бўлмаса-да, мавжуд муаммонинг ечими сифатида кўп йиллик тажрибага эга бўлган адвокатлар томонидан республикамизда чоп этиладиган «Адвокат» журналида адвокатлар ҳаракатларини расмийлаштиришга оид ҳужжатларнинг намуналарини бериб бориш анъана тусига айланиб, шу йўл билан қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этишга уриниш кўзга ташланмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати Миробод тумани 1-сон юридик маслаҳатхона адвокати А.Х.Умиров, амалиётда адвокатлар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни аниқ, мазмунли, белгиланган талабларга жавоб беришни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида берилган ваколатни адвокат томонидан тўғри ижро этиш юзасидан, яъни давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлардан маълумотлар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш белгиланган талабларга жавоб берадиган, асослантирилган, адвокатлик сўрови (ҳужжат) бўйича амалга оширилиши лозимлигини айтиб ўтиб, ўша тартибга жавоб берадиган ва асослантирилган адвокатлик сўрови (ҳужжат)нинг намунасини услубий тавсия сифатида берган¹. Бироқ А.Х.Умиров мазкур ҳужжатга қўйиладиган бир қанча талабни келтириб ўтган бўлса-да, ушбу талаб қайси қонун ҳужжатининг талаби эканлиги ҳақида сўз юритмаган. Бироқ шунга қарамай, унинг фикрини адвокатнинг ҳаракатини жиноят-процессуал қонун нуқтаи назардан процессуаллаштириш лозимлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон адвокатлар ассоцияси бошқарувининг мажлиси томонидан 2004 йил 20 декабрдаги қарор билан «Адвокатлик иш юритув ҳужжатларини юритиш ва уларни расмийлаштириш» тартиби бўйича услубий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган². Аммо, фикримизча, адвокатлар иш юритуви адвокатлар ассоциацияси бошқарувининг мажлиси қарори билан эмас, балки қонунан тартибга солинмоғи лозим. Акс ҳолда Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси бошқаруви мажлис қарорининг қонун даражасига кўтарилиши пировард натижада жиноят-процессуал қонунининг таъсир кучи (мавқеи)нинг сезиларли даражада пасайтириш хавфини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2009 йил 14 январь қонунига асосан ЖПКнинг 87-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилиб, унда «Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунти-

¹ Қаранг: Умиров А.Х. Адвокатлик сўрови намунаси // Адвокат. — 2005. — №1. — 9-б; Саломов Ш. Шикоят аризаси намунаси // Адвокат. — 2006. — №3. — 25-б.

² Қаранг: Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси бошқаруви (ЎААБ)нинг 2004 йил 20 декабрдаги мажлис қарори билан тасдиқланган «Адвокатлик иш юритуви ҳужжатларини юритиш ва уларни расмийлаштириш тартиби бўйича услубий тавсиялар» // Адвокат. — 2005. — №1. — 11—15-б.

ришлар олиш; давлат органлари ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақлилиги эътироф этилган. Бундан ташқари агарда адвокатнинг сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолати юзасидан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолати белгиланиб, ҳимоячига маълумотнома, тавсифнома ва бошқа ҳужжатларни олиш ҳуқуқи билан бирга шахнинг розилиги билан ёзма равишда тушунтириш олиш ҳуқуқи ҳам қайд этилган бўлса-да, аммо бу гал ҳам ҳимоячи ҳаракатларини расмийлаштириш тартиби эътибордан четда қолдирилган. Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг «Адвокатлар тузилмаларининг намунавий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида»ги 2009 йил 20 мартдаги қўшма қарорини қабул қилишда ҳам такрорланди. Бу эса, *биринчидан*, ҳимоячига қонунда эътироф этилган ваколатлар доирасида процессуал ҳаракатларни мустақил равишда амалга ошириш, *иккинчидан*, ушбу ҳаракатларни процессуал расмийлаштириш; *учинчидан*, айрим далилий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш; *тўртинчидан*, ҳимоячининг фақатгина ЖПК 86-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга иштирокчилар эмас, балки унинг 1-қисмида қайд этилган исбот қилишни амалга оширувчи иштирокчилар қаторидан жой олиши билан боғлиқ муаммоларни долзарблаштиради. Табиийки, бундай қоида ва тартиб ўзгаришсиз қолдирилса, унда ишни судга қадар юритиш босқичига хос яхлитликнинг бузилиши ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини бажармаслик эҳтимоли кучаяди.

Назаримизда, мазкур механизмни ишлаб чиқишда *авваламбор*, бугунги кунда ҳимоячига берилаётган ҳуқуқлар доираси; *иккинчидан*, жиноят ишини юритиш босқичларининг хусусиятлари; *учинчидан*, ҳимоячи томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг ўтказиш асослари, тартиби, мақсад ва вазифалари; *тўртинчидан*, амалга оширилган процессуал ҳаракатлар қайси турдаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши эътиборга олинмоғи лозим.

Хуллас, ҳимоячи ҳаракатларининг процессуал механизмига оид билдирилаётган фикрлар нафақат ҳимоячи ҳаракатларининг доираси, процессуал тартиби ва шаклини ўзида намоён этиб, айти пайтда қонунчиликдаги мавҳумликка бироз бўлсада аниқлик киритади, балки ҳимоячи ҳаракатларининг процессуал механизми юзасидан амалга ошириладиган ислохотларнинг кейинги йўналишларини белгилаб олишга ҳам хизмат қилади. Бу эса, ҳимоячи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг *биринчидан*, процессуал шаклга эга бўлишини, *иккинчидан*, процессуал тартибга солинишини ва *учинчидан*, процессуал аҳамиятини таъминлайди.

Б. Ҳ. Пулатов*
Б. А. Ражабов**

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЛАРИДА ГУВОҲЛАНТИРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунларида гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ҳуқуқий тартибга солиниши, унинг вазифалари, унда иштирок этадиган шахслар доираси, уни ўтказиш жараёнида шахс ҳуқуқларини таъминланиши масалалари ва ҳоказо ҳолатларни кузатганда, қуйидаги жиҳатлар билан фарқли ва ўхшаш томонлар кўзга ташланади.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ҳуқуқий тартибга солиниши шакли ҳар қайси мамлакатда турлича эканлигини кўриш мумкин. Яъни Эстония¹, Украина², Қирғизистон³, Қозоғистон⁴, Туркменистон⁵, Тожикистон⁶, Россия⁷, Молдова⁸ ва бошқа давлатларнинг жиноят-процессуал кодексларида гувоҳлантириш тергов ҳаракатига алоҳида боб ажратилмаган бўлса, Арманистон⁹, Озарбайжон¹⁰, Беларусь¹¹ ва бошқа республикаларнинг ЖПКда гувоҳлантириш фақатгина битта қонун нормаси билан тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Ушбу давлатлардан фарқли ўлароқ Албания ЖПКда¹² гувоҳлантириш одамни кўздан кечириш каби унинг 204-моддаси асосида тартибга солинганлиги ва кўздан кечириш тергов ҳаракати орқали гувоҳлантириш вазифаларининг ҳал этилиши кузатилса, Франция¹³ ва Норвегия¹⁴ давлатлари ЖПКда

* Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси олий ўқув курслари қонунлар ижроси устидан назорат кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳасининг илмий ходими.

¹ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/8883>.

² Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Украины. — Киев, 1998. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/>.

³ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызстана // Ведомости Жогорку Кенеша Кыргызской Республики. — 1999. — № 10. — С. 229—243. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14306>.

⁴ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Казахстана. — Алматы, 2005. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14212>.

⁵ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. — Ашгабад, 2008. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14383>.

⁶ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан. — Душанбе, 1991. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/>.

⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. — СПб., 2005. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14163>.

⁸ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. — Кишинев, 2003. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14512>.

⁹ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. — Ереван, 1998. <http://www.legislationline.org/documents/id/8873>.

¹⁰ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана. — Баку, 2000. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14110>.

¹¹ Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. — Минск, 1999. <http://www.legislationline.org/ru/documents/id/14109>.

¹² Қаранг: Албания Жиноят-процессуал кодекси. 05.04.1995. Criminal Procedure Code of the Repablik of Albania (English version), <http://www.legislationline.org/documents/id/8871>.

¹³ Қаранг: Франция Жиноят-процессуал кодекси. 15.09.2003. Criminal Procedure Code of the French Repablik (English version), <http://www.legislationline.org/documents/id/8891>.

¹⁴ Қаранг: Норвегия қироллиги Жиноят-процессуал кодекси. 17.07.1998. Criminal Procedure Code of the Kingdom of Norway (English version), <http://www.legislationline.org/documents/id/8910>.

эса гувоҳлантириш тергов ҳаракати умуман кўрсатилмаган. Германия ЖПКнинг 81с-модда(секция)сида эса шахснинг танасидаги жиноятга алоқадор белгилар ва изларнинг экспертиза орқали аниқланиши тартибга солинган ва бу давлатнинг жиноят-процессуал қонунида ҳам гувоҳлантириш тергов ҳаракати алоҳида тергов ҳаракати сифатида қайд этилмаган¹.

Фикримизча, бу борада профессор В.М.Савицкийнинг назария қанчалик аниқ ва кўп қоидалар билан тартибга солинса, уни амалда қўлловчиларга шунчалик қулайлик яратиши мумкинлиги тўғрисидаги фикри тўғрироқдир. Чунки тергов ҳаракатининг жиноят-процессуал қонунида фақатгина битта норма билан тартибга солиниши ёки умуман бу тўғридаги норманинг киритилмаганлиги ундаги процессуал талабларни етарлича тўлиқ ифодалаш имконини яратмайди. Бу ҳолат уни ўтказиш жараёнида шахс ҳуқуқларининг бузилишига ёки етарли даражада таъминланмаслигига олиб келиши мумкин.

З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановалар «жиноят-процессуал қонун» тушунчаси тор, махсус маънода, бевосита меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзини ифодалашдагина қўлланиладиган қонун, давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинган олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат сифатида жиноят-процессуал ҳуқуқнинг ягона манбаи ҳисобланишини таъкидлайдилар².

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг хорижий мамлакатларнинг ЖПКда тартибга солиниши Республикаимиз ЖПКдан тубдан фарқ қилади. Чунки, кўрсатилган давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда гувоҳлантириш тергов ҳаракати алоҳида 17-боб ва унинг таркибига киритилган 6 та норма, яъни 142-147-моддалар билан тартибга солинган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ЖПКда гувоҳлантиришнинг тартибга солинишидаги ва ундаги процессуал талабларнинг аниқ ва тўлиқлигини таъминлаган.

Қайд этиш жоизки, хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунида гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ўтказилишида иштирок этадиган шахслар доираси ҳам турлича тартибга солинган. Масалан, Армения ЖПКнинг 220-моддаси, Озарбайжон ЖПКнинг 238-моддаси, Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 265-моддаси, Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 181-моддаси, Украина Республикасининг 193-моддаси, Эстония Республикаси ЖПКнинг 152-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 226-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддасида гувоҳлантирилиши мумкин бўлган шахслар сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ белгиланган бўлса, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 206-моддасида фақатгина гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчининг гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатилган. Яъни Беларусь Республикаси ЖПКда гувоҳнинг гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бу эса, ўз навбатида, Беларусь Республикаси ЖПКда гувоҳнинг бадан даҳлсизлиги ҳуқуқи кучли ҳимояланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари Россия Федерацияси ЖПКнинг 179-моддасида фақатгина гувоҳ унинг розилиги асосида гувоҳлантирилса, Молдова ЖПКнинг 119-моддасида гувоҳ билан бир қаторда гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчиларни ҳам уларнинг розилиги асосида гувоҳлантирилиши лозимлиги кўрсатилган. Бу борада В.В.Леоненконинг: «Жабрланувчини мажбурий тартибда гувоҳлантирилиши унинг кадр-қимматига путур етказиши мумкин»¹⁷ деган фикри ўринлироқдир. Аммо бизга маълумки, жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш принципининг етарли даражада амалга оширилишини

¹ Қаранг: Германия Жиноят-процессуал кодекси. 07.09.1998. Criminal Procedure Code of the Federal Republik of Germany (English version), <http://www.legislationline.org/documents/id/9016>.

² Қаранг: Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. —Т., 2006. — 12-б.

¹⁷ Қаранг: Леоненко В.В. Профессиональная этика участников уголовного судопроизводства. — Киев, 1981. — С.72—73.

таъминлаш мақсадида жабрланувчини гувоҳлантириш заруриятининг юзага келиши табиийдир. Бу эса таниқли олим профессор Г. Абдумажидовнинг: «Гувоҳ ва жабрланувчини мажбурий тартибда гувоҳлантириш мумкин, чунки терговчининг ушбу ҳаракатлари жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилгандир»¹ деган фикрининг асосли эканлигини кўрсатади.

Айтиш жоизки, айрим хорижий мамлакатларнинг ЖПКда баъзи процесс иштирокчиларининг гувоҳлантирилиши мумкин эмаслигига оид мавжуд қонундан Ўзбекистон ЖПКга татбиқ этиб бўлмайди. Чунки ушбу талаб бир томондан, гувоҳлантирилувчининг ҳуқуқларини кўриқлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, келгусида жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш вазифасини етарлича ҳал этилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу эса бевосита иш бўйича жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Булардан ташқари хорижий мамлакатларнинг ЖПКни ўрганиш жараёнида уларда гувоҳлантиришнинг ўтказилиши бўйича ягона тартиб ўрнатилмаганлигини ҳам кузатиш мумкин. Яъни айрим давлатларнинг жиноят-процессуал қонунида терговчининг гувоҳлантириш тўғрисидаги қарори гувоҳлантирилувчи шахслар учун мажбурий эканлиги белгиланган бўлса, бошқа бир қатор давлатларда айрим иштирокчилар фақатгина уларнинг розилиги билан гувоҳлантирилиши, ёхуд прокурор ёки суднинг терговчининг бу хусусида чиқарган қарорига розилик берганидан кейингина мажбурий тартибда ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Масалан, Арманистон, Беларусь, Россия, Тожикистон, Украина, Эстония, Қирғизистон республикаларининг ЖПКда гувоҳлантиришнинг ўтказилиши бўйича терговчи томонидан кимга нисбатан қарор чиқарилган бўлса, ўша шахс учун мажбурий эканлиги кўрсатилган. Қозоғистон, Туркманистон ЖПКда эса гувоҳ ва жабрланувчиларни гувоҳлантириш прокурорнинг санкцияси асосида амалга оширилиши тартибга солинган. Молдова Республикаси ЖПКда эса гувоҳлантирилиши мумкин бўлган барча шахсларни мажбурий тартибда гувоҳлантириш фақатгина суднинг санкцияси асосида чиқарилган қарорга кўра ўтказилиши белгиланган. Озарбайжон Республикаси ЖПКда эса мажбурий гувоҳлантириш шахс ушланган ёки қамоққа олинган ҳолатларни истисно қилганда фақат суднинг қарори асосида амалга оширилиши белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, прокурорнинг санкцияси ёки суднинг қарори асосида гувоҳлантиришнинг ўтказилиши белгиланган мамлакатларда гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича дастлабки тергов органлари устидан прокуратура ва суд органларининг назоратини таъминлашга олиб келади. Ушбу ҳолатлар Г. Пичкалеванинг: «...жабрланувчиларнинг мажбурий тартибда гувоҳлантирилиши уларнинг қадр-қимматига путур етказди, шунинг учун уларни мажбурий гувоҳлантиришда прокурорнинг санкцияси олиниши лозим;» деган фикри нақадар асосли эканлигини кўрсатади.

Демак, гувоҳлантириш ўтказилишига гувоҳлантирилувчи шахснинг розилиги олиниши ёки унинг мажбурий тартибда ўтказилиши керак бўлганда терговчининг бу ҳақда чиқарган қарорига суднинг розилиги олиниши талаб этиладиган давлатларда бир гуруҳ муаллифларнинг фикрича гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқлари таъминланиши устидан суд назорати ўрнатилганлигидан далолат беради². Бу эса Ўзбекистон ЖПКга нисбатан хорижий мамлакатлар ЖПКнинг ютуқли томони бўлиб ҳисобланади. *Ушбу давлатлар ЖПКга қиёс қилиб Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ҳам мажбурий гувоҳлан-*

¹⁸ Қаранг: Абдумажидов Г. Проблемы совершенствования предварительного расследования. — Т., 1975. — С. 81—82.

¹⁹ Бу ҳақда қаранг: Абдумажидов Ф. Одил судловнинг олий нуқтаси // Ҳуқуқшунос. — 2005. — №1. — 4-5-б.; Рузметов Б.Х. Выемка и обыск на предварительном следствии: состояние, тенденции и перспективы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2008. — С.17; Қодиров Р. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади // Ҳуқуқ ва бурч. — 2008. — №5. — 4-6-б.

тириш тўғрисида терговчи томонидан чиқарилган қарорга суднинг розилиги олинishi ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса суднинг розилигини олмасдан лекин ҳужжатларнинг нусхаларини 24 соат ичида судга юбориш шарти билан ўтказилиши масаласини жорий этиш ҳолатини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар ЖПКнинг айримларида шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолатда ўтказиладиган гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсли бўлиши лозимлиги айнан гувоҳлантиришни тартибга солувчи норманинг ўзида белгиланган бўлса, бошқа бир қатор давлатлар ЖПКнинг ушбу нормаларида бу тўғридаги қоида киритилмаганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг ЖПКда шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсли бўлиши лозимлиги айнан гувоҳлантиришни тартибга солувчи норманинг ўзида қоида тариқасида киритилган бўлса, Молдова, Россия ва Украина давлатлари ЖПКнинг гувоҳлантиришни ўтказиш тартибини белгиловчи нормаларида бу қоида назарда тутилмаганлигини кузатиш мумкин. Ҳолбуки, Эстония Республикаси ЖПКда ушбу ҳолат умуман бошқача тартибга солинган. Яъни, Эстония Республикаси ЖПК 152-моддасининг 3-қисмида гувоҳлантириш шахсни ечинтириш билан боғлиқ бўлса, бир хил жинсли қатнашчилар иштирокида ўтказилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Эстония Республикаси ЖПК бўйича шахсни ечинтириш билан боғлиқ гувоҳлантириш жараёнида нафақат холислар, балки унда иштирок этаётган суриштирувчи, терговчи, суд-тиббиёт мутахассиси ёки шифокор ҳамда бошқаларнинг ҳам гувоҳлантирилувчи шахс билан бир хил жинсли бўлишлари кераклиги тартибга солинган. Бу эса ушбу мамлакатда гувоҳлантирилувчи шахснинг бадани даҳлсизлиги ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилинишига алоҳида эътибор қаратилишидан далолат беради. Ушбу ҳолатлар С.А.Шейфер¹, Б.И.Сазонов², П.А.Лупинский³ ва бошқа олимларнинг шахсни ечинтириб, яланғочлаган ҳолда ўтказиладиган гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахслар билан бир хил жинсли холислар иштирок этиши лозимлиги ва гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахснинг шаъни ва қадр-қимматига, шунингдек унинг соғлиги учун хавфли бўлган ҳаракатлар содир этилишига йўл қўйилмаслиги кераклиги тўғрисидаги фикрлари нақадар асосли эканлигини кўрсатади. Ушбу қоидаларга амал қилмаган ҳолда ўтказиладиган гувоҳлантириш гувоҳлантирилувчи шахснинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказиши ва унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Юқорида зикр этилган ва таҳлил қилинган хорижий мамлакатларнинг ЖПКда гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича келтирилган турли хил қоидалардан келиб чиқиб, ушбу давлатларнинг айримларида кўрсатилган ва гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини таъминлашга ижобий таъсир этадиган (шу билан бир қаторда жиноят ишларини юритишда ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмайдиган) тажрибалардан фойдаланиш келажакда Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунида ҳам гувоҳлантирилувчи шахснинг Конституция ва қонунларда белгилаб берилган ҳуқуқларини етарли даражада ҳимоя қилишига пойдевор яратади, деб умид қиламиз.

¹ Қаранг: Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. — Самара, 2004. — С.80.

² Қаранг: Сазонов Б.И. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под общ. ред. В.И.Радченко. 2-е изд. — М., 2004. — С. 290.

³ Қаранг: Лупинский П.А. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. 3-е изд. — М., 1999. — С.323.

*Д. М. Миразов**

ФОРМИРОВАНИЕ СУДЕБНОГО КОНТРОЛЯ ЗА ПРИМЕНЕНИЕМ МЕР ПРИНУЖДЕНИЯ В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан предусматривает особые правила производства по делам о преступлениях несовершеннолетних (глава 60 УПК). Эти правила включают дополнительные гарантии и механизмы всестороннего исследования обстоятельств преступления и усиленной охраны прав и законных интересов несовершеннолетних, а также общепризнанные принципы и нормы международного права, закрепленные в Международной конвенции ООН по правам ребенка 1989 г. и Минимальных стандартных правилах ООН отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (известные как «Пекинские правила») 1985 г.¹

Среди международно-правовых актов в сфере обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых одно из основных мест занимают «Пекинские правила», призванные содействовать повышению воспитательного и предупредительного значения предварительного следствия и судебного разбирательства по делам о преступлениях несовершеннолетних. Установленные в них процессуальные гарантии нацеливают на то, чтобы любое дело в отношении несовершеннолетнего велось беспристрастно, без каких-либо задержек; предусматривают возможность прекращения дела по нереабилитирующим основаниям на досудебных этапах с тем, чтобы ограничить негативные последствия судебного разбирательства и приговора (предание огласке содеянного, судимость и др.). Они обязывают проводить судебное разбирательство таким образом, чтобы оно отвечало интересам несовершеннолетнего и обеспечивало ему возможность участвовать в нем и свободно излагать свои показания; требуют, чтобы должностные лица, ведущие производство по этим делам, обладали соответствующей квалификацией; предписывают уважать право несовершеннолетнего на конфиденциальность, ограждать его от причинения вреда из-за ненужной гласности. Отдельные рекомендации рассматриваемого международно-правового документа непосредственно предусматривают специальные гарантии при избрании меры пресечения. В совокупности они устанавливают принцип соразмерности («минимальной достаточности») при выборе мер воздействия в отношении несовершеннолетнего, учитывая тяжесть, мотивы и причины совершения деяния, особенности личности и другие обстоятельства дела.

За последние годы в Республике Узбекистан сделаны существенные шаги по совершенствованию законодательства, регулирующего права несовершеннолетнего, в частности, созданы основы национального законодательства, направленного на защиту интересов детей (Постановление Верховного Совета Республики Узбекистан «О

* Начальник кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

¹ См.: Узбекистан и международные договора по правам человека // Сборник международных договоров по правам человека, к которым присоединилась Республика Узбекистан. — Т., 1998. — С.16—43.

присоединении к Конвенции «О правах ребенка»; Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка»; Закон Республики Узбекистан «О присоединении Республики Узбекистан к Факультативному протоколу к Конвенции о правах ребенка, касающемуся торговли детьми, детской проституции и детской порнографии»; Закон Республики Узбекистан «О ратификации Конвенции о запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда»). Однако современное уголовно-процессуальное законодательство и практика его применения требуют дальнейшего развития в соответствии с международными стандартами по защите прав несовершеннолетних, вовлеченных в орбиту уголовного судопроизводства.

Обеспечение прав несовершеннолетнего подозреваемого, обвиняемого осуществляется не только наличием правовых норм, закрепляющих права этих участников уголовного судопроизводства, но и совокупностью органов, правомочных лиц, призванных обеспечивать их права и законные интересы. Таким образом, обеспечение прав вышеуказанных участников уголовного судопроизводства выступает как комплекс правовых явлений, обладающих свойствами, которые позволяют, реализуя права несовершеннолетнего подозреваемого, обвиняемого, достигать задач уголовного процесса.

Но не только специальные правила-процедуры применения мер пресечения обладают характером дополнительных процессуальных гарантий прав и законных интересов несовершеннолетних при избрании в отношении их меры пресечения. Эту же роль выполняют и иные особенности производства по данной категории дел. Прежде всего, это касается определенных требований закона к государственным органам и должностным лицам, осуществляющим уголовное судопроизводство, об обязательном участии в деле субъектов, обязанных обеспечивать права и законные интересы несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых.

Расследование преступлений, совершенных несовершеннолетними, производится следователями органов внутренних дел (ч. 5 ст. 345 УПК). Предварительное следствие проводится следователями органов внутренних дел и в тех случаях, когда дело о преступлении, совершенном несовершеннолетним, возбуждено после достижения им восемнадцатилетнего возраста. Главное, как отмечается в ст. 547 УПК, чтобы лицо, не достигло совершеннолетнего возраста к моменту совершения преступления. Поэтому вопрос о возрасте несовершеннолетнего отнесен к специальным обстоятельствам предмета доказывания по делам данной категории (п. 1 ч. 1 ст. 548 УПК).

Пленум Верховного суда Республики Узбекистан в п. 5 Постановления «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних» разъяснил, что лицо считается достигшим возраста, с которого наступает уголовная ответственность, не в день рождения, а по истечении суток, на которые приходится этот день, т. е. с нуля часов следующих суток. Необходимо уделять внимание наличию в материалах дела фотокопии свидетельства о рождении или паспорта подсудимого. При отсутствии указанных документов этот недостаток должен быть устранен в ходе судебного разбирательства. При установлении судебно-медицинской экспертизой возраста подсудимого днем его рождения считается последний день того года, который назван экспертами, а при определении возраста минимальным и максимальным числом лет суду следует исходить из предполагаемого экспертами минимального возраста такого лица.

Сформулированные Пленумом Верховного суда Республики Узбекистан правила определения возраста несовершеннолетнего основываются на положениях ст.26 Конституции Республики Узбекистан, в силу которой неустранимые сомнения в виновности лица толкуются в пользу обвиняемого. Чем меньше возраст несовершеннолетнего, тем более благоприятные для него условия при производстве по уголовному делу предусматриваются законом, включая специальные гарантии законности и обоснованности применения меры пресечения.

В целях обеспечения неуклонного соблюдения принципа законности и повышения профессионализма следователей ведомственными нормативно-правовыми актами регламентируется выделение отдельных сотрудников, специализирующихся на данном направлении следственной работы.

Изучение правоприменительной практики показывает, что несовершеннолетний, в отношении которого осуществляется расследование уголовного дела, в силу возрастных и психических особенностей во многих случаях упрощенно понимает свои права, а также способы их реализации. Поэтому должностное лицо, в производстве у которого находится уголовное дело такой категории, обязано более внимательно относиться к разъяснению несовершеннолетнему подозреваемому, обвиняемому его прав, их сущности, а также способов их обеспечения, указанных в УПК. При ознакомлении с материалами уголовного дела по окончании предварительного расследования необходимо участие защитника и законного представителя несовершеннолетнего, поскольку несовершеннолетний далеко не всегда способен самостоятельно понять суть ряда процессуальных документов.

Механизм уголовного судопроизводства, встроенный в систему власти правового государства, должен быть таким, чтобы ни один случай нарушения уголовного закона со стороны несовершеннолетних не оставался без реакции со стороны государства, общественных институтов, потерпевшего и, наконец, любого гражданина, но реакция эта должна быть гибкой, допускающей замену уголовной репрессии иными принудительными мерами.

В правовом государстве принуждение не самоцель и даже не основное средство, а лишь крайняя мера, к которой власть прибегает для предотвращения еще большего зла. Принуждение в отношении несовершеннолетних должно выступать не карой, а средством социальной коррекции их поведения.

Принудительные меры включают в себя меры, применяемые со стороны государственных структур, объективно ограничивающие конституционный правовой статус несовершеннолетнего, предположительно совершившего общественно опасное деяние, которые реализуются в рамках производства по уголовному делу и не связаны с исполнением уголовного наказания. Широкий подход к пониманию принудительных мер основывается, с одной стороны, на понимании процессуального принуждения как любого правомерного ограничения правового статуса гражданина, а с другой — на конституционном толковании термина «обвиняемый».

Признаки принудительных мер, применяемых в отношении несовершеннолетних, следующие:

- они применяются в связи с совершением несовершеннолетним общественно опасного деяния, запрещенного уголовным законом;
- урегулированы как нормами УПК, так и нормами других законодательных актов;

- реально ущемляют конституционные права и свободы несовершеннолетних лиц;
- применяются полномочными органами государства в пределах их компетенции;
- имеют конкретные цели, вытекающие из общих целей законодательства;
- применяются при наличии определяемых законом оснований;
- осуществляются в определенном порядке, гарантирующем законность и обоснованность их применения;
- не связаны с реализацией уголовного наказания;
- не имеют целью оказание психического или физического воздействия на несовершеннолетнего, совершившего общественно опасное деяние, а тем более причинение ему психических или физических страданий.

Принудительные меры, применяемые к несовершеннолетним в связи с предположением о причастности их к совершению преступления, включают в себя: меры пресечения; задержание; иные процессуальные меры принуждения; принудительные следственные действия; принудительные меры воспитательного воздействия.

Согласно ст. 558 УПК «при рассмотрении вопроса о возбуждении ходатайства о применении меры пресечения в виде заключения под стражу в отношении несовершеннолетнего прокурор обязан лично ознакомиться с материалами дела, проверить обоснованность ходатайства, убедиться в исключительности случая и допросить обвиняемого по обстоятельствам, связанным с применением данной меры пресечения».

Заключение несовершеннолетнего подозреваемого или обвиняемого возможно лишь при наличии обстоятельств, указанных в ст. 242 УПК. Существенное значение для применения данной исключительной меры пресечения имеют такие обстоятельства, как:

- повторность преступления;
- форма умысла;
- последствия, дерзость и агрессивность преступных действий;
- отрицательное поведение после совершения преступления;
- неопределенность повседневных занятий;
- прочные связи с преступниками и др.¹

Применение к несовершеннолетнему лицу заключения под стражу только тогда соответствует требованиям закона, когда совокупность обстоятельств, характеризующих содеянное, условия жизни и воспитания, среду, особенности личности несовершеннолетнего, его отношение к содеянному и последующее поведение, конкретно подтверждает, что данная мера пресечения является единственно возможной в данных условиях. Все вышеуказанные обстоятельства должны быть выяснены прокурором путем изучения материалов уголовного дела, личного допроса несовершеннолетнего лица до возбуждения ходатайства о заключении под стражу либо дачи согласия на ходатайство следователя.

Кроме того, международные стандартные правила ООН, в частности, подчеркивают, что содержание под стражей несовершеннолетних должно осуществляться в условиях изоляции их от источников уголовного влияния². Исходя из этого, в

¹ См.: Якубов А.С., Миразов Д.М. Комментарий к Закону Республики Узбекистан от 11 июля 2007 г. «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с передачей судам права выдачи санкции на заключение под стражу». — Т., 2007. — С.45.

² См.: Международно-правовые договоры по правам человека. — Т., 2002. — С.27–35.

определении суда о применении в отношении несовершеннолетнего лица меры пресечения в виде заключения под стражу должно быть указано о необходимости его содержания отдельно от взрослых, а также от осужденных несовершеннолетних.

Заключение под стражу, примененное к несовершеннолетнему субъекту, в наибольшей степени ограничивает его общий правовой статус. В связи с этим полагаем, что избрание данной меры пресечения в отношении несовершеннолетнего обвиняемого должно быть рассмотрено специально уполномоченным должностным лицом, которое и должно подойти к разрешению данного вопроса не с точки зрения сложившихся стереотипов в работе органов предварительного расследования, а на основе веских процессуальных оснований и индивидуального подхода.

Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов подчеркивает, что необходимо «реформировать судебную систему, с тем чтобы обеспечить независимость суда как полноценной самостоятельной ветви власти»¹. Следует отметить, что в целях реформирования и дальнейшего углубления демократических основ судебной системы, обеспечения справедливого и своевременного рассмотрения судебных дел, дальнейшего усиления гарантий защиты личных, политических, экономических, социальных прав и свобод граждан, а также внедрения специализации судов в республике образованы суды по гражданским делам и уголовным делам. В этом контексте мы поддерживаем мнение о целесообразности создания системы ювенальных (семейных) судов, которые должны обладать юрисдикцией районных судов по уголовным делам в отношении несовершеннолетних, а также предлагаем передать им функцию судебного контроля по делам несовершеннолетних. Создание ювенальных органов, применяющих принудительные меры к несовершеннолетним обвиняемым, должно быть сопряжено с формированием отдельной системы, которую составили бы не только государственные органы, но и институты гражданского общества.

В заключение хотелось бы отметить, что перед отечественной юридической наукой на сегодняшний день стоит ряд и других актуальных проблем, связанных с необходимостью дальнейшего совершенствования института применения мер принуждения в отношении несовершеннолетних, обвиняемых в совершении преступлений, которые требуют своего всестороннего детального изучения.

¹ Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Т.8. – Т., 2000. – С.334.

*Р. Кабулов**
*М.М. Қаландаров***

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЖИНОЙИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарликка оид жиноят қонунчилигининг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш натижасида бундай турдаги жиноятга қарши курашиш муаммоси жиноят ҳуқуқи, криминология ва бошқа ҳуқуқ соҳаси фанлари вакиллариининг ҳанузгача диққат-эътиборини тортмоқда. Ушбу жиноят билан боғлиқ муаммо дастлаб XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб назарий тартибга солина бошлаган. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти бугунги кунда ҳам умумий жиноятчилик тузилишида алоҳида ўзига хос тадқиқот объектларидан бири сифатида намоён бўлиши билан ҳам қизиқиш ўйғотади.

Таҳлил қилинаётган муаммога бағишланган дастлабки илмий тадқиқотлар собиқ иттифоқ даврида амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар ўша даврдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳимоя остига олган жиноят қонунчилиги ва суд-тергов амалиётининг таҳлили натижаларига асосланган.

Ўзбекистоннинг 1926 йил 16 июнда қабул қилинган биринчи кодификациялаштирилган жиноят қонуни асосида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш муаммоси бўйича махсус тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган. Аммо ўша даврдаги ҳуқуқшунос олимлар мазкур муаммонинг илмий-назарий жиҳатларини жиноят ҳуқуқи фани бўйича дарслик тайёрлашда ва жиноят қонунчилиги нормаларини шарҳлашда, шунингдек даврий юридик журнал, илмий-амалий конференция ва илмий мақолалалар тўпламларида тезис ёки мақола сифатида ёритганлар холос.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш муаммосига бағишланган дастлабки махсус илмий тадқиқот ишлари XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, собиқ иттифоқ республикаларининг 1959—1961-йилларда қабул қилинган Жиноят кодекси асосида амалга оширилган. Ушбу жиноят қонунларида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарликка оид нормаларнинг ўрнатилиши, мазкур муаммо бўйича криминологик, жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал йўналишдаги илмий тадқиқотлар олиб боришнинг фаоллашувига туртки бўлган.

Чунончи ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик (XX асрнинг 60—80-йилларида

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси.

В. Буларгин, Б.В. Даниэльбек, А.Ф. Зилинский, Б. Здравомыслов, Ю. Калинин, М. Корпыловская, Ю. Ляпунов, М. Муллаев, Г.Ф. Поленов, С.А. Тарарухин, В.И. Плохова, К.К. Фахрутдинов, И. Хакимов ва бошқалар, XX асрнинг 80–90 йилларда А.Аллабергенов, Л.Андреева, Б.Волженкин, Л.Д.Гаухман, В.У.Гузун, Ю.Ляпунов, В.Ткаченко ва бошқалар) ва уни квалификация қилиш (Б.Волженкин, А.Игнатов, А.К.Квашилава, Я.М.Козицин, С.С.Кокшаров, И.Кошева, Г.Кригер, А.А.Пинаев, А.Расулев, А.Светлов, В.Фельдблюм, А.С.Экмекчи, А.П.Аллабергенов, В.У.Гузун, Ю.И.Ляпунов ва бошқалар) мавзусига оид бир қанча илмий-назарий аҳамиятга эга тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу олимлар ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш жиноят таркибининг юридик таҳлилларини дарсликлар ва илмий мақолалар тўпламларида баён этиш билан бирга, махсус монографик ва диссертация тадқиқотлари олиб борганлар.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш муаммоси бўйича биринчи бўлиб, 1964 йилда Ю.В.Калинин номзодлик диссертацияси ишини ҳимоя қилган, унинг тадқиқот иши ўша замонда амалда бўлган РСФСРнинг Жиноят кодекси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида амалга оширилган.

Тадқиқотчи, ўзининг номзодлик диссертациясида қуйидаги ҳолатларни: ўзлаштириш, растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилишнинг ижтимоий хавфлилиги ва жиноий жавобгарликнинг ижтимоий шартланганлиги; ўзлаштириш, растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш талон-торож қилишнинг мустақил шакли эканлиги; улар ҳар бирининг тушунчасига илмий асосланган таърифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Ушбу жиноятларнинг таркибий (объектив ва субъектив) белгиларини; ўзлаштириш, растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиш жиноятлари учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифини таҳлил қилишда жиноят қонуни Умумий қисмида назарда тутилган бир қанча жиноят содир этишнинг алоҳида шакллари (такроран содир этиш)ни кўрсатиб берган; жиноятда иштирокчиликнинг турлари ва шакллари (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиш) билан узвий боғлиқликда бўлишини; талон-торож қилишнинг ўғрилиқ, босқинчилик, фирибгарлик, талончилик ва товламачилик каби турларини квалификация қилишдан фарқли улароқ, ишониб топширилган давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилишининг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, квалификация қилиш жараёнига алоҳида ёндашув бўлиш кераклигини илгари сурган; бундай жиноятлар учун жазо турларини оғирлаштириш ҳамда нисбий-муайян миқдорларини кўпайтириш зарурлиги ва яна бошқа ҳолатларни ҳам ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистонда 1964 йилда амалда бўлган Жиноят кодекси ва суд-тергов амалиётининг материаллари асосида илк бор ўзбек ҳуқуқшунос олими И.Х.Ҳакимов томонидан «Давлат ва кооператив савдо тизимида ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан содир этиладиган талон-торож қилишга қарши кураш» мавзуида номзодлик диссертацияси амалга оширилган.

Тадқиқотчи ўша замонда мавжуд бўлган илмий-назарий адабиётларни таҳлил қилиб ва ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонуни нормаларининг амалиётда қўлланилишини ўрганиб чиқиб, талон-торож қилиш, ўзлаштириш ва растрата қилишнинг жиноий-ҳуқуқий тушунчаларини ёритиб берган,

шунингдек, амалиётда ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-хуқуқий нормаларни қўллаш жараёнида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни таҳлил қилиш асосида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини квалификация қилиш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга жазо тайинлаш бўйича илмий асослантирилган тавсияларни ишлаб чиққанлиги ўша давр жиноят ҳуқуқи назариясининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлигидан далолат беради.

1965 йил Украинада ушбу йўналишда С.А.Тарарухин «Ўзлаштириш, растрата ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш» мавзусида тадқиқот ишини олиб борган. У ўзининг диссертациясида ўзлаштириш, растрата ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан социалистик мулкни талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарликнинг жиноий-хуқуқий жиҳатига эътибор қаратиб, Киев шаҳри суд-тергов амалиёти ва Украина Жиноят кодексининг таҳлили асосида ушбу турдаги жиноятларнинг жиноий-хуқуқий тавсифи, оғирлаштирувчи ҳолатларнинг юридик таҳлили ҳамда бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқи ва квалификация қилиш хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилган. Муаллифнинг ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш борасида ишлаб чиққан илмий хулосалари илгари ушбу муаммо юзасидан номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган Ю.В.Калинин билдирган ёндашувларга деярли мос келади. Шу билан бирга, муаллиф ўзлаштириш, растрата ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан социалистик мулкни талон-торож қилиш жиноятининг турдош ва бевосита объектларини аниқлашда ўзининг мустақил ёндашувини билдириб, ушбу жиноятнинг турдош объекти сифатида ўша давр шўролар жамияти иқтисодий негизининг асосий қисмини ташкил этувчи социалистик мулккий муносабатлар эътироф этилган. Унинг бевосита объекти бўлиб эса, бошқа шахслар (моддий жавобгар ва мансабдор шахслар)га мулк ҳуқуқини бермаган ҳолда, уларга эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш ваколати ишониб топширилганлиги муносабати билан юзага келадиган социалистик мулккий муносабатлар ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги сифатида илмий-амалий таҳлил қилиш асосида «ишониб топширилган мулк»нинг таърифи ишлаб чиқилганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бу эса ўша замонда социалистик мулкни ишониб топширилаётганлиги билан боғлиқ келиб чиқадиган муаммоларга чек қўйилишига замин яратган. Муаллиф тадқиқот ишининг якунида ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган.

Ўзлаштириш, растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан социалистик мулкни талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг самарадорлигини ошириш борасида 1978 йили Россия Федерациясининг Свердловск юридик институтида тадқиқот олиб борган В.И.Плохованинг диссертацияси эътиборга сазовордир. Ушбу тадқиқот ишида муаллиф ўша замонда амалда бўлган ўзлаштириш, растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш учун жавобгарликка оид жиноят қонунчилиги ва Россия Федерацияси Свердловск вилояти суд амалиёти асосида мазкур талон-торож қилиш шакллари тушунчасини, ижтимоий хавфлилиги ва жавобгарликнинг ижтимоий шартланганлигини ўрганиб чиққан. Ушбу муаммо бўйича илгари олиб борилган тадқиқот ишларидан фарқли равишда, илк бор давомли ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш масалаларини тадқиқ қилиб, уни такроран талон-торож содир

этишдан фарқини кўрсатиб берган. Ушбу тадқиқот ишининг ютуқларидан яна бири бу 1959 йилги РСФСР Жиноят кодекси 92-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган «такроран» ёки «группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» ўзлаштириш, растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда айбдор шахсларга, қонунда назарда тутилган жазолар ўрнига енгилроқ жазо тайинлашни илгари сурганлигидир. Бу ҳолат ўша давр, яъни давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарликни оғирлаштириш талаб қилинган пайтда жазони енгиллаштириш лозимлигининг таъкидланиши жиний жазоларни либераллаштириш ғоясининг илк куртаклари эди, деса бўлади.

XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Жиноят кодекси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган, «Мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан социалистик мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарлик»нинг жиний-ҳуқуқий ва криминологик муаммоларига бағишланган навбатдаги диссертация тадқиқоти амалга оширилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида 1982 йилда А.П.Аллабергенов томонидан ҳимоя қилинган мазкур номзодлик диссертацияси¹ тўрт бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи боби мансабни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилишга оид норманинг шаклланиши ва ривожланиши тарихига бағишланган. Иккинчи бобда социалистик мулкка тажовуз қилишларнинг умумий тавсифи, унинг тушунчаси ва турлари қисқача баён этилган бўлиб, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган талон-торожнинг ижтимоий хавфлилиги, жиний таркиби тушунчаси ва таҳлиliga бағишланган, унда ушбу жинийнинг тушунчасига ўша замонда мавжуд бўлган юридик адабиётлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тажрибасига таянган ҳолда таъриф берилган, шу билан бирга хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган талон-торож қилиш жинийи Ўзбекистоннинг (1959 йилги) Жиноят кодексида ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинийи билан бир жиний-ҳуқуқий моддада (ўша даврларда бошқа республикаларнинг жиний қонунчилигида хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш ўзлаштириш ёки растрата қилиш билан битта нормада назарда тутилган эди) назарда тутилмай, балки алоҳида махсус жиний-ҳуқуқий нормада белгиланганлиги асослаб берилган. Шу билан бир қаторда ушбу бобда мазкур жинийнинг объектив ва субъектив белгилари таҳлил қилиб чиқилган. Учинчи боб эса, мансабни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинийининг ўғрилиқ, ўзлаштириш, растрата қилиш ва мансабдорлик жинийларидан фарқли томонларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон суд-тергов амалиётида ушбу жинийларни бир-биридан ажратиш жараёнида учрайдиган камчиликлар ва хатолар асосида таҳлил қилинган, ушбу жинийларни тўғри квалификация қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, ушбу бобда тадқиқ қилинган жинийнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинийининг хавфлилик даражасига нисбатан юқори ва оғирлигини инобатга олиб, ушбу турдаги жиний ва унинг оғирлаштирувчи ҳолатлари учун оғир жазо тайинлаш масалаларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

¹ Қаранг: *Аллабергенов А.П.* Ответственность за хищение социалистического имущества, совершенное путём злоупотребления служебным положением, по уголовному законодательству Узбекской ССР: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — Т., 1982. — С. 18.

Ушбу тадқиқот ишининг яқунловчи бобида мансабни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган талон-торож қилиш жиноятининг криминалогик жиҳатлари: жиноятнинг ҳолати, даражаси, динамикаси, уни содир этган шахснинг демографик ҳолатларига, жиноятни содир этишга ундайдиган сабаб ва шароитлар, ушбу жиноятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши кураш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ривожланишининг янги босқичга ўтиши, собиқ иттифоқнинг парчаланиши натижасида унинг таркибида бўлган республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритиши, уларда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши пировардида мулкка нисбатан янгича қарашнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Мустақилликка эришган республикаларда янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши жиноят ҳуқуқи ва криминалогия фани вакилларида ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш муаммосига нисбатан янада қизиқиш уйғотди.

Чунончи, 1996 йили Россия Федерацияси ИИВ юридик институтида В.Н.Дерендяев томонидан «Ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш учун жинойий жавобгарлик» мавзуси бўйича диссертация ҳимоя қилинган¹. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундаки, унда Россия Федерациясида коррупциядан холи бўлган замонавий ва ривожланган бозор муносабатларини шакллантириш ҳамда иқтисодиётни қайта қуриш жараёнида вужудга келаётган ижтимоий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда юз бераётган ўзгаришлар асосида ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик муаммоси тадқиқ қилинган. Таъкидлаш жоизки, муаллиф диссертация ишини 1996 йилда қабул қилинган РФ ЖК асосида амалга оширган.

Мазкур тадқиқот ишида муаллиф томонидан РФнинг амалдаги фуқаровий кодексига мувофиқ ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишнинг тажовуз предмети ва объектини янада аниқроқ тавсифлаш, уюшган гуруҳ томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишни квалификация қилишга янгича ёндашув ҳақидаги масалаларини таҳлил қилинган. Ҳимояга олиб чиқилган бошқа қоидалар, яъни ушбу жиноятнинг объектив белгиси ҳисобланган «ўзлаштириш» тушунчасининг мазмуни, талон-торож қилишнинг «ғаразли мақсади», «қонунга хилоф равишда ўзганинг мулкни олиб қўйиш», «мулкнинг ўрнини қопламасдан олиб қўйиш», «ўзганинг мулкни ўз ёки бошқа шахслар фойдасига қаратиб олиш» каби тушунчаларнинг таҳлил қилиниши, давомли ва такроран талон-торож қилишларнинг фарқли томонлари ҳақидаги масалалар олдинги ҳимоя қилинган диссертация ишларида ҳам батафсил ёритилган. Шу билан бирга, В.И.Дерендяев томонидан «ҳужжатларни сохталаштириб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш» каби оғирлаштирувчи ҳолатни РФ ЖК 160-моддасининг иккинчи қисмига киритиш тўғрисидаги таклифи 1982 йилда ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олим А.П.Аллабергенов томонидан илгари сурилган эди².

¹ Қаранг: *Дерендяев В.Н.* Уголовная ответственность за присвоение вверенного имущества: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1996. — С. 23.

² Қаранг: *Аллабергенов А.П.* Ўша манба. — С. 18.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан содир этилган талон-торож қилишга қарши курашиш муаммоси бўйича 2000 йилда «Бозор муносабатларини шакллантириш шароитларида ўзлаштириш ёки растрата» номли мавзу бўйича номзодлик диссертацияси ишини А.В.Шульга амалга оширган¹. Унда, янги иқтисодий шароитларда талон-торож қилишнинг мустақил шакллари ҳисобланган ўзлаштириш ёки растрата қилиш тушунчаси ва белгилари, хусусиятлари (юридик табиати), оғирлаштирувчи ҳолатларининг юридик таҳлили ҳамда ўзлаштириш ёки растрата қилишнинг бошқа ўхшаш жиноятлар билан ўзаро муносабати таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқот ишнинг эмпирик асосини Краснодар ўлкасининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ташкил қилган.

2001 йилда Россия Федерациясида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари бўйича Е.П.Нелезина томонидан номзодлик диссертация иши² амалга оширилди ва унда тадқиқотчи, кредит-банк тизимида ўзлаштириш ва растрата қилиш билан курашишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик чоралари юзасидан тадқиқот олиб борган. Тадқиқотчи томонидан банк-кредит тизимида ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятининг ҳозирги замондаги мазмуни ва криминологик ҳолати, уларнинг олдини олиш чоралари ҳамда банк-кредит тизимида содир этилаётган ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Е.П.Нелезина томонидан амалга оширилган тадқиқот ишининг эмпирик асосини Краснодар ўлкаси, Москва, Воронеж, Санкт-Петербург ва Нижегород вилоятларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари ташкил қилган. Мазкур тадқиқот ишида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар 1996 ва 2000 йилларда ушбу муаммо юзасидан ҳимоя қилинган, тегишинча В.Н.Дерендяев ва А.В.Шульгаларнинг ўз диссертацияларида билдирган таклифларига деярли ўхшаб кетади. Бироқ унинг криминологик хусусиятлари олдинги тадқиқот ишларидан тубдан фарқ қилган ҳолда ўрганиб чиқилганлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар қизиқиш уйғотади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашишнинг алоҳида махсус муаммосига бағишланган илмий тадқиқот сифатида 2003 йил Россия Федерациясида Д.П.Шараповнинг «Уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган, ўзлаштириш ёки растрата қилиш билан курашишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик чорлари» мавзuida ҳимоя қилган номзодлик диссертацияси³ эътиборга лойиқдир. Ушбу тадқиқот ишида муаллиф мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий ва профилактик чораларни такомиллаштиришда янги ёндашувларни тавсия қилишга уринган. Шу билан бирга, тадқиқотчи уюшган гуруҳ томонидан содир этилган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш тўғрисидаги суд амалиёти материалларини ўрганиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларини таҳлил қилиш

¹ Қаранг: *Шульга А.В.* Присвоение или растрата в условиях становления рыночных отношений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар, 2000. — С. 24.

² Қаранг: *Нелезина Е.П.* Уголовно-правовые и криминологические меры борьбы с присвоением и растратой в кредитно-банковской системе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — М., 2001. — С. 24.

³ Қаранг: *Шарапов Д.П.* Уголовно-правовые и криминологические меры борьбы с присвоениями и растратами чужого имущества, совершаемыми организованными группами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — М., 2003. — С. 22.

асосида ҳуқуқни қўллаш амалиёти фаолиятида «уюшган гуруҳ» ва «жиной уюшма» тушунчаларини талқин қилишда йўл қўйилаётган камчилик ва хатоларнинг сабабларини ўрганган ва таснифлаб берган.

Мазкур тадқиқот ишида, ҳимояга олиб чиқилган «юридик шахснинг таъсисчиларидан бири томонидан мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳолати ўзганинг мулкни талон-торож қилиш сифатида тан олиними лозим. Чунки, юридик шахснинг устав жамғармасига таъсисчилардан бири ўзининг улушини қўшганидан сўнг, ушбу воситалар муайян таъсисчининг мулки бўлиб эмас, балки қайта ташкил этилган юридик шахснинг мулки ҳисобланади» деб тавсия қилинаётган ҳолат бизда қизиқиш уйғотади. Мазкур мулоҳазалар устида янада чуқуроқ фикр юритиш ва мунозара олиб бориш зарурлиги талаб этилмоқда. Чунки тадқиқотчи билдираётган фикр баҳсли бўлиб, ушбу ҳолат муаллиф томонидан ҳиссадорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ ўрганиб чиқилмаганлиги оқибатида юзага келган. Фикримизча, таъсисчи ёки ҳиссадорлар томонидан мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳолатини ўзгалар мулкни талон-торож қилиш деб баҳолаш учун таъсисчилар ва оддий ишчилар ўртасида тузилган шартномалар, таъсисчилар кенгашининг қарорлари ва ушбу ташкилотнинг низом ва дастури ҳар томонлама ўрганиб чиқилиши зарур.

Таҳлил қилинаётган муаммога бағишланган навбатдаги тадқиқот иши 2004 йилда А.А.Бакрадзе томонидан амалга оширилган¹. Тадқиқот ишининг асосий вазифаси сифатида Россия жиноят ҳуқуқида ўзлаштириш ёки растрата қилиш тушунчаси, унинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ва квалификация қилиш хусусиятлари ҳамда жиноят қонунчилигида ушбу турдаги жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш белгиланган. Тадқиқот ишида А.А.Бакрадзе ўзлаштириш ва растрата қилиш талон-торожнинг мустақил шакллари эканлигини қайд этиш, растрата қилишни ўзлаштиришдан фарқли равишда алоҳида моддада назарда тутилишини истамаган ҳолда, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини ўзлаштиришга нисбатан юқорилигини билдиради. Унинг бундай ҳолларни суд амалиётида жазо тайинлаш жараёнида инобатга олиш зарурлиги ҳақидаги тавсиялари диққатга сазовордир. Шу билан бирга, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи ҳолатлардан ҳисобланган «фуқароларга анча миқдорда зарар етказиш» ёки «фуқароларга кўп миқдорда зарар етказиш»ни тўғридан-тўғри «анча миқдорда зарар етказиш» ва «кўп миқдорда зарар етказиш»га ўзгартиришни, шунингдек, ўта оғирлаштирувчи ҳолат сифатида «жуда кўп миқдорда зарар етказиш» белгисини киритишни таклиф қилган. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддасида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг ушбу турлари олдиндан белгилаб берилганлиги РФ ЖКга нисбатан олдиндан пухта ишлаб чиқилганидан далолат беради.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашиш муаммосига бағишланган ва эътиборимизни ўзига қаратган тадқиқот ишларидан яна бири — Д.К. Магарамов томонидан 2005 йилда ҳимоя қилинган диссертация иши ҳисобланади². Мазкур тадқиқот иши 1997–2004 йилларда Россия Федерациясининг Дағистон

¹ Қаранг: *Бакрадзе А.А.* Присвоение и растрата как формы хищения в уголовном праве России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — М., 2004. — С. 24.

² Қаранг: *Магарамов Д.К.* Присвоение или растрата: уголовно-правовые и криминологические проблемы (по материалам Республики Дагестан): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — М., 2005. — С. 24.

Республикаси ҳуқуқни қўллаш амалиётининг фаолиятини ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш натижасида амалга оширилган. Тадқиқотчи ўз ишида ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаб, унинг олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, ушбу турдаги жиноятларга қарши жиноий-ҳуқуқий кураш чораларини такомиллаштириш мақсадида, Д.К.Магарамов томонидан юқорида таҳлил қилинган тадқиқот ишларидан фарқли ўлароқ биринчи бор ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятларини алоҳида жиноят таркибларига ажратишни, яъни РФ ЖК 160-моддасида ўзганинг мулкни ўзлаштириш ва ЖК 160¹-моддасида ўзганинг мулкни растрата қилиш учун жиноий жавобгарликлар белгиланишини таклиф қилган. Ушбу таклифнинг таҳлили тадқиқотчи ушбу турдаги жиноятларни ишониб топширилган мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қаратиб олганидан сўнг, мулкни бегоналаштирилиши ёки бегоналаштирилмаганлиги белгисига кўра уларни ажратганлигини кўрсатади. Назаримизда, бундай тартибда ушбу жиноятларни алоҳида жиноят таркибларига ажратиш, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларининг хусусиятларини аниқлашда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Тадқиқотчи билдирган фикрни инкор этган ҳолда, ушбу масаланинг ечимини тўғри ҳал этиш учун алоҳида таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши кураш муаммоси бўйича амалга оширилган илмий изланишлар юқорида таҳлил қилинган тадқиқот ишлари билан чекланиб қолмайди. Ушбу муаммо юзасидан кейинги йилларда ҳам тадқиқот ишлари нафақат Россия Федерацияси, балки МДҲнинг бошқа республикаларида ҳам олиб борилган. Жумладан, 1991 йилда О.В.Белокуров¹ ва С.А.Тропин²лар, 2002 йилда И.О.Селиванов³, 2003 йилда Н.Д.Эриашвили⁴, 2005 йилда О.И.Годунов⁵, 2006 йилда А.Ю.Посохов⁶, 2007 йилда А.С.Касимова⁷ ва 2009 йилда Д.Ю.Скрипников⁸лар номзодлик диссертациялари ҳимоя қилганлар. Ушбу тадқиқот ишларида илгари сурилган ғоялар юқорида таҳлил қилинган тадқиқот ишларида ёритиб ўтилганлиги боис уларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топмадик. Аммо, ушбу ишларнинг ҳар бири мустақил

¹ Қаранг: *Белокуров О.В.* Ответственность за хищение, совершенное путем присвоения, растраты или злоупотребления служебным положением (вопросы квалификации): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — М., 1991. — С.20.

² Қаранг: *Тропин С.А.* Ответственность за хищение, совершенное путем присвоения или растраты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1991. — С.24.

³ Қаранг: *Селиванов И.О.* Присвоение или растрата: уголовно-правовые и криминологические аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Калининград, 2002. — С.26.

⁴ Қаранг: *Эриашвили Н.Д.* Присвоение или растрата чужого имущества как формы хищения (уголовно-правовой анализ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2003. — С.28.

⁵ Қаранг: *Годунов О.И.* Присвоение и растрата как формы хищения: уголовно-правовой и криминологический анализ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Иваново, 2005. — С.20.

⁶ Қаранг: *Посохов А.Ю.* Присвоение и растрата как формы хищения в малом предпринимательстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2006. — С. 22.

⁷ Қаранг: *Касимова А.С.* Хищение чужого имущества с использованием служебного положения: уголовно-правовые и криминологические аспекты (по материалам Республики Казахстан): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2007. — С.28.

⁸ Қаранг: *Скрипников Д.Ю.* Присвоение и растрата как способы изъятия и обращения чужого имущества, вверенного виновному: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2009. — С. 24.

ҳолда ишланган бўлиб, алоҳида минтақада ва ҳудуднинг суд-тергов амалиёти ҳамда ўша ҳудудларда содир этилаётган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасида ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий муаммоси бўйича 2009 йил илк бор амалдаги Жиноят кодекси ва республикамининг суд-тергов амалиёти таҳлили асосида Тошкент Давлат юридик институтида У.М.Мирзаев¹ томонидан амалга оширилган тадқиқот иши диққатга сазовордир. Ушбу тадқиқот иши асосан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш тушунчаси, юридик таҳлили, улар учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи, квалификация қилиш ва уларни содир этганлик учун жазо тайинлаш муаммоларини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотчи республикада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг ривожланишида белгиланган истиқболлар асосида ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги ва тажовуз объектининг жамият учун муҳимлигини аниқлаб беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, мазкур муаммо бўйича у илмий-назарий адабиётларни таҳлил қилиб ва ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунчилиги нормаларини амалиётда қўлланилиши, талон-торож қилиш, ўзганинг мулкани ўзлаштириш ҳамда ўзганинг мулкани растрата қилишнинг жиноят-ҳуқуқий тушунчаларини ишлаб чиққан ва ушбу жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берган. Шу билан бирга, тадқиқотчи жиноят ҳуқуқи фанида эришилган ютуқлар ва амалиётда ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш жараёнида йўл қўйилаётган хатоларни инobatга олган ҳолда ва олиб борилган махсус илмий-социологик тадқиқотлар натижаси асосида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини квалификация қилиш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга суд томонидан адолатли жазо тайинлаш бўйича илмий асослантилган тавсияларни ишлаб чиққан.

Мазкур тадқиқот ишининг асосан жиноий-ҳуқуқий муаммога бағишланганлиги ва унда берилган айрим таклиф ва тавсиялар бўйича жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд-тергов амалиётида мавжуд алоҳида фикрлар баҳсли ва мунозарали эканлигини инobatга олиб, ушбу муаммо бўйича янада чуқурроқ илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади.

Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларнинг кескин ўзгариб бориши юқорида таҳлил этилган тадқиқот ишларидаги камчиликлар ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга қарши жиноий-ҳуқуқий ва криминологик чоралар билан курашишнинг ҳозирга қадар долзарблигини йўқотмаганлигини кўрсатади ҳамда ушбу муаммонинг ечимини топиш ҳуқуқшунослар ва амалиётчиларнинг диққат-эътиборида эканлигидан далолат беради.

¹ Қаранг: *Мирзаев У.М.* Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореферати. — Т., 2009. — 28-б.

А. А. Отажонов*

ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, аввало инсон манфаатларини олий қадрият сифатида тан олиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва мавжуд ҳуқуқий нормаларни амалга татбиқ этишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда қонун нормаларини эркинлаштиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан «мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди»¹. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек «... агарки биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазаб янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз»². Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини бугунги кун шароитига мос, жамият барча тармоқларининг шарт-шароитлари билан узвий боғлиқ ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида жиноят қонуни ҳам мунтазам такомиллашиб бормоқда. Бироқ шунга қарамай, жиноят қонунида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундай муаммолар қаторида жиноятга дахлдорлик институти муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, жиноятга дахлдорлик институти жинойий-ҳуқуқий воситалар орқали жиноятларнинг олдини олишда алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур институт имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, тайёргарлик кўрилаётган, содир этилган ёки содир этилаётган жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишига ва туб маънода жиноятларнинг олдини олишга сезиларли даражада кўмаклашади.

Ўз навбатида, ҳозирги кунда жиноятга дахлдорлик институтини комплекс таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотларда ушбу институтнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича берилган бу таклифлар, *биринчидан*, унинг Умумий қисмига ва *иккинчидан*, Махсус қисмига тааллуқли ҳисобланади. Жумладан, А.В.Зарубин³ ва

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. — Т., 2008. — 40-б.

² *Каримов И. А.* Асосий вазифамиз — Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т., 2010. — 22-б.

³ Қаранг: *Зарубин А. В.* Уголовно-правовое регулирование прикосновенности к преступлению: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Красноярск, 2004. — С. 5.

Е.В.Пономаренко¹лар Жиноят кодекси Умумий қисмида жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва шакллари белгиланиши лозимлиги ҳақида фикр билдириб, жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва шакллари Умумий қисмининг битта нормасида белгиланган ҳолда «Жиноятга дахлдорлик учун жавобгарлик» деб номлашни таклиф қилади.

Мазкур норманинг биринчи қисми, жиноятга дахлдорлик институтининг тушунчаси ва жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш асосини (*жиноятга дахлдор бўлганлиги учун жавобгарлик Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаларида назарда тутилади*); иккинчи (*жиноятни яшириш*), учинчи (*жиноятга йўл қўйиш*) ва тўртинчи (*жиноят ҳақида хабар бермаслик*) қисмлари эса жиноятга дахлдорлик шакллари тушунчаси ва белгиларини очиб беришга бағишланади.

Бироқ фикримизча, жиноятга дахлдорлик институтининг бу каби ҳуқуқий тартибга солиниши ушбу институт имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва суд-тергов амалиётида мавжуд муаммоларни бартараф этишда ижобий самара бера олмайди. Чунки *биринчидан*, битта нормада жиноятга дахлдорлик институтини комплекс ҳолда ҳуқуқий тартибга солишнинг самараси юқори бўлмайди, унда норма жуда кенг ва мураккаб тарзда ифодаланиб қолиши мумкин (*бу эса, ушбу институт моҳиятини тушунишни мураккаблаштиради*), *иккинчидан*, олимлар томонидан тавсия қилинаётган норма жиноятга дахлдорликнинг барча белгиларини ўзида акс эттира олмайди (*жиноятга дахлдор бўлганлиги учун жавобгарликка тортилмайдиган шахсларнинг рўйхатини аниқлаш, жиноят ҳақида хабар бермаслик қандай тоифадаги жиноятларга нисбатан содир этилиши ва бошқ.*).

Назаримизда, мазкур институт самарадорлигини янада ошириш, қилмишга тўғри баҳо бериш ва жиной-ҳуқуқий таъсир чораларини ошириш мақсадида, жиноятга дахлдорлик институтининг ҳозирги шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис, қонунларимизда мазмун жиҳатдан айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган атамаларни қўллашдан воз кечиш керак.

Масалан, бундай атамалардан бири жиноят қонунида фойдаланилган «жиноятчи» атамаси ҳисобланади. Шубҳасиз, жиноят қонунида «*жиноятчи*» атамасидан фойдаланиш, амалиёт ва назарияда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки жиноят қонуни шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бошқа ижтимоий муносабатларни бир хил ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакатимиз Конституциясида ҳам мустаҳкамланган, унда шахснинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолати таъминланган. Шулардан бири Конституция 26-моддасининг биринчи қисмида белгиланган бўлиб, унда: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди», дейилган. Мазкур конституциявий нормага асосан, ҳар бир шахс, гарчи у жиноят содир этишда гумон қилинаётган бўлишига қарамай, айби судда исботланмагунга қадар, жиноятчи (айбдор) деб топилиши мумкин эмас.

¹ Қаранг: Пономаренко Е.В. Некоторые теоретические и законодательные проблемы прикосновенности к преступлению по уголовному праву Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2007. — С. 6.

Шу боис, ўз навбатида, А.С.Якубов «... жиноят қонуни: *биринчидан*, муайян жиноят таркибини белгилаш ва уни содир этган шахсни жиноятчи деб топиш фақат қонунга асосан амалга оширилиши; *иккинчидан*, шахсинг жиноятчи деб топилиши ва унинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган жиноий жавобгарликка, жазо ёки бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларига дучор бўлиши фақат суднинг айблов ҳукми бўйича амалга оширилиши лозим»⁵ лигини эътиборга олишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Демак, фикримизча жиноятга дахлдорлик ва у билан боғлиқ бошқа нормаларни тузишда «*жиноятчи*» атамасидан фойдаланмаган ҳолда, унинг ўрнига «*жиноят содир этган шахс*» атамасидан фойдаланиш мантиқан тўғри бўлади.

Ушбу нуқтаи назардан биз Жиноят кодекси Умумий қисмида жиноятга дахлдорлик институтини белгилашда унинг тушунчаси ва белгиларини ҳамда унинг шакллари алоҳида нормаларга ажратган ҳолда қуйидагича мустаҳкамлаб қўйилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

«31-модда. Жиноятга дахлдорлик

Жиноятга тайёргарлик кўриладиганлиги, содир этиладиганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят изларини ёки уни содир этган шахсни яшириш, шунингдек жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича мажбурият юклатилган шахсинг содир этиладиган жиноятларга тўсқинлик қилмаслиги жиноятга дахлдорлик деб топилади.

Жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар ушбу Кодекс Махсус қисмида алоҳида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаганлик ёки яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари, шунингдек қонун ҳужжатларига кўра, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар (қонунга мувофиқ жабрланувчи ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнида) жавобгарликка тортилмайди.

31¹-модда. Жиноятга дахлдорликнинг шакллари

Жиноятга дахлдорлик: жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаслик, жиноят ёки уни содир этган шахсларни яшириш, жиноятга йўл қўйиш шаклида бўлади.

Жиноятга тайёргарлик кўриладиганлиги, содир этиладиганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаслик деб топилади.

Жиноят содир этган шахсларни ёки жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини, шунингдек жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яшириш, жиноят ёки уни содир этган шахсларни яшириш деб топилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, унинг олдини олиш ва баратараф қилиш юзасидан вазифа юклатилган шахсинг тайёргарлик кўриладиган ёки содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан унинг олдини олиш ёки

⁵ Қаранг: Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. — Т., 1995. — С. 12—13.

бартараф қилиш имкониятларига эга бўлган ҳолда, тўсқинлик қилмаслиги жиноятга йўл қўйиш деб топилади».

Ўз навбатида, жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш ва уларни Жиноят кодекси Махсус қисмида жойлаштириш муаммоси назария ва амалиётда мунозарали ҳолатни ташкил этади.

Шу маънода олимларнинг жиноятга дахлдорликка оид қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эътиборга лойиқдир. «Таъкидлаш жоизки, деб ёзади Н.С.Косякова ва А.Д.Макаровлар, — жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик ЖК Махсус қисмининг «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» бўлимида акс эттирилиши ва унда фақат жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш учун жавобгарлик назарда тутилиши керак¹.

А.В.Зарубин ва Е.В.Пономаренколар, аксинча, жиноятга дахлдорликнинг барча шакллари учун Махсус қисм нормаларида жавобгарлик назарда тутилиши билан бирга, уларнинг барчаси «Одил судловга қарши жиноятлар» бобида белгиланишини таклиф этганлар².

Шу нуқтаи назардан жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятлар учун Жиноят кодекси Махсус қисмида жинойий жавобгарлик белгилашда, *биринчидан*, унинг объектини инобатга олиш ва, *иккинчидан*, мазкур институтнинг ишлаш механизми самарадорлигини ошириш учун хизмат қилувчи нормаларни ҳам ишлаб чиқишга эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, амалдаги жиноят қонунида жиноятга дахлдорликнинг шакллари учун жавобгарлик Махсус қисмининг турли бўлим ва бобларида назарда тутилган. Масалан, жиноятга йўл қўйганлик учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 208-моддаси «Ҳоқимият ҳаракатсизлиги»нинг таркибий қисми сифатида белгиланган. Зеро, бу моддада мантиқий талаблар бузилган ҳолда қонунчилик техникаси қоидаларига зид равишда ғоявий-ҳуқуқий жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган икки ҳуқуқий ҳодиса аралаштириб юборилган. Шу сабабли, ҳоқимият ҳаракатсизлиги ва жиноятга йўл қўйиш алоҳида моддада белгиланиб, махсус жавобгарлик чораси назарда тутилиши керак.

Ўз навбатида, В.Н.Кудрявцев ҳақли равишда «агар жинойий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиш жараёнини инобатга олсак, албатта, жиноят таркиби ва жиноят субъекти имкониятлари доирасини инобатга олиб, қонун ҳимоя остига олган ижтимоий муносабатнинг тузилишидан келиб чиқувчи жиноят объектига устунлик бериш лозим»³, деб ҳисоблайди. Шу боис, жиноятга йўл қўйганлик учун жавобгарлик жиноят қонунининг «Одил судловга қарши жиноятлар» бобида мустаҳкамланиши керак.

¹ Қаранг: *Косякова Н.С.* Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2001. — С. 18; *Макаров А. Д.* Уголовная ответственность за прикосновенность к преступлению: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2004. — С. 17—18.

² Қаранг: *Зарубин А.В.* Уголовно-правовое регулирование прикосновенности к преступлению: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Красноярск, 2004. — С. 10—12; *Пономаренко Е.В.* Некоторые теоретические и законодательные проблемы прикосновенности к преступлению по уголовному праву Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2007. — С. 9.

³ Қаранг: *Кудрявцев В.Н.* Общая теория квалификации преступлений. 2-е изд., перераб. и дополн. — М., 2004. — С. 137.

Шунингдек, бу борада, В.Н.Зирянов ҳам: «...Ҳар қандай жиноятга йўл қўйиш жиноят содир этилишига шароит яратади. Шу боис, жиноятга йўл қўйилишига зарур ҳолатларда таъсир этиш учун, уни муайян жинойий ҳодиса сифатида қонунчиликда алоҳида белгилашимиз зарур»,¹ — деб бизнингча, тўғрироқ бўлган фикрни таъкидлаб ўтган.

Шунинг учун тайёргарлик кўрилайтган ёки содир этилаётган жиноятларга ваколатли мансабдор шахслар томонидан тўсқинлик қилишда уларнинг мажбурият ҳиссини янада ошириш мақсадида, жиноятга йўл қўйганлик учун жавобгарликни ҳам Жиноят кодексининг алоҳида моддаси орқали тартибга солиб, уни қуйидагича белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз:

«Жиноятга йўл қўйиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, унинг олдини олиш ва бартараф қилиш юзасидан вазифа юклатилган мансабдор шахснинг тайёргарлик кўрилайтган ёки содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш имкониятларига эга бўлган ҳолда уларнинг олдини олиш ёки бартараф қилиш чораларини кўрмаслиги —

... билан жазоланади».

Бундан ташқари, жиноятга дахлдорлик жиноят ҳақида хабар бермаслик ва уни яширганлик учун жавобгарлик белгилашда, гарчи маълум маънода дахлдорликнинг умумий белгилари ҳисобга олинган ҳамда унинг бир қатор ижобий жиҳатлари мусассамлаштирилган бўлса-да, назаримизда унинг яққол кўзга ташланадиган камчиликлари ҳам мавжуд.

Муаммога ушбу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ҳозир айрим юридик адабиётларда жиноятга дахлдорликнинг айрим шакллари декриминализация қилиш, яъни уларни жавобгарликни назарда тутувчи нормалар қаторидан чиқариб ташлаш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам баён этилмоқда. Жумладан, А.В.Наумов жиноят қонунида жиноят ҳақида хабар бермаслик учун жинойий жавобгарлик назарда тутилиши фуқароларнинг бир-бирини кузатиб юриш бўйича уларга ҳуқуқий мажбурият юклайди ва натижада улар ўртасида ўзаро шубҳа уйғотишга олиб келади², деб таъкидлайди. Ўз вақтида ушбу фикр В.Н.Поправко³ томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Бироқ бундай фикрга қўшилмаган ҳолда Е.В.Пономаренко: «... Давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини халқнинг ёрдамисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Аксинча, жиноятчиликка қарши курашда халқ ёрданидан фойдаланиш, *биринчидан*, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширади, *иккинчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда фуқароларни тинч, осойишта яшаш имкониятларини юзага келтиради. Агар фуқаролар атрофда содир этилаётган жиноятларга бефарқ бўлса ва уларга нисбатан ҳаракатсиз хулқ-атворини намойиш қилса, албатта, бу ҳолат жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади»⁴, — деб таъкидлайди.

¹ Қаранг: *Зирянов В.Н.* Попустительство по службе, совершаемое в правоохранительной сфере: Дис. ... д-ра юрид. наук. — Ставрополь, 1999. — С. 471.

² Қаранг: *Наумов А.В.* Российское уголовное право. Общая часть. — М., 1996. — С. 45.

³ Қаранг: *Поправко В.Н.* Проблемы уголовной ответственности за недонесение о преступлении// Материалы теоретического семинара. — Омск, 1996. — С. 63.

⁴ *Пономаренко Е.В.* Некоторые теоретические и законодательные проблемы прикосновенности к преступлению по уголовному праву Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2007. — С. 12.

Шу билан бирга, социологик тадқиқотларимизда қатнашган ички ишлар идоралари ходимларининг 74% жиноят ҳақида хабар бермаслик учун жиноят қонунида жавобгарлик белгилаш зарурлигини таъкидлайдилар.

Бу борадаги чет эл тажрибасининг таҳлили ҳам жиноятчиликка қарши курашда фуқаролар ёрдамидан кенг фойдаланилишини намоён қилди. Жумладан, Германия ҳукумати томонидан 1993 йил 25 октябрда қабул қилинган ва ҳозирги кунда амалда бўлган «Пул қимматликларини легаллаштириш ҳақида» (GWG)ги қонуннинг 17-параграфида пул қимматликлари воситаларини айлантиришда шубҳа уйғотган шахслар ҳақида ваколатли органларга хабар бермаслик тўғрисидаги қонун талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган¹. Демак, Германияда хабар бермаслик учун нафақат жиноий жавобгарлик, балки маъмурий жавобгарлик ҳам назарда тутилганлигини кузатиш мумкин.

Жиноятга дахлдорликнинг алоҳида шакллари бўлган жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида жавобгарлик назарда тутилиши, фикримизча, жиноят қонуни нормаси тузилишининг мантиқий талаблари бузилиши ва қонунчилик техникаси қоидаларига зид равишда ҳуқуқий жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган икки ҳуқуқий ҳодиса аралашиб кетишига ҳамда ушбу қилмишлар учун жавобгарликни индивидуаллаштириш имкониятларининг мураккаблашувига олиб келиши мумкин. Шунингдек, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги ва ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширганлик учун жавобгарликнинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида нормаларида назарда тутилиши ижобий натижаларга эришиш имкониятини инкор этмайди.

Бундан ташқари, амалиёт давлат ҳокимияти органларининг жиноятчиликка қарши курашда фуқароларнинг ёрдамисиз ҳаракат қилиши, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ижобий натижаларга олиб келмаслигини кўрсатди. Бу масаланинг бир жиҳати. Муаммога оид таҳлил қилинган жиноят иши материаллари ва социологик тадқиқот натижалари суд амалиёти ва назариясида «жиноят содир этган шахс» ҳақида хабар бермаслик учун унга ҳуқуқий баҳо беришга оид масалаларда айрим муаммоларнинг мавжуд эканлиги аниқланди. Баён этилаётган муаммо бўйича Р.Қабулов ва З.Х.Гулямов: «... Мазкур нормани ҳуқуқий шарҳлаш, жиноятнинг бошқа белгилари билан бирга айбдор шахсини тавсифловчи маълумотлар ҳақида ҳам хабар бериш кераклигини аниқлатади»², —деб таъкидлайдилар.

Бироқ бу борада В.Н.Кудрявцев: «Жиноят қонунида муайян ҳуқуқ нормаси унинг барча таркибий белгиларини тўлиқ акс эттирган ҳолда тузилиши лозим ва қонун чиқарувчидан ташқари ҳеч ким ушбу белгиланган жиноят таркибига у ёки бу белгиларни «қўшиши» ёки «олиб ташлаши» мумкин эмас»³, деб ҳисоблайди. Айнан, жиноят қонунининг 31 ёки 241-моддасининг 1-қисмига назар ташланса, жиноят ҳақида хабар бермасликнинг объектив белгилари сифатида «жиноят содир этган шахс» ҳақида хабар бермасликнинг назарда тутилмаганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, юқорида назарда тутилган олдиндан ваъда берилган ҳолда хабар бермаслик билан боғлиқ жиноят

¹ Geldwaschegesetz von 25 oktober 1993. (in der seit dem 9. Mai 1998 geltenden Fassung).

² Қаранг: *Қабулов Р., Гулямов З.Х.* Уголовная ответственность за преступления против правосудия: Учебное пособие. — Т., 2007. — С. 38.

³ Батафсил қаранг: *Кудрявцев В.Н.* Общая теория квалификации преступлений. 2-е изд., перераб. и дополн. — М., 2001. — С. 96.

қонунидаги мавжуд муаммони баргараф этиш учун жиноят ҳақида хабар бермасликнинг таърифидаги мавжуд «олдиндан ваъда бермаган ҳолда» белгисини чиқариб ташлаш лозим. Шу боис, жиноят қонунида жиноят ҳақида хабар бермасликнинг юридик мустаҳамланган барча белгиларини аниқлаш керак бўлади.

Ушбу мулоҳазалар асосида Жиноят кодексининг 241-моддасида жиноят ҳақида хабар бермаслик учун жавобгарлик белгилаган ҳолда уни қуйидаги таҳрирда баён этилишини таклиф этамиз:

«Жиноятга тайёргарлик кўрилатганлиги, содир этилатганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, агар хабар берилмаётган жиноятлар оғир ёки ўта оғир жиноятни ташкил этса, — ... жазоланади».

Ўз навбатида Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида нормасида жиноятни яширганлик учун жавобгарлик белгилаш лозим ва уни қуйидагича баён этиш зарур:

«Жиноят содир этган шахсларни ёки жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини, шунингдек жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яшириш, агар бундай ҳаракатлар оғир ёки ўта оғир жиноятларга нисбатан содир этилган бўлса, — ... жазоланади».

Шунингдек, биз кўриб чиқаётган муаммо нуқтаи назаридан яна бир жиҳатга эътибор қаратиш муҳимдир. Яъни, агар «жиноятни яшириш» атамаси сўзма-сўз шарҳланса, уни фақат жиноятни яширишга йўналтирилган ҳаракатларга тегишлилиги ҳақида фикр юритиш мумкинлиги англашилади. Бироқ жиноятни яшириш ва жиноят содир этган шахсни яшириш бири-биридан фарқланувчи хусусиятларни ўзида акс эттиради. Бу эса, жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш учун жавобгарликни назарда тутувчи норманинг номланишига ойдинлик киритиш заруриятини вужудга келтиради. Бу масалада, Н.Косякова ҳақли равишда: «... Жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш тўғрисидаги мазкур нормаларнинг номланишида жиноят содир этган шахсни ҳам кўрсатиш керак. Бу эса, ўз навбатида, келгусида ушбу нормалар билан танишмай туриб ҳам уларнинг таъсир чорасини оширишга кўпроқ жавоб беради»¹, — деб таъкидлайди.

Шу сабабли, амалдаги Жиноят кодексиде жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни янада такомиллаштирган ҳолда, жиноят ҳақида хабар бермаслик жиноятини «жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаслик» ва жиноятни яширишни эса «жиноят ёки уни содир этган шахсларни яшириш» деб номлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда жиноятни яширганлик учун жавобгарликни дифференциялаштириш масалаларида турли фикрлар баён қилинган. Чунончи, Н.Б.Эсенбаев «бир гуруҳ шахслар томонидан ҳамда гаразгүйлик ниятида содир этилган жиноятни яшириш, оддий ҳолатларда жиноятни яширишдан фарқ қилади. Шу сабабли, улар учун жавобгарликни оғирлаштирувчи нормалар билан белгиланиши керак»², деб ҳисоблайди. В.Г.Трифонов эса: «Жиноятни яширишда ўта оғир жиноятлар ва айнан жиноятчини яширишнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг бошқа усулларида кўра

¹ Қаранг: *Косякова Н.* Укрывательство преступления и преступника // Законность. — 1998. — №10. — С. 39.

² Қаранг: *Эсенбаев Н.Б.* Уголовная ответственность за заранее не обещанное укрывательство по законодательству Кыргызской Республики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — СПб., 2006. — С. 18.

юқорироқдир. Шу боис, улар учун жавобгарлик фарқланиши лозим»¹, — деб таъкидлайди.

Шу билан биргаликда, А.П.Окладников тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган жиноят ҳақида хабар бермаслик бир-бири билан таққосланганда, уларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти турлича эканлигини кўриш мумкин, яъни унда тайёргарлик кўрилаётган жиноят ҳақида хабар бермаслик ижтимоий хавфлироқ ҳисобланади. Шу муносабат билан улар учун жавобгарлик норманинг турли қисмларида белгиланиши лозим²лигини кўриб чиқишни тавсия қилади.

Ушбу масалада, бизнингча, З.Х.Гулямов тўғрироқ фикрни билдирган. Унинг таъкидлашича, «суд-тергов статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик бор-йўғи 0,9% ва 0,8%ни ташкил қилмоқда. Шу сабабли, хабар бермаслик турлари учун жавобгарлик уларнинг хавфлилик даражаси бир-биридан фарқланишидан қатъи назар, мазкур модданинг қисмида назарда тутилган санкция доирасида ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир»³.

Ички ишлар идоралари ходимлари орасида ўтказилган социологик сўровлар жараёнида «*жиноятни яширишнинг айрим усуллари учун жавобгарликни дифференциаллаштириш керакми?*» деб сўралганда, уларнинг 58,7% «*бир гуруҳ шахслар томонидан, ғаразгўйлик ниятида ҳамда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб*» содир этилган ҳолатлар учун жавобгарликни оғирлаштириш кераклигини кўрсатганлар.

Фикримизча, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси турлича эканлиги ўзининг қонунчилик кўринишига эга бўлиши керак. Бироқ амалдаги жиноят қонуни кўрсатилган қилмишлар учун жавобгарлик даражасини фарқламайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, жиноятни яширганлик учун жавобгарликни дифференциаллаштириш нуқтаи назаридан Жиноят кодексининг жиноятни яширганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормасининг 2-қисмини қўйидагича баён этиш лозим:

«Ушбу ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) ғаразгўйлик ниятида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

... жазоланади».

Бироқ бу билан биз, агар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига одил судловни амалга оширишда ёрдам бераётган фуқароларнинг хавфсизлигини қонуний таъминламас эканмиз, жиноятга дахлдорлик институтининг ҳуқуқий механизми самарасиз бўлиб қолади. Шу боис, қонунларимизда жиноят ҳақида хабар бераётган шахс ва унинг яқинлари тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминловчи чоралар тизимини назарда тутиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган ҳулосалар, таклиф ва тавсияларни амалдаги қонунчиликда тартибга солиниши, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш амалиётида қўлланилиши бизнингча, жиноятга дахлдорлик институтининг ҳуқуқий механизмини тартибга солиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

¹ Қаранг: *Трифонов В.Г.* Заранее не обещанное укрывательство преступлений и несообщение о них как виды прикосновенности к преступлению: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — СПб., 2000. — С.19.

² Қаранг: *Окладников А.П.* Совершенствовать закон об ответственности за недонесение о наиболее тяжких преступлениях // Уголовно-правовые средства борьбы с преступностью: Межвузовский сборник научных трудов. — Омск, 1983. — С. 67.

³ Батафсил қаранг: *Гулямов З.Х.* Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия. — Т., 2002. — С. 237—238.

*А. А. Хамдамов**

РОЛЬ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РЕШЕНИИ ЗАДАЧ УГОЛОВНОЙ ПОЛИТИКИ И УГОЛОВНОГО ПРАВА

Оперативно-розыскная деятельность, как и всякая иная деятельность по обеспечению общественной безопасности и борьбе с преступностью, осуществляется в государственно-правовой форме, имеет четко выраженную правовую основу и юридический характер правоотношений, возникающих в процессе этой деятельности.

Впервые о существовании специальной научной дисциплины, изучающей оперативно-розыскную деятельность органов внутренних дел, упомянул А. И. Винберг в первом учебнике по криминалистике для средних специальных образовательных учреждений МВД. Он писал: «Криминалистика тесно связана и с дисциплиной, разрабатывающей комплекс вопросов оперативной работы учреждений внутренних дел. Как известно, в оперативной работе криминалистические и специальные оперативные средства и приемы используются для непроцессуальных действий по предупреждению преступлений, выявлению данных, могущих затем в ходе предварительного следствия быть использованными в качестве доказательств, установлению и розыску преступника. Как криминалистика, так и дисциплина, специально разрабатывающая вопросы оперативной работы учреждений внутренних дел, служат целям борьбы с преступностью. Эта общность целей является основой их неразрывной связи. Криминалистика вооружает оперативных работников научно-техническими и тактическими приемами борьбы с преступностью, которые используются в оперативной работе. В свою очередь, указанная дисциплина, обобщая опыт оперативной работы, выявляет новые способы совершения преступлений, знание которых обогащает криминалистику... В криминалистической тактике и методике расследования учитываются оперативные возможности учреждений внутренних дел, решаются вопросы координации следственных действий и оперативных мероприятий, планирования расследования и разработки версий с учетом оперативных данных и т. п.» (Криминалистика. — М., 1959. — С. 13—14).

Через несколько лет А.И. Винберг повторил эти положения, но вступил с ними в явные противоречия, указав, что разработка проблем оперативно-розыскной тактики и методики, обобщение опыта оперативной работы, путей использования ее возможностей и т. п. — компетенция и прерогатива криминалистики (См.: Криминалистика. Раздел I. Введение в науку. — М., 1962. — С. 14, 19, 26, 28, 40).

Идея существования специальной дисциплины об оперативно-розыскной деятельности нашла своеобразное преломление в работах А.Н. Васильева 1963—1971 гг. По его мнению, проблемы оперативно-розыскной деятельности, связанные с процессуальными действиями органов дознания и предварительного расследования, — область криминалистической науки, а некоторые виды оперативной работы, которые «отдалены от уголовно-процессуальной деятельности», должны составлять содержание специальных дисциплин (См.: Криминалистика. — М., 1963. — С. 275). Впоследствии он изменил свое мнение и указал, что

* Начальник кафедры спецдисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук.

«оперативно-розыскные действия, используемые для предупреждения, обнаружения, пресечения преступлений, а также в процессе расследования, составляют особую дисциплину». Изменение своих взглядов он объяснил так: «Существовавшая ранее точка зрения о том, что оперативно-розыскные действия, используемые в расследовании, охватываются криминалистикой, объясняется, главным образом, тем, что особая дисциплина, объединяющая все виды оперативно-розыскных действий, находилась в процессе становления. По мере того, как эта дисциплина заняла свое место в системе наук, вышеуказанная точка зрения изменилась» (Криминалистика. — М., 1980. — С. 11).

На сегодняшний день ни у кого не вызывает сомнений то, что оперативно-розыскная деятельность является самостоятельной наукой в системе юридических наук, имеющей свой предмет исследования. Признание теории оперативно-розыскной деятельности самостоятельной наукой позволило включить ее в число наук, данные которых используются в криминалистике в непосредственном или преобразованном виде. Можно предположить, что по мере дальнейшей разработки этой теории все большее число ее положений будет использоваться в криминалистике при разработке новых технических средств, тактических приемов и методических рекомендаций по раскрытию и расследованию преступлений.

Рассматривая вопрос теории оперативно-розыскной деятельности, отметим, что это относительно новое по историческим меркам научное направление, которое зарождалось в системе уголовно-правовой отрасли знания на стыке с естественными, техническими и другими науками. Именно поэтому в историко-научном аспекте исследования данного вопроса необходимо учитывать интеграционные закономерности, предусматривающие изучение процесса развития не только отдельной науки, но и рассмотрение вопросов межнаучного взаимодействия.

Известно, что исторически одним из первых направлений развития криминалистики было исследование возможностей идентификации личности, разработка методов криминалистической регистрации. Указанные методы предназначались именно для обеспечения эффективности розыскной деятельности (раскрытия преступлений, розыска лиц, их совершивших, и т.д.). В дальнейшем, с развитием криминалистики постепенно развивались и теоретические основы оперативно-розыскной деятельности. По мере становления теории оперативно-розыскной деятельности как самостоятельной отрасли знания возникал вопрос о ее месте в системе научных знаний.

Говоря о межнаучных связях теории оперативно-розыскной деятельности, необходимо отметить, что они обусловлены спецификой ее служебной роли. Будучи органически связанной с науками уголовно-правового цикла, оперативно-розыскная теория, разрабатывая свои специфические приемы и методы обнаружения, предупреждения, пресечения и раскрытия преступлений, должна руководствоваться уголовно-правовыми нормами, учением о преступлении и его стадиях, а при разработке методических рекомендаций по борьбе с преступностью — учитывать положения теории доказательств в уголовном процессе. Проблемы разработки тактических приемов проведения отдельных следственных действий и оперативно-розыскных мероприятий являются общими и для криминалистики, и для теории оперативно-розыскной деятельности.

Независимо от особенностей развития теории оперативно-розыскной деятельности, осваивающей свой предмет исследования, в ней так или иначе протекает общенаучный процесс непрерывного накопления знаний на основе их дифференциации и интеграции. Вместе с тем в теории оперативно-розыскной деятельности как юридической отрасли знания указанные общие закономерности развития науки находят специфические проявления.

При анализе системы научного знания, в которую входит теория оперативно-розыскной деятельности, возникает вопрос о ее соотношении со смежными науками.

Осознавая необходимость консолидации усилий в противодействии данному общественно опасному явлению, Законом от 8 июля 2008 г. Республика Узбекистан ратифицировала Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющего Конвенцию ООН против транснациональной организованной преступности. Статья 6 данного Протокола гласит: «Каждое государство-участник рассматривает возможность реализации мер по обеспечению физической, психологической и социальной реабилитации жертв торговли людьми, в том числе в надлежащих случаях в сотрудничестве с неправительственными организациями, другими соответствующими организациями и другими элементами гражданского общества, и в частности мер, предусматривающих предоставление:

- а) надлежащего крова;
- б) консультативной помощи и информации, особенно в отношении их юридических прав, на языке, понятном жертвам торговли людьми;
- в) медицинской, психологической и материальной помощи;
- г) возможностей в области трудоустройства, образования и профессиональной подготовки».

Реабилитация потерпевших от торговли людьми имеет целью прежде всего восстановление у них состояния психологического и физического равновесия, а кроме того, она является залогом более эффективного взаимодействия потерпевших с правоохранительными органами в целях раскрытия, расследования преступления, уголовного преследования торговцев людьми, их наказания и восстановления прав потерпевших.

Максимальный пакет услуг, который предоставляется в Узбекистане жертвам торговли людьми, весьма разнообразен и включает содействие возвращению потерпевших на родину, предоставление им приюта для временного безопасного проживания, оказание медицинской, психологической и юридической помощи, а также социальной поддержки (обучение, помощь в трудоустройстве и проч.). Данный пакет услуг может оказываться как в комплексе, так и отдельно, в зависимости от нужд и потребностей потерпевших.

В Узбекистане в настоящий момент функционирует реабилитационный центр при ННО «Истиқболли авлод», который оказывает вышеперечисленные услуги.

Следует отметить, что в сфере преступной деятельности, связанной с торговлей людьми, действуют многочисленные организованные группы с четким разделением ролей между участниками, имеющими разветвленные связи в различных странах¹. В связи с этим торговля людьми зачастую носит транснациональный характер (как отмечают специалисты, организованная торговля людьми входит в число 17 самых опасных транснациональных форм организованной преступности)².

* Начальник кафедры юридических дисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

** Преподаватель кафедры юридических дисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: Якубов А. С., Кабулов Р., Гулямов З. Х. и др. Расследование и квалификация вербовки людей для эксплуатации. — Т., 2004. — С. 6.

² См.: Кан Р. П. Некоторые международно-правовые аспекты борьбы с незаконной вербовкой людей для эксплуатации // Узбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари. — Т., 2007. — С. 296.

Как правило, торговцы «живым товаром» нелегально перемещают своих жертв из одной страны в другую, где продают и перепродают их. Нелегальное положение жертв в иностранном государстве ставит их в полную зависимость от торговцев. В этих случаях жертвы нуждаются в содействии в возвращении на родину¹.

По возвращении на родину потерпевшие нередко сталкиваются с отрицательной реакцией людей, с которыми им приходится контактировать, а зачастую и с проблемой личной безопасности и безопасности их близких. Как правило, торговцы людьми имеют всю контактную информацию о жертве и ее семье. Опасаясь уголовного преследования, они начинают всячески запугивать потерпевших, угрожать им физической расправой, поэтому возвратившиеся на родину жертвы нуждаются в серьезной защите со стороны государства.

После депортации из-за границы потерпевших от торговли людьми встречают сотрудники неправительственных организаций, которые и сопровождают их в безопасное место, где обеспечивают всем необходимым (как правило, у них не бывает денег на пропитание, одежды, соответствующей сезону, и т.п.) и оказывают медицинскую помощь.

Сотрудники ННО «Истиқболли авлод» на данном этапе проводят работу по идентификации потерпевших и их консультированию. Идентификация проводится в форме свободного общения. Консультация заключается в предоставлении жертвам информации об их правах, о возможностях защиты нарушенных прав, получения соответствующей помощи, проживания в реабилитационном центре и т.п.

Если потерпевшее лицо примет решение о прохождении реабилитации, то сотрудники ННО направляют его в свой реабилитационный центр. Имеют, однако, место случаи, когда потерпевшие отказываются от какой-либо помощи и желают только одного — вернуться домой, что чаще всего бывает связано с их тяжелым психологическим состоянием. В таких случаях они отправляются домой, но их информируют о том, что если они изменят свое решение и захотят получить какую-либо помощь, то могут обратиться в ННО либо напрямую в реабилитационный центр. При этом разъясняется, что помощь и услуги потерпевшим предоставляются бесплатно.

Право получать помощь в реабилитационном центре ННО «Истиқболли авлод» предоставляется лицам в возрасте 18 лет и старше независимо от их готовности давать показания против торговцев людьми. Право получить помощь имеют:

- 1) женщины и девушки — жертвы любой формы торговли людьми независимо от гражданства (равный доступ к защите и получению помощи) и от территории и места эксплуатации;
- 2) женщины и девушки — участницы уголовного судопроизводства (в качестве потерпевших, свидетелей и др.).

Пострадавшие-женщины, имеющие детей в возрасте младше 12 лет, должны находиться вместе с детьми. Дети должны участвовать в реабилитационном процессе и получать необходимую медицинскую помощь, психологическое консультирование и образование.

Период пребывания в реабилитационном центре может варьироваться от одного до трех месяцев. По окончании данного срока потерпевшие проходят обследование у специалистов, в случае необходимости срок их пребывания здесь может быть продлен. Они могут покинуть реабилитационный центр раньше указанного срока, если будут признаны психически и физически здоровыми или захотят покинуть центр по собственному желанию либо в случае перевода в другое лечебное (реабилитационное) учреждение.

В Узбекистане осуществляет свою деятельность также Республиканский реабилитационный центр по оказанию помощи и защите жертв торговли людьми. Данный Реабилитационный центр был создан на основании Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 ноября 2008 г. Он подведомственен Министерству труда и

¹ По данным ННО «Истиқболли авлод», в период с 2003 г. по 2009 г. было оказано содействие по возвращению на родину 3400 человек.

социальной защиты населения Республики Узбекистан. Республиканский реабилитационный центр осуществляет свою деятельность исходя из следующих основных принципов:

- недопущение дискриминации жертв торговли людьми;
- соблюдение конфиденциальности частной жизни и личности лиц, пострадавших от торговли людьми;
- социальная и юридическая поддержка жертв торговли людьми и индивидуальный уход за ними.

Основными задачами и функциями Республиканского реабилитационного центра являются:

- обеспечение жертв торговли людьми благоприятными условиями для проживания и личной гигиены, питанием, лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения;
- предоставление неотложной медицинской, психологической, социальной, юридической и иной помощи жертвам торговли людьми;
- обеспечение безопасности жертв торговли людьми;
- оказание содействия по установлению контактов жертв торговли людьми с родственниками и близкими;
- предоставление жертвам торговли людьми, их родственникам и попечителям информации о правах и законных интересах жертв торговли людьми;
- оказание жертвам торговли людьми содействия в социальной реабилитации.

Республиканский реабилитационный центр предоставляет раздельное размещение мужчинам и женщинам, а также детям—жертвам торговли людьми. Размещение жертв в Центре осуществляется на основании их добровольного волеизъявления и совместного решения, принимаемого директором Реабилитационного центра, представителями органов внутренних дел и органов опеки и попечительства.

Помощь каждой жертве торговли людьми оказывается на основании индивидуального плана реабилитации, разрабатываемого по результатам комплексного обследования и оценки состояния здоровья, необходимости социальной, психологической, юридической и иной помощи. После выхода из Реабилитационного центра жертва торговли людьми может пользоваться услугами центра по юридическому консультированию, медицинской поддержке до её полного возвращения к нормальному образу жизни. Органы внутренних дел, органы опеки и попечительства, органы государственной власти на местах, подразделения Министерства здравоохранения, Министерства юстиции, Министерства образования, Министерства труда и социальной защиты населения в пределах своих полномочий по заявкам Республиканского реабилитационного центра предоставляют жертвам торговли людьми:

- информацию в доступной форме о существующих судебных и административных процедурах, защищающих права, свободы и законные интересы жертв торговли людьми, и иную необходимую юридическую помощь;
- квалифицированную психологическую и медицинскую помощь посредством прохождения медицинского осмотра и консультирования у специалистов;
- содействие в профессиональной реабилитации и трудоустройстве;
- доступ к посещению образовательных учреждений детей - жертв торговли людьми.

Семья, в которую возвращена жертва торговли людьми, подлежит мониторингу в течение одного года в целях предотвращения повторного совершения в отношении ее торговли людьми. В ходе мониторинга специалистами Реабилитационного центра, органов внутренних дел, органов опеки и попечительства оценивается положение данного лица в семье после его возвращения.

Неотъемлемой частью работы реабилитационных центров является активное сотрудничество с правоохранительными органами в целях защиты прав и интересов жертв торговли людьми, эффективного проведения расследования, привлечения к уголовной ответственности лиц, участвовавших в совершении преступления.

А. А. Матчанов*

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҚИДИРУВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА УЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида вояга етмаганлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган бўлиб, унда «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», дейилган.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида баркамол, соғлом авлодни тарбиялашда ота-оналар ва мактабнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятларини алоҳида қайд этиб, «ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Динудиёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-хунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш.» деб таъкидлаган¹.

Маълумки, қарийиб ўн тўққиз йил давомида мустақил мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш Бош қомусимиз тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 60-боби «Вояга етмаганларнинг жиноятлари билан боғлиқ жиноят ишларини юритиш тартибининг процессуал қонунқоидаларига бағишланган бўлиб, унда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг энг муҳим вазифаси нафақат жиноятларни тез ва тўла очиш, балки шахсга адолатли жазо бериш ҳамда айбдорларни фош этишда қонунни тўғри татбиқ этишни таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг мазкур нормаси вояга етмаган шахсларнинг жиноят ишларига ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари турли тажовузлардан, шунингдек, суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан содир этилиши эҳтимоли бўлган гайриқонуний ҳаракатлардан ҳам бир ҳилда муҳофаза этилиши қайд этиб ўтилган².

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 11-моддасида: «Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир шахсга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб бериш, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча, айбсиз деб ҳисобланиши» таъкидланган.

Шу муносабат билан ҳозирги вақтда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давом этаётган бир шароитда жиноят ва жиноят-процессуал қонунларини либераллаштириш жараёни жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бунга қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг тобора камроқ

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. — Т., 1998. — 325-б.

² Қаранг: Абдурахманов У.А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореферати. — Т., 2009. — 14-б.

қўлланилиши, шахсни қамоққа олиш билан боғлиқ эҳтиёт чорасини қўллашнинг судларга берилганлиги каби чораларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу эса бевосита дастлабки тергов қидирувида бўлган вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан қидирув ва тезкор-қидирув ҳаракатларини қўллашда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга туртки беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг 3-моддаси тезкор-қидирув фаолиятга доир вазифаларга бағишланган бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, хавфсизлиги, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш; жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва очиш, шу жиноятларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш; суриштирув, тергов ва суддан яширинган ҳамда жинойий жавобгарликдан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларнинг қидирувини амалга ошириш тўғрисидаги қоидалар ўз аксини топган.

Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши дастлабки терговда қўлланиладиган қидирув муносабатларини янада юксак ҳуқуқий поғонага кўтариб, ушбу соҳанинг ҳуқуқий механизмини янада яхшилашга имкон яратар эди.

Вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятларни судга қадар юритиш бўйича уларнинг терговдан яширинганлик ҳолатлари юзасидан ҳам кўплаб ишларни амалга ошириш лозимлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Маълумки, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиш, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда жиноятчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуасига тўғри баҳо бериш, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда қонунда кўрсатилган имтиёзлардан тўла фойдаланишга имконият яратиш лозим¹. Шу боис ушбу муаммоларнинг жиноят процессининг дастлабки тергов босқичидаёқ ечиш билан боғлиқ масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда².

Ҳозирги кунда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда вояга етмаган айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлганда унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳолатлари бўйича ишларни олиб бориш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Зеро жиноятнинг мазкур турида қидирувни ташкил этиш ва амалга ошириш, дастлабки тергов фаолиятида алоҳида эътибор берилиши, вояга етмаган айбланувчининг қаердалигини аниқлаш, ушлаш, келажакда содир этилиши эҳтимол бўлган жиноятларнинг олдини олишга ҳамда шу орқали суд-ҳуқуқ ислоҳотларини таъминлашга қулай шароит яратади.

Бу, ўз навбатида, ҳуқуқшунослар зиммасига мавжуд муаммоларни илмий таҳлил қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича қидирувни процессуал жиҳатдан ташкиллаштиришнинг илмий механизмини яратиш, уларга назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан таклиф, тавсия, шунингдек хулосалар ишлаб чиқиш каби масъулият юклайди.

Амалиётда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича қидирувни амалга ошириш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг жиноят содир этиб терговдан яшириниб юрган ҳолатлари бўйича жиноят ишларини тергов қилиш терговчидан юқори малакага эга бўлиш, ўсмирлар психологиясини ўрганиш, алоҳида тергов ишларини юритиш ва қидирув тактикаси ҳамда уни ташкил этиш ишларини, тергов қилиш услубини яхши билишни талаб этади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Маъсул муҳаррир: проф. Ғ.А. Абдумажидов. — Т., 2009. — 877-б..

² Қаранг: Орлова Ю.Р. Особенности расследования и предупреждения преступлений несовершеннолетних / Под ред. проф. А.М. Кустова. — М., 2006. — С 180.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда қидирувни амалга ошириш жиноят-процессуал қонуни билан тартибга солинади. Шу билан бирга, қидирувда бўлган вояга етмаган айбланувчи ёки гумон қилинувчи жиноят процессининг иштирокчиси сифатида ёш психологиясига кўра алоҳида хусусиятга эга. Бу эса, шубҳасиз, ушбу шахсларни жиноят ишида гумон қилинувчи (айбланувчи) тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш масалаларини жиноят-процессуал тартибга солишда ўз аксини топади. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ушбу йўналишдаги ривожланиш тамойилини қидирувда бўлган вояга етмаган гумон қилинувчилар (айбланувчилар)нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш масаласи ташкил қилади. Бу эса вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши ҳолатлари ва кейинчалик уларнинг терговдан яширинишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона текшириш, вояга етмаган шахснинг бу борадаги қонуний ҳуқуқларини таъминлашни тақозо этади.

Демак, Жиноят-процессуал кодексининг қидирувда бўлган вояга етмаган айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари ҳамда суриштирувчи, терговчининг қидирув фаолиятини тартибга солишга доир нормаларига ҳар томонлама асосланган тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур. Жиноят иши бўйича вояга етмаган айбланувчининг қидирувини ташкил этиш, унинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳамда қидирув ҳаракатларини бошлаш, уларни амалга ошириш ва яқунлаш жиноят-процессуал қонунда муайян тартибда қайд этилиши тергов фаолияти мазкур йўналишининг самарадорлиги ва сифатини оширишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўз нутқида «Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда»¹ деб таъкидлаб ўтганлар.

Судга қадар иш юритишда жиноят иши бўйича вояга етмаган айбланувчининг қидирувини ташкил этиш ҳамда қидирув ҳаракатларини бошлаш, уларни амалга ошириш ва яқунлаш масалаларининг жиноят-процессуал қонунда муайян тартибда қайд этилиши тергов фаолиятининг ушбу йўналишини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ички ишлар идоралари таркибига кирувчи дастлабки тергов органлари фаолиятида ҳам вояга етмаган айбланувчининг қидирувини самарали ташкил этиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Яширинган вояга етмаган айбланувчининг қидирувини амалга оширишга дастлабки тергов фаолиятида алоҳида эътибор берилиши ва бу борада жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, қонуний манфаатларига тўлиқ риоя қилиниши, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янада ривожланишини таъминлаш билан бирга, бу борада тергов амалиётини айнан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари акс этган меъерий ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда олиб борилишига қулай шароит яратади. Бунинг ўз навбатида, республикамизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши йўлида хизмат қилиши муқаррардир.

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. — Т., 2009. — 29-б.

Ж. С. Мухторов*

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҚАРОВСИЗЛИГИ ВА УЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мустақиллик йилларида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи жиноятчиликка қарши кураш борасида Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида амалдаги қонунларда белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 1991 йил 20 ноябрь қонунида — вояга етмаган ҳуқуқбузарларга махсус тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатилиши, озодликдан маҳрум этиш ва махсус муассасалардан қайтган ёш фуқароларни ижтимоий жиҳатдан тиклаш ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари эканлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ички ишлар идораларини ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилган норматив ҳужжатларида ёшлар ўртасида жиноят содир этишга мойил бўлганларни аниқлашда профилактик ишларнинг самарадорлигини таъминлаш, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган ёшларни ишга жойлаштириш, милиция таянч пунктларини ёшларнинг мазмунли дам олиш жойлари деб ҳисоблаш, милиция таянч пунктларининг инфратузилмаларини такомиллаштиришда ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ва оммавий-спорт ишларини ривожлантиришни таъминлаш ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида¹ — ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, жинсий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган, юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар сифатида эътироф этилгани сўзимизнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори² болалар қаровсизлиги ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолият олиб бораётган барча субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада олиб борилаётган чоратадбирлар ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар кескин камаймаяпти.

Маълумки, аксарият ҳолларда, тарбияси қийин болалар муаммоси ҳақида сўз юритганда уларнинг салбий ҳулқ-атвори нобоп, нопок ҳаёт кечирувчи носоғлом оилалар билан боғланади. Ҳақиқатан ҳам, болалар катталарнинг ахлоқи ва ҳаракатларига қараб тарбияланади. Аммо уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт майдончаси ёки мактабдан ташқари муассасаларга, кутубхона ёки тўғарақларга бормай, кўчада санғиб, азартли ўйинлар бўлиб ўтадиган жойларга бориб, истаган ишини қилиши, порнографик мазмундаги ёки ёвузликни тарғиб қилувчи чет эл жангари фильмларни кўриши уларнинг

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлигининг ўринбосари в. б., юридик фанлар номзоди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — №1. — 1-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2000. — № 6. — 99-м.

руҳиятига салбий таъсир этиб, турли ҳуқуқбузарликларни содир этишига туртки бериши эътибордан четда қолади.

Жиноят содир этган вояга етмаганлар ўртасида ўтказилган анкета сўровларига кўра, уларнинг 28,7 фоизи асосий вақтини видеобарларда фильмлар томоша қилиш; 12,8 фоизи қарта ёки қимор ўйнаш; 35,8 фоизи спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилиш; 36,8 фоизи кўча ва бозорларда санғиш билан ўтказганлар. «Вояга етмаганларнинг 14,3 фоизи спиртли ичимликларни оилада, 5,4 фоизи мактабда ёки ишда, 46,8 фоизи дам олиш масканларида, 33,6 фоизи бошқа жойларда, 6,1фоизи 11-13 ёшида, 10,1 фоизи 14 ёшида, 22,2 фоизи 15 ёшида, 30,3 фоизи 17 ёшида истеъмол қилганликлари аниқланган»¹.

Фикримизча, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш «кўча болалари»нинг сони камайишига ёрдам беради. Бу ишда мактабдан ташқари муассасалар асосий ўрин эгаллаши, мактаблардаги тўғарақларнинг ишини ташкил қилишнинг бош бўғинига айланиши зарур. Афсуски, бу вазифани улар белгиланган талаблар даражасида бажармаяптилар.

Вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб қолишлари сабабларини ўрганиш учун ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, умумий ҳисобда респондентларнинг тахминан 20 фоизи — ота-она, 15 фоизи — мактаб, 10 фоизи — ички ишлар идоралари, 15 фоизи эса телевидение, видеони айбдор, деб жавоб берганлар². Ваҳоланки, «71,7 фоиз ҳолларда — вояга етмаганларнинг ота-оналари, дўстлари, 35,6 фоиз ҳолларда — ўқитувчилар, 17,9 фоиз ҳолларда — маҳалла кўмиталари, 30,7 фоиз ҳолларда — кўни-кўшнилари уларнинг ёмон ишлар билан шуғулланаётганликларини билганлар. Аммо ушбу гуруҳдаги шахсларнинг фаолиятига таъсир қилиш, ташкилотчиларини аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш юзасидан ҳеч қандай иш олиб бормаганлар»³. Натижада, аксарият вояга етмаганлар илгари судланган шахслар таъсирини тушиб қолиб, жиноят содир этганлар.

Профессор З.С.Зариповнинг таъкидлашича, «вояга етмаганларнинг илгари судланган шахслар билан яқин муносабати мактаб ва ота-оналарнинг назоратини сусайтиради, ижтимоий фойдали алоқаларнинг йўқолишига олиб келади, уларнинг маълумоти ва маданий даражасининг кўтарилишига халақит беради»⁴. З. Зарипов ўтказган тадқиқотлар жараёнида сўралган вояга етмаганларнинг 42,1 фоизи уюшган гуруҳ таркибида муқаддам судланганлар бўлганлигини, 39,4 фоизи уюшган гуруҳни ташкил қилиш ташаббускори муқаддам судланган шахс бўлганлигини, 15,7 фоизи муқаддам судланган шахсларга тенглашишга ҳаракат қилганлигини; 23,6 фоизи улар билан тенг муносабатда бўлганлигини; 28,9 фоизи уларни ҳурмат қилганлигини ва 39,1 фоизи улардан қўрққанлигини таъкидлаган»⁵.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда вояга етмаганларнинг жиноий йўлни танлашларига асосий криминоген омиллар сифатида уларнинг бўш вақтлари назоратсиз қолаётгани, маълум бир қисмининг ҳеч жойда ишламасдан ва ўқимасдан юриши, зўравонликни, жиноий йўл билан бойлик орттиришни, маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи фильмларни томоша қилиши ҳамда жиноят олами вакилларининг ҳаёт тарзига тақлид қилиши сабаб бўлмоқда.

Ушбу криминоген омиллар таъсирининг кучайиши қуйидагилар билан боғлиқ:

— боланинг вақти мактабдан кейин соат 14. 00 дан 19. 00 гача бўш бўлиши ва назоратсиз қолиши (кўпроқ шаҳарларда). Бундай ҳолат вояга етмаганларнинг дуч келган

¹ Зарипов З.С., Кержнер М.Ю., Мурадов О.Б. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш социологияси // Ҳуқуқ—Право—Law. — 2003. — № 4. — 25—28-б.

² Қаранг: Тоҳир Малик. Жиноятнинг узун йўли (Ким айбдор?). — Т., 2004. — 14-б.

³ Зарипов З.С. Вояга етмаганларнинг гуруҳий жиноятчилиги ва унинг олдини олишга қаратилган айрим чоралар // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш. — Т., 2001. — 18—21-б.

⁴ Ўша жойда. — 21-б.

⁵ Қаранг: Зарипов З.С., Кержнер М.Ю., Мурадов О.Б. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш социологияси // Ҳуқуқ—Право—Law. — 2003. — №4. — 25—28-б.

шахслар билан танишишларига, шунингдек, жиноят содир этишга мойил шахс ёки гуруҳлар таъсирига тушиб қолишларига олиб келади;

— ота-онанинг асосий вақти меҳнат ва жамоат ишларига сарфланиб, бола тарбиясига етишмаслиги;

— ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун тўғаракларнинг етарлича ташкил этилмагани;

— мактаб билан оила, педагоглар билан ота-она ўртасидаги алоқанинг тўғри йўлга қўйилмагани (агар ўсмирнинг сигарета ёки наша чекаётганига, гиёҳвандлик воситаси ёки спиртли ичимлик истеъмол қилаётганига шубҳа туғилса ёки бу ҳолат ўз исботини топса-ю, ота-онасини чақириб, бу нохушлик ҳақида хабар берилса, қандай жавоб бўлишини тасаввур этиш қийин эмас. Ота-оналарнинг аксарияти «огоҳлантирганингиз учун раҳмат» дейиш ўрнига, аксинча «билиб олганингиз менинг болам, нуқул ёмонлайсиз» деб жанжал кўтаради);

— аҳоли турар жойларида болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат тузилмаларининг оила ва мактаб билан ҳамкорлиги самарали ташкил этилмагани ва ҳоказо.

Вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш борасида ўтказилган бошқа тадқиқотларда ҳам ушбу муаммоларнинг айримлари болаларда жамиятга зид қарашлар шаклланишининг асосий омиллари сифатида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш профилактика хизматлари томонидан қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

— ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишни тўғри ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ўқув муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш;

— оммавий ахборот воситалари кўмагидан фойдаланган ҳолда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга доир тарғибот ва ташвиқот ишларининг мунтазам равишда олиб борилишини таъминлаш;

— қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга тегишли ёрдамларни беришда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

— фарзандлари тарбиясига етарли эътибор бермаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг масъулиятини ошириш;

— ҳар бир маҳаллада вояга етмаганларни муқаддам судланган шахслар, жиноий гуруҳлар ҳамда экстремистик гоялар таъсиридан ҳимоя қилиш тизимини яратиш;

— ҳар бир маъмурий ҳудуддаги спиртли ичимликлар билан савдо қилиш шаҳобчаларида, хусусан дўконларида вояга етмаганларга уларни сотишни тақиқлаш борасида жамоатчилик назоратини жорий этиш;

— милиция таянч пунктларида ёшлар тарбияси учун масъул жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда вояга етмаганларда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг, қонунларга риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш тизимини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 25 октябрь куни Ички ишлар идоралари ходимлари байрами муносабати билан йўллаган табригида ҳуқуқбузарликларни, биринчи галда ёшлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштириш, бугун ушбу касб эгаларининг олдидаги энг долзарб масалалардан бири эканлиги, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хислатлари бўлмоғи даркорлиги, шунингдек улар ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкинлиги таъкидланган¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007. — 25 окт.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Дарслик / И. Исмаилов, М.Ш. Юлдашев, И. Мирзараимов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 592-б.

Мустақиллик шарофати билан 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг қабул қилиниши ва ўша йилнинг 1 октябридан амалга киритилиши республикамиз жиноят-ижроия қонунчилигида, айна пайтда тизимида муҳим бир ислоҳий қадамлар ташлашга замин яратди. Бинобарин, маҳкумларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларга инсонпарварлик принциплари асосида муносабатда бўлиш, сақлаш шароитларини яхшилаб бориш масалалари бўйича доимий равишда қўшимча чора-тадбирлар кўриб борилишини давр тақозо этмоқда.

2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга ўзига хос асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси профессор-ўқитувчилари И.Исмаилов, М.Ш.Юлдашев ва И.Мирзараимовларнинг «Жиноят-ижроия ҳуқуқи» номли дарслиги ана шу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда долзарблик касб этади.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълимнинг «Тергов фаолияти», «Тезкор қидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти», «Эксперт-криминалистик фаолият» мутахассисликлари учун жиноят-ижроия ҳуқуқи фанини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 24 мартдаги 61-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат таълим стандартларига мувофиқ ИИВ Академияси Илмий кенгаши томонидан 2006 йил 31 майда тасдиқланган дастур асосида ҳамда Жиноят-ижроия кодексининг 2010 йил 1 январь кунидagi ҳолати бўйича ёзилган.

Дарсликда жиноят-ижроия қонунчилиги ва жазони ижро этиш тизимидаги мавжуд муаммолар кўрсатилиши билан бирга, айрим ҳолларда уларнинг илмий асосланган ечимлари ҳам берилган. Шунингдек, муаллифлар томонидан ушбу дарсликни ёзиш жараёнида ҳозирги кунда республикамизда олиб борилаётган жиноят-ижроия соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва натижаларига жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бутунлай бекор қилинишининг сабаби ва аҳамияти илмий асосланган ҳолда ёритилган.

Маълумки, 2003 йилнинг 26 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинганидан сўнг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноят қонунини либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колонияларда, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса умумий тартибли колонияларда ўташлари белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, жазони ўташ жойларида маҳкумларни сақлаш ва яшаш шароитларини анчагина энгиллаштиришга олиб келди.

Айни вақтда дарслик муаллифлари республикамизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишга қаратилган давлат дастурлари, асосий принциплар, йўналишлар, халқаро ҳуқуқ нормалари ва конвенциялар асосида жазони ижро этиш тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартирилаётганлигининг аҳамиятли жиҳатларини очиб берганлар.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида: «Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидagi жиноий содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, яраштирув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда», - деб бежизга айтмадилар.

Дарслик муаллифлари давлат жиноий жазони қўллаш функциясини бажарар экан, унда ўч олиш ва маҳкумни маънавий жиҳатдан хўрлаш, унга жисмоний азоб бериш ёки шарманда қилишдан иборат бўлган мақсадни ўз олдига қўймаслигини, балки маҳкумни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш орқали унинг руҳий ҳолатини ва хулқини ўзгартириш, унинг онгидаги жиноят қилишга таъсир этган сарқитларни тугатиш ҳамда у шахсда қонунларни ва ҳуқуқ-тартиботни хўрмат қилиш, ҳалол турмуш кечириш ва астойдил меҳнат қилиш ҳиссини уйғотиш эканлигини ҳақли равишда таъкидлаб ўтадилар.

Шунингдек, дарсликда жиноят-ижроия тизими соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, энг аввало, республикамиз олимлари ва ушбу соҳа амалиётчи ходимларининг жиноят-ижроия ҳуқуқини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кенг миқёсда ўрганиб, чуқур таҳлил қилишлари, илмий асосланган таклиф, тавсия ва хулосаларни ишлаб чиқишлари зарурлиги кўрсатилган. Мазкур дарслик ана шу жиҳатлари билан ушбу фан бўйича ёзилган аввалги дарсликлардан тубдан фарқ қилади.

Айни вақтда ушбу дарсликнинг ёзилиши бўйича баъзи бир таклиф ва тавсияларни ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Жумладан, дарсликда жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан қисқача бўлса-да, мисоллар келтирилиб, қиёсий таҳлили берилганда янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қ.Р.Абдурасулова,
юримдик фанлар доктори, профессор.

БАРКАМОЛЛИККА ЭРИШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2010 йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, республика Олий суди, вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишда ҳуқуқий тарбиянинг ролини ошириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг бошлиғи, профессор Ҳ. Одилқориев очди ва олиб борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим ва маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Э.Юсупов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор О.Каримова, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИХХҲ ва ЮТБ бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори. А.Саттаров, ИИВ Академияси кафедра бошлиқлари, фалсафа фанлари доктори Ш. Мамадалиев, юридик фанлар доктори, профессор И.Исмаиловлар «Интеллектуал бойлик-баркамоллик омили», «Баркамол авлодни шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни», «Ҳуқуқий тарбиянинг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги аҳамияти», «Ҳуқуқий тарбиянинг маънавий-ахлоқий негизлари» «Ёшлар ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш-баркамол авлодни шакллантириш гарови» мавзуларида маъруза қилдилар.

Маърузалардан сўнг ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган «Сиз қонунни биласизми?» деб номланган электрон ўқув қўлланмасининг тақдими бўлиб ўтди.

Илмий-амалий анжумандаги маърузаларда таъкидланганидек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган. Хусусан, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган, дунёқарашининг кенглиги, олий мақсадларга интилиши, умумий маданиятнинг узвий қисми бўлган юксак ҳуқуқий маданияти билан ажралиб турувчи шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ушбу Дастурнинг асосий вазифаси эканлиги маърузалар мазмунига сингдирилган.

Конференция жараёнида ёшлар ўртасида амалга оширилаётган ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларининг мазмуни, шакли ва усулларини такомиллаштириш, бу соҳада янги педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек мазкур ишларда давлат, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ролини оширишга доир масалалар кенг муҳокама қилинди. Конференция иштирокчилари ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Конференция иши натижалари бўйича ёш авлоднинг ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришга қаратилган назарий, ҳуқуқий ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

А.Т. Холов,
илмий ходим.